


М.Сайдова, У.Кўзиев

# ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯ



**Саидова Мухаббатхон  
Кўзиев Умиджон**

# **Лингвокультурология**

**(Услубий кўлланма)**

**Наманган - 2017**

**Ушбу услубий қўлланма магистратура босқичи 5A120101 - Лингвистика  
(ўзбек тили) йўналиши талабаларига мўлжалланган бўлиб, 2-босқичда ўқитиладиган  
“Лингвокультурология” фанининг умумий масалаларига кириш вазифасини  
бажаради**

**Тузувчилар:**


**М.Сайдова, ф.ф.н, НамДУ доценти, рус  
тили ва адабиёти кафедраси мудири**

**У.Қўзиев, НамДУ ўзбек тили ва адабиёти  
кафедраси ўқитувчиси**

**Такризчилар:**

**Ш.Искандарова, ф.ф.д, ФарДУ  
профессори**

**Х.Усмонова, ф.ф.д., НамДУ**



Ушбу услубий қўлланма НамДУ ўкув-услубий кенгашининг 2017 йил “27”-  
июндаги йигилишида кўриб чикилган ва нашрга тавсия этилган. Баённома № 11

## Сўзбоши

Бугунги кунда матн таҳлилида тадқикотчилар грамматика, семантика, когнитология, психолингвистика, лингвокультурология каби қатор йўналишлар кўлга киритган ютукларга таяниб иш кўрмокдалар. Бундан мақсад – нутқ яратувчи ва уни идрок этувчи шахс омилиниг лисоний фаолиятда қандай ўрин тутишини аниқлаш бўлса, иккинчи томондан, матннинг семантик, лингвокультурологик хусусиятларини янада чукуррок ўрганишдир. Шундай масала сифатида хозирги кунда тилшунослик илмида барчанинг эътиборини тортаётган тил ва маданият тушунчаси билан боғлик бўлган лингвокультурология масалалари кўпчилик тилшунос олимлар томонидан тадқиқ этилаётган бўлса-да, бирор тўлақонли ўз ечимини топган эмас. Мазкур ишимиз айни мана шу масала – тилшуносликнинг янги соҳаси лингвокультурологияга қаратилганлиги билан эътиборлидир.

Лингвокультурология тилшунослик илмига хос бўлган қатор янги соҳалардан бири бўлмиш коммуникатив тилшунослик ва матн лингвистикаси, матнни ўрганишдаги антропоцентрик ёндашув, когнитив тилшунослик, прагмалингвистика, психолингвистика, социолингвистика, лингвоўлкашунослик, этнолингвистика соҳаларига оид масалаларни таҳлил қилиш йўналишидаги тадқикот ишлари билан чамбарчас боғлик.

Тил ва маданиятнинг боғлиқлиги, маданиятнинг тилда акс этиш муаммоси билан боғлик масалаларнинг методологик асоси якин йиллардангина бошланди. Уларнинг асоси сифатида В.В.Воробёв, В.М.Шаклеин, В.Н.Телия, В.А.Масловаларнинг ишлари хизмат қиласи.

Ўзбек тилшунослик илмида хам бу йўналишда қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ўзбек тилшунослигига лингвокультурологиянинг илмий асосланиши, маданиятнинг тилда акс этиши каби қатор масалаларга қаратилган дастлабки ишлар сифатида А.Нурмоновнинг “Ўзбек тилида лингвокультурологик йўналиш”, Н.Махмудовнинг “Тилнинг мукаммал тадқики йўлларини излаб”, “Ўхшатишлар - образли тафаккур махсули”,

Н.Сайдибрахимованинг “Лингвокультурологиянинг илмий асосланишига доир айрим мулоҳазалар”, “Лингвокультурологиянинг компонентлари” номли мақолаларини, Д.Худойберганованинг “Матннинг антропоцентрик тадқики” мавзусидаги монографияси, «Ўзбек тили ўхшатишларининг изохли лугати»ни белгилаш мумкин. Мазкур ишларда лингвокультурология фанининг моҳияти, предмети ва обекти масалалари ўрганилган.

Мазкур кўлланмада биз юкорида кайд этилган ишларга таянган ҳолда лингвокультурология борасидаги фикрларни жамлашга интилдик.

Бунда асосий манба сифатида В.А.Маслованинг «Лингвокультурология» ўкув кўлланмасига таяндик.

**РЕЖА:**

1. Тилшуносликда парадигма тушунчаси. Парадигмаларнинг ўзгариши масаласи. Уларнинг қиёсий-тариҳий, систем-структур ва антропоцентрик турлари.
2. Билимларнинг янги антропоцентрик парадигмаси ва унинг лингвокультурологиядаги ўрни.
3. Лингвокультурологиянинг фанлар системасидаги мақоми.
4. Лингвокультурологиянинг этнолингвистика, социолингвистика ва этнопсихолингвистика билан боғликлиги.

**Таянч сўзлар:** лингвокультурология, парадигма, лингвоцентрик ёндашув, антропоцентрик парадигма, қиёсий тариҳий тилшунослик, систем-структур парадигма, кўчим, метафора, ибора, маданият.

1. Тилшуносликда парадигма тушунчаси. Парадигмаларнинг ўзгариши масаласи. Уларнинг қиёсий-тариҳий, систем-структур ва антропоцентрик турлари.

XXI асрда тилшуносликнинг тилни шунчаки алоқа қуроли ва тафаккур натижаси сифатида эмас, миллатнинг маданий очкичи сифатида тадқик этадиган соҳалари юзага келмоқда. Бу йўналишларнинг пайдо бўлишига В. Гумбольдт, А.А. Потебня ва бошқа олимларнинг илмий ишларида тамал тоши қўйилган. Жумладан, В. Гумбольдт “Миллатим тилининг чегаралари менинг дунёқарашим чегараларини белгилайди ”, - деб айтган эди. Тил нафакат борликни акс эттириш функциясини бажаради, шунингдек, инсон яшаётган борлик, муҳитни унинг онгига табдил килиб беради. Айнан шу туфайли ҳам кейинги минг йилликда Фарб фалсафаси тилдан фойдаланиш жараёнига асосланиб ривожланмокда. Замонамизнинг етакчи мутафаккирларидан А. М. Хайдеггер тилни “мавжудлик уйи” деб атаган. Шу

туфайли ҳам тилшунослик ҳар қандай ижтимоий фанлар тизимида етакчи методологик мавқега эгаки, унинг ёрдамисиз маданиятни ўрганиш мумкин эмас.

Мазкур ишда тил нафақат ҳозирги замон миллатларининг ички олами, шунингдек, қадимги дунё одамларининг дунёқараши, жамият ҳамда олам тўгрисидаги тушунчаларини ифодаловчи восита сифатида талқин этилади. Аждодларнинг руҳий олами ва тушунчалари бугунги кунга қадар макол, матал, иборалар, метафоралар, маданий белгилар орқали етиб келган.

Маълумки, инсон болалигидан бошлаб ўз миллатига хос тил ва тил орқали маданиятни ўрганиб боради. Шундагина у инсон хисобланади. Халқнинг нозик маданий белгилари унинг тилида акс этади. Тил инсоннинг ўзига хос ва ўзига мос атрибуларидан бўлиб, у орқали инсон ўзини ва олами англайди. Масалан, бизга маълум бўлган *мухбир* сўзини Ҳиндистон ёки Покистонда “айғоқчи” маъносida тушунадилар.

Оlam ҳакидаги ахборотларнинг катта қисми инсонга тил орқали етиб келади. Келиб чиқадики, инсон тушунчалар оламида яшайди. Тушунча эса нарсани реал кўрсатмаслиги мумкин. Тушунчалар олами ақлий, руҳий ва ижтимоий эҳтиёж натижасида юзага келади. Бу оламга ахборот албатта сўз орқали киради. Ва инсоннинг жамиятдаги ютуқлари унинг сўздан қандай фойдалана олишига боғлик бўлиб колади. Муваффакият сабаби нафақат нутк маданияти, айниқса, тилнинг сирли оламига кира олиш қобилияти билан алокадордир.

Файласуфлар хаттоки бирор тушунчани ифодаловчи сўзни маъносини тўлиқ эгаллаган ҳолда моддий оламни ҳам бошқариш мумкинлигини даъво киладилар.

Сиз ўқиб турган кўлланмада лингвокультурология тил ва маданият алокадорлигини ўрганувчи фан сифатида тушунтирилади. Унинг асосий мақсади – халқнинг ички олами ва маданиятини тил орқали кашф этишdir.

Нима учун айнан ибора, кўчим, тимсоллар оламига алоҳида эътибор берилади? Бунинг сабаби улар миллат тийнати (менталитети) ва маданияти

ҳакидаги маълумотларнинг кимматли манбаидир. Улар мифлар, афсоналар, урф-одатларда ўзгармай сакланган бўлади. Рус тишлинуоси Б. А. Ларин “Тонгда ёруғлик шудринг томчиларида кандай акс этса, иборалар халқ дунёкараши, ижтимоий тузум, ўз даври мафкурасини шундай акс эттиради”, - деган эди. Тил сирлари инсониятнинг асосий сирларидан бири бўлиб қолади. Чунки ривоятларда Яратган инсонни “олим” деб атаб, фаришталарнинг унга бош эгишини буюрар экан, Одамнинг исмлар илмини билишини назарда тутган эди (“Кисаси Рабгузий”). Агар биз тил сирларини кашф эта олсак, кўплаб асрларнинг ва йўқолган билимларнинг хазинаси очилади. Бизнинг мақсадимиз – тил бирлиги ифодалайдиган маданий “бўёқ”ни кўра олишга ёрдам беришдир. Бу белги тил ички қурилишини ташки шаклига боғлай олиш имконини беради.

## **2. Билимларнинг янги антропоцентрик парадигмаси ва унинг лингвокультурологиядаги ўрни.**

Тилга антропоцентрик нуқтаи назардан караш гояси ҳозирги кунда умум томонидан ижобий қабул килинмоқда: кўпгина тил қуrimларида инсон ҳакидаги тасаввур табиий ва тўғри қилинмоқда.

Мазкур илмий ёндашув (соҳа) чет эл тишлинослигида асрлар давомида тадқиқ этилаётган бўлса-да, тилни ўрганишда янги вазифалар қўймоқда, тилни тавсифлашнинг янги усувлари, тил бирликлари, тушунчалари ва қоидаларига нисбатан янгича нуқтаи назарларни талаб килмоқда.

Т. Кун муаллифлигидаги “Илмий инқилоблар структураси” асари (1962, русча таржимаси “Структура научных революций”, 1977) тадқиқотчилар учун ёндашувга муаммолар қўйиш ва уларни хал қилиш мутаносиблиги модели сифатида караш масаласини ташлади. Т. Кун бу йўналишга алохида илмий соҳа сифатида карашни таклиф киласди. У маълум билимлар ва тадқиқот обьектини (яъни тилни) тавсифловчи усувларга эга бўлиши керак. Маълумки, “тилишиносликда (ва умуман ижтимоий фанларда) нуқтаи назарлар ўзаро алмашиниб иш кўрмайди, бирор улар бир-бири устига курилади ва бир масаланинг ичидаги ёнма-ён, қизиги ўзаро дихотомияда

(зидлиқда) мавжуд бўлади”. Анъанавий равишда фанда уч турли ёндашув бор: киёсий-тариҳий, систем-структур ва ниҳоят, антропоцентрик. Киёсий-тариҳий усул тилшуносликдаги илк илмий ёндашув ҳисобланади, ёхуд киёсий-тариҳий усул тилни тадқиқ этишнинг илк маҳсус методи бўлган. XIX аср тилшунослик фани тўлигича бу методга бўйсунтирилган эди. Систем-структур ёндашувда эса асосий эътибор предмет, нарса, номга, яъни сўзга қаратилган эди. Ҳатто учинчи минг йилликда ҳам тилни мазкур нуқтаи назардан ўрганиш мумкин, тадқиқотчилари мўл. Дарслклар, илмий адабиётлар, академик грамматикалар, турли маълумотномалар шу назария самараси ўларок вужудга келган. Мазкур йўналишдаги фундаментал тадқиқотлар нафақат ҳозирги кун, шунингдек, келасида ҳам ҳаттоки бошқача ёндашувга эга бўлган тилшунос тадқиқотчилар учун ҳам қимматли манба бўлиб қолади.

Антропоцентрик назария – тадқиқот обьектининг субъектда ўрганилишидир, бошқача қилиб айтганда, тил инсонда, инсон тилда тахлилга тортилади. И.А.Бодуэн де Куртэненинг фикрича, “тил факат якка шахснинг онгига, рухида, калбida бўлади, бу шахс тил жамоасини ташкил қиласи”.

Тилни антропоцентрик нуқтаи назардан ўрганиш гояси – замонавий тилшуносликда асосий йўналиш ҳисобланади. Ҳозирги кунда лисоний тахлилнинг мақсади тилнинг турли системалари намоён бўлишини ўрганишдан иборат эмас. Тил – мураккаб ҳодиса. Э. Бенвенист таъкидлаганидек, “Тилнинг ўзлиги шу қадар ўзига хоски, табиатан уни бир нечта структуралардан иборат деб баҳолаш мумкин. Уларнинг ҳар бири умумий тилшуносликнинг юзага келиши учун асос вазифасини бажариши мумкин”.

Тил – кўп ўлчамили ҳодиса бўлиб, кишилик жамиятида вужудга келган: у система ҳам, ғайрисистема ҳам; у фаолият ҳам, шу фаолиятнинг хосиласи ҳам; маъно ҳам, модда ҳам; ўз-ўзидан тартибсиз тараккий этувчи обьект ва тартибли, ўз-ўзини бошқарувчи ҳодиса; у мустақил ва хосила жараён...

Карама-қарши томондан кузатиб унинг мураккаблигини тавсифлар эканмиз, тилнинг борлигини кашф этиб борамиз. Тилнинг мураккаблик хусусиятини ҳал қилиш учун Ю.С. Степанов уни бир неча образларда тасвирлайди. Бу образлардан бирортаси тилнинг тұлиқ құринишини акс эттиrolмайды: 1) тил индивиднинг тили сифатида; 2) тил тиллар оиласи аъзоси сифатида; 3) тил тизим сифатида; 4) тил курилма сифатида; 5) тил характер ва тип сифатида; 6) тил компьютер сифатида; 7) тил ғоялар макони ва “рух маскани” (М. Хайдеггер) сифатида, яъни инсоннинг мураккаб когнитив фаолияти натижаси сифатида<sup>1</sup>. Шу маънода еттинчи таърифга кўра, тил, биринчидан, ҳалқ фаолияти натижаси, иккинчидан, ижодкор шахслар фаолияти натижаси ва тилни меъёрлаштириб турувчилар (давлат, институтлар, қоида ва меъёр ишлаб чиқувчилар) фаолияти самарасидир. XX аср охирида бу образга яна бир изоҳ қўшилди: тил маданият ҳосиласи, унинг муҳим қисми ва мавжудлик шарти, маданий белгиларнинг шаклланиш омили. Антропоцентрик нуктаи назардан инсон борликни ўз онги воситасида, ўз назарий ва амалий фаолияти орқали ҳис қиласи, англайди. Тилга ҳос бир қанча далиллар оламни инсон “кўзгу”си орқали тасаввур килишимизни исботлайди. Япроқларнин шивирлаши, оғир иши, эринибгина қор ёғади, овоз ўчди, фасллар келинчаги, мардлар бешиги, кун ўтиши, вақтнинг югуршиши, ўйлар огуши каби метафоралар бунга мисол бўла олади.

Шеърий образлар ундан ҳам таъсирлироқдир:

*Музликдан юҳодек келган шамоллар  
Туялар жисмини ялаб-ишлаган,  
асрлар тоблаган темирчи қуёш,  
ёмгиirlар чўқиган, қорлар қишилаган.*

(Ш. Раҳмон. Аравон қўринишлари)

Ҳеч бир абстракт назария нима учун севги олови, олов юрак, олов ёшлиқ, меҳр тафти, юзи иссиқ кабиларда олов тушунчаси ифодалайдиган

<sup>1</sup>Бу хақда яна қаранг: Нурмонов А. Лингвистик таълимотлар тарихи // Танланган асарлар. 2-жилд. 31-33-бетлар.

хисларни тұямыз, деган саволга жавоб берса олмаётір. Үзини барча нарсаларнинг үлчови деб билған инсон ўз онгіда амалда эмас, илмий даражадагина үрганиш мүмкін бўлған нарсаларнинг антропоцентрик тартибини ижод этиш хукукини беради. Онгдаги бу тартиб инсоннинг маънавий борлиги, хатти-харакатлари туб сабаблари, қадриятлар поғоналарини кўрсатиб беради. Буларнинг барчасини инсон нутқи, у фаол кўуллаган, бошқаларига нисбатан кўпроқ ҳиссий муносабат ифодаланган ибора ва колипларни тадқиқ этибгина тушунишимиз мүмкін. Янги илмий йўналиш шаклланиши жараёнида қуидаги тезис илгари сурилган эди: “Олам фактлар йигиндисидир, нарсаларнинг эмас” (Л. Витгенштейн). Тил астасекин факт ва вазиятларга йўналтириб үрганилмоқда, диккат марказида эса тил шахси (языковая личность, Ю.Н.Караулов) тушунчаси турибди. Янги назария тил тадқиқининг янги қонунлари ва мақсадларини, янги тушунча ва методларни ишлаб чиқиши араfasида. Антропоцентрик назарияда лингвистик тадқиқот предметини ишлаб чиқиши усуллари ўзгарди, тадқиқотнинг умумий тамойиллари ва методларини танлаб олишга ўтилмоқда (Р.М.Фрумкина). Кўриниб турибдики, антропоцентрик назариянинг шаклланиши тилшуносликнинг тадқиқот йўналишини инсон, унинг маданиятдаги ўрнига ўзgartирди. Бошқача килиб айтганда, маданият ва маданий анъаналарнинг диккат марказида инсон – тил эгаси ўзининг барча кирралари: жисмоний, ижтимоий, аклий, Мен (I, Я) – ҳиссий-эмоционал,

JT – нутк ижодкори. Ҳиссий-эмоционал “Мен” (I, Я) турли ижтимоий-рухий вазиятларда намоён бўлади. Масалан, *Бугун қуёши чароқлаб нур сочмоқда* гапи қуидаги фикрларни ифодалайди. “Мен – жисмоний” қуёши нурларидан роҳат оляпти; буни менинг “Ақлий Мен”им билади ва бу ахборотни сұхбатдошга – “ижтимоий Мен”га узатмоқда, у (Мен – ҳиссий-эмоционал) ҳақида ғамхўрлик қўлмоқда; бу жараёнда “Мен-нутқ исходкори” ҳаракатга келган. Юкоридаги илостасларнингхар бири воситасида бошқаларини ҳаракатта келтириш мүмкін.

Шу тариқа тил эгаси ахборот-алоқа жараёнига кўпкіррали субъект сифатида кириб келади. Бу кирралар нуткий алоқанинг стратегиялари ва тактикалари, алоқа иштирокчиларининг рухий-психологик мавқеларига, ахборотнинг маданий гояси, мақсадига ҳам боғлик. Инсон оламни ўзини ундан ажратиб олган холда тасаввур қиласи. У ўз “Мен”ини башка барча нарсаларга қарама-қарши қўяди. Бизнинг тафаккуримиз ва тилимиз шу асосга курилган кўринади: Ҳар қандай нутқ яратилиши жараёни борликнинг мавжудлигини тан олади ва шу билан оламнинг субъект воситасида акс этишини тасдиқлайди. Юкоридагиларни хисобга олган холда, анъанавий ёки систем-структур тилшунослик йўналишида бўлса-да, тилшуносликда антропоцентрик назария доимо хисобга олиниши керак бўлган назария эканлигини ёдда саклаш керак.

Шундай килиб, антропоцентрик назария инсонни биринчи ўринга қўяди, тил эса инсоннинг тавсифий тузилишининг асосий материали, кисми хисобланади. Инсон тафаккури инсоннинг ўзи каби тилдан ва тил кўникмаларидан ташқарида мавжуд бўлмайди. Агар тил барча билиш жараёнларига аралашмаганида эди, ўзига хос янги муҳит яратмаганида эди, инсон кузатувчи мақомига эришолмаган бўлар эди. Инсон яратган матн инсон тафаккури харакати, йўналишини акс эттиради, баҳоли қудрат оламлар яратади, тил бирликлари ёрдамида фикр кучи ва уни намойиш этиш усулларини кўрсатади.

Замонавий тилшуносликда мазкур назария доирасида ташкил топган асосий йўналиш - когнитив тилшунослик ва лингвокультурологиядир. Лингвокультурология “тилдаги маданият омили ва инсондаги тил омилини ўрганишга қаратилган” (В.Н. Телия) фандир. Демак, лингвокультурология – тилшуносликда антроцентрик назариянинг кейинги йилларда тараккий этаётган мевасидир. Когнитив тилшуносликнинг асосий тушунчаси – ахборот тушунчаси ва унинг инсон онгига қайта ишланиши, билимлар тизими ва уларнинг инсон тафаккурида ҳамда тил шаклларида намоён бўлишидир. Когнитив тилшунослик когнитив психология ва когнитив социология билан

биргаликда когнитологияни ҳосил қиласи. Бу фанлар инсон тафаккури қандай тузилган, инсон оламни қандай тасаввур қиласи, олам ҳакидаги қандай маълумотлар билимга айланади, руҳий олам қандай яратилади каби саволларга жавоб қидиради. Лингвокультурология эса инсонни ва унинг тилини маданият таркибида ўрганади. Фан куйидаги муаммоларга диккатни қаратади: инсон оламни қандай қабул қиласи, маданиятда кўчим ва тимсолларнинг ўрни, тилда асрлар давомида сакланиб турган ибораларнинг маданий белгиларни ифодалашдаги роли, уларнинг инсон учун аҳамияти. Лингвокультурология тилни маданий феномен сифатида тадқиқ этади. Бу эса оламни миллий тил ойнаси ортидан кўриш демакдир. Ушбу жараёнда тил алохида миллий ички дунёси ифодаси сифатида кўзга ташланади. Тилшунослик бутун борлиги билан маданий-тарихий мундарижага таянади ёки тадқиқот предмети сифатида маданиятнинг маҳсули, асоси ва шартшароити - муҳити хисобланган тилни тушунади. Тилшунослик бўлимлари ичida “маданий ташувчи” сифатида энг фаоллари тил тарихи билан боғлиқ социал диалектология, этнолингвистика, услугубият, лексикология, фразеология, семантика, таржима назарияси ва бошқа бўлимлардир.

### **3. Лингвокультурологиянинг фанлар системасидаги мақоми.**

Кейинги йилларда лингвокультурологияга бағишлиланган ишлар кўпайиб қолди. Жумладан, Ю.С.Степанов “Константлар: Рус маданияти луғати”ни яратган бўлиб, рус тили эгаларининг тиллари учун фаол бўлган концептларни жамлаган ва кенг маълумот берган. (Степанов, 2001). Н.Д.Арутюнованинг “Тил ва инсон олами” тадқиқоти турли даврлар ва турли халклар маданиятига тегишли универсал терминларни ўрганишга бағишлиланган. (1999) В.Н. Телия ва унинг мактаби вакиллари эса ибораларни ўрганади, бундан максад эса уларнинг миллий-маданий кўчма маъноларини тавсифлаш ва менталитетнинг характерловчи кирраларини очиб беришdir. (1996) Умуман олганда, лингвокультурология ва лингвокультурологик терминлари охирги вақтда кўпгина тадқиқотларда тез-тез учрайдиган бўлиб

колди. Бу терминлар бирмунча эркин ишлатилмоқда: баъзан тил сиёсати сифатида хам таърифланмоқда (Артемьев, 2003).

Лингвокультурология соҳасига XIX асрда В. Фон Гумбольдт ўзининг “Тилнинг тузилиши ва инсоният маънавий ривожига таъсири” китоби билан тамал тошини кўйган бўлиб, тил ва миллат хусусиятларининг муносабатлари хақида қайд этган эди. Айниқса, унинг “турли тиллар, ўз хусусиятлари, фикрлаш ва хис-туйғуга таъсирига кўра амалда турлича дунёкарошни ифодалайди”, “тилнинг ўзига хос хусусиятлари миллатнинг ўзлигига таъсир килади, шунинг учун тилни чуқур ўрганиш тарих ва фалсафа инсоннинг ички дунёси билан боғлаб тушунтирадиган барча нарсанни камраб олиши керак” каби фикрлари кенг таркалган. [Гумбольдт 1985: 370, 377]. Шу тариқа, олим тилнинг турли шаклларида турлича хиссиёт ва тафаккур услубларини кўради. Демак, тилда маданий ўзига хослик акс этиб туради, деган холосага келади.

В.Гумбольдтнинг ғоялари XIX-XX срлардан неогумбольдтчилар томонидан ривожлантирилди. А.А.Потебня тилни фаолият сифатида талқин этди. Л.Вайсгербер, Х. Глинц, Х. Хольц XX аср ўрталарида фикрлаш мундарижасининг тузилиши ва фикрларнинг мантикий катори тилга bogлиқ эканлиги хақидаги муаммони кўтариб чиқдилар.

Неогумбольдтчилар тилнинг ички мундарижасига алоҳида эътибор қаратдилар, турли тилларнинг семантик жиҳатларини текшириб, ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аникладилар. Л.Вайсбергер “оламни вербаллаштириш” тушунчасини олиб кирди. Унга “дунёни тил орқали англаш жараёни ва тафаккур объектига айлантириш” деб таъриф берди. Шунингдек, олим “янги грамматика”ни яратиш вакти келганлигини таъкидлади. Бу соҳа тилнинг мазмуний томонига қаратилган булиши ва тилни “ҳаракатдаги куч” сифатида баҳолаши керак эди[Гухман 1961: 129-130, 154].

Америка тилшунослари Э. Сепир ва Б.Л.Уорф лисоний мансублик гипотезасини илгари сурдилар. Унга кўра тил билиш жараёнида энг асосий ролни ўйнайди. Шимолий Америка хиндулари тилини ўрганиш натижасида

олимлар тил категориялари фикрлаш даражасига ҳам таъсир килади, деган хулося гелдилар. Лисоний мансублик гипотезасига кўра, турли тилларда турли категорияларнинг учраши шу тил эгалари борликни турлича концептуаллаштиришларини билдиради.

XX аср давомида мазкур олимларнинг фикрлари турли танқид ва қаршиликларга дуч келди. Ҳозирги кунда бу йўналиш яна тилшуносларнинг диккәт марказида. 1990 йилда Д. Льюсининг «Language Diversity and Thought» (“Лисоний ҳар-хиллик ва тафаккур”) [Lucy 1992] ва П. Лининг «Whorf Theory Complex» (“Уорф назариялари йиғиндиси”) [Lee 1996] каби китоблари дунё юзини кўрди. 1998 йил Дуйсбург (Германия) университетида «Humboldt and Whorf Revisited. Universal and Culture-Specific Conceptualizations in Grammar and Lexis» номи остида ҳалқаро симпозиум ўtkazilgan бўлиб, унда тилда инсон омили ва лисоний мансублик феноменини тадқиқ этишнинг янги ёндашувлари ўртага ташланди.

Сепир ва Уорфлар назарияси ҳозирги тилшуносликдаги жуда кўп оқимларга тамал тошини кўйди. XX асрда “лисоний тўлдирувчилик гипотезаси” (Г.Брутян), “лисоний универсаллик гипотезаси” (А. Вежбицкая) каби гипотезалар ҳам пайдо бўлди. Бу ҳолат тил маданиятнинг элтувчиси сифатида рол йўнашига қизиқиш кучли эканлигини тасдиқлади.

XX аср ўрталарида АҚШ тилшуноси Д.Хаймз “тил ва нутқни антропологик планда ўрганиш”нинг назарий ва методологик асосларини яратди. (1963) У “тилшуносликнинг вазифаси тил хакидаги билимларни тил нутқи назаридан тушунтириш, антропологиянинг вазифаси эса тил хакидаги билимларни инсон нутқи назаридан узатишидир” деган карашни илгари суради. А.Дуранти эса лингвистик антропология бошқа тилишнунослик соҳаларидан моддий борлиқнинг индивидуал мушоҳада килинишига диккат қаратиши билан ажralиб туришини таъкидлайди. (1992) Бу йўналиш “инсон тил таркибида” деб ҳам номланади.

Совет тилшунослиги марк-ленинча фалсафага асосланганлиги ва уларнинг назарий манбалари турлича бўлгани учун ҳам антропоцентризм

тандидга учради. Бирок Ю.С.Степанов таъкидлаганидек, охирги ўн йилликда докторатик структурализмни тандид килмаган ва тилда антропоцентризмга майиллик билдирамаган тилшунос йўқ эди. (1975)

Рус тилшунослигига В.А.Маслованинг дарслигига лингвокультурологик тадқиқотларнинг замонавий йўналишлари тавсифланади, методологик асоси яратилган. В.В.Воробьевнинг «Лингвокультурология: теория и метод» [Воробьев 1997] номли тадқиқоти гумбольдтичилк назарияси асосига курилган бўлиб, тилда ўз аксини топган маданиятни ўрганиш Сепир-Уорф гипотезаси асосида амалга оширилган, Л.Вайсбергер терминларидан фаол фойдаланилган эди.

Тадқиқотда лингвокультурология лингвоўлкашунослик соҳасининг назарий асоси сифатида тадқиқ этилади, соҳага “тил ва маданият муносабатлари ва алоқаларини тилни вазифаларида текширувчи ва бу жараённи тизимли методлар ва замонавий йўналиш, маданий қоидаларга кўра бирликларнинг лисоний ва нолисоний (маданий) мундарижасига жамлаб, бир бутун тизими сифатида акс эттирувчи комплекс билимлар мажмуюи” деб таъриф беради. [Воробьев 1997: 36-37].

Лингвокультурологиянинг асосий ўрганиш обьекти сифатида “тил ва маданиятнинг ўзаро алоқага киришган вақтдаги ўзаро боғлиқлиги ва бу муносабатнинг бир бутун систем ҳолатда талкин қилиш”, фаннинг предмети эса, “жамият турмушининг тил коммуникацияси жараённида юзага келадиган ва маданий кадрияларга асосланган миллий шакллари”, “оламнинг лисоний манзараси”ни хосил килувчи барча нарсадир деб баҳолайди.

В.В. Воробьев лингвокультурслогик таҳлилнинг асосий бирлиги – лингвокультуре ма тушинаси олиб киради ва унга “лисоний ва нолисоний (тушунча ва предмет) мазмуннинг диалектик бирлиги” деб таърифлайди. [Воробьев 1997: 44-45]. Сўзнинг лингвокультуре ма фаркини эса А.А.Потебнянинг “сўзнинг якин ва узок маъноси” тушунчаси орқали изохлайди.

Лингвокультурема сўздан фарқли равища бирмунча мураккаб тузилишга эга: унинг мазмун плани иккига: лисоний маъно ва маданий мазмунга бўлади. Бу бирлик коннотатив мазмунга эга бўлиб, “уни юзага келтирган мафкуравий контекст тугамагунча яшайверади” [Воробьев 1997: 52]. Бирлик сўз ва давомийликдаги матн сифатида ифодаланиши мумкин.

В.В. Краснокх ўзининг «Этнопсихолингвистика и лингвокультурология» номли ишида лингвокультурологияга “тилда ва дискурсда маданиятнинг намоён бўлиши ва акс этишини ўрганувчи фан бўлиб, дунёнинг миллий манзараси, лисоний идрок, руҳий-лисоний йигиндининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш билан бевосита боғлиқ бўлади” деб таъриф беради. » [Краснокх 2002: 12]

Волгоград мактаби вакиллари В.И. Карасик, Е.И. Шейгаллар асосий эътиборни тил ва маданиятни киёслашга қаратадилар. Лингвокультурологиянинг асосий бирлиги сифатида маданий концептни оладилар. Бу тушунча аниқ ва мавхум номларнинг мундарижасини ўз ичига оладиган “остки маъно” бўлиб, мазкур ҳалқ маданияти ҳакида қўшимча маълумот олишни талаб қиласди. [Карасик 2002: 127,129]. Е.И. Шейгал ва В.А. Буряковская лингвокультурологияни “олам концептуал манзарасининг алоҳида обьектлари ва аксланувчи обьект (мас. этнос) томонидан уларнинг жамоа онги ҳамда тилда идрок килиниши ” [Шейгал, Буряковская 2002: 9] деб таърифлайдилар. Муаллифлар этномимларнинг лингвокультурологик потенциалини ўрганиб чикадилар.

Тилдаги маданий белгиларни ўрганиш тилшуносликнинг шу бугунга кадар эришган ютуқлари самарасидир. Лингвокультурологияга кизикишнинг ортиб бораётгани фаннинг келажагини белгилайди. Шу билан бирга фаннинг назарий-методологик асоси эндиғина шаклланмоқда. Фразеологизм ва паремиялар тилда маданий белгиларни акс эттирувчи асосий бирликлар сифатида тадқиқ этилмоқда. Айрим тадқиқотларда мумтоз адабиёт намуналарига мурожаат этиш кузатилади.

Тил, маданият, этнос (халқ) ўртасидаги ўзаро алоқа ва муносабатлар фанлараро муаммo бұлиб, уни ҳал қилиш бир қанча фанларнинг – фалсафа ва социологиядан то этнолингвистика ва лингвокультурологиягача - биргаликдаги саýй-харакатлари билан бөглиқ. Жумладан, миллий тил тафаккури масалалари – бу лингвистик фалсафанинг бир тармоғидир; ижтимоий ёки гурухаро ахборот алмашинуини тил аспектіда ўрганиш психолингвистика тадқиқот доирасига киради ва ш.к. Тил маданият билан чамбарчас боғлиқ: у маданиятнинг ичидә ривожланади ва маданиятнинг ифодачисидир. Буға ассоциа янги илм – **лингвокультурология** пайдо бўлди. Бу фан XX асрнинг 90-йилларида мустакил соҳа сифатида шаклланди. “Лингвокультурология” атамаси В.Н.Телия томонидан юритилаётган фразеологик мактаб ишларида, Ю.С.Степанов, А.Д.Арутюнова, В.В.Воробьев, В.Шаклеин, В. А. Маслова бошка тадқиқотчиларнинг нашрларида пайдо бўлди. Агар культурология (маданиятшунослик) инсон онгини табиат, жамият, санъат ва ижтимоий ва маданий борликнинг бошқа кўринишлари билан муносабатда ўрганса, тилшунослик тилда дунёнинг ўзига хос рухий модели сифатида акс этувчи дунёқарашни ўрганади. Лингвокультурологияда эса тил ҳам, маданият ҳам тадқиқот обьекти ҳисобланади, улар ўзаро алокада ўрганилади. Агар тил ва маданият муносабати масаласини анъанавий талкини маданият ҳақидаги бир қанча тасаввурлардан фойдаланиб, лингвистик муаммоларни ҳал қилишга бориб тақалса, бу ишимиизда тилнинг ўз бирликлари билан маданиятни камраб олиши, саклаши ва ифодалashi усууллари ўрганилади.

#### **4. Лингвокультурологиянинг этнолингвистика, социолингвистика ва этнопсихолингвистика билан боғликлиги.**

Лингвокультурология – бу тилшунослик, маданиятшунослик, тилда миллий маданият акс этиши ва мустахкам ўрнашиб олиши тадқиқ этувчи соҳалар тўкнашган ўринда пайдо бўлган тилшунослик тармоғидир. Бу фан этнолингвистика, социолингвистика билан шу қадар ҷамбарчас боғланганки, В.Н. Телия уни этнолингвистиканинг бир кўриниши деб ҳисоблайди. Бирок

улар принципиал жиҳатдан умуман бошка фанлардир. Этнолингвистика тармоғига тұхтаданда, әслаб үтиш жоизки, унинг илдизлари Европада В. Гумбольдтта; Америка тиілшүнослигіда эса Ф.Боас, Э.Сепир, Б.Уорфға бориб тақалади; Россияда эса Д.К.Зеленин, Е.Ф.Карской, А.А.Шахматов, А.А.Потебня, А.Н.Афанасьев, А.И.Соболевскйлар тадқиқтларыда алохидан мавқеге әга бўлди.

В.А.Звегинцев айнан **этнолингвистикага** асосий дикқатини қаратиб, унга тиілнинг маданият, миллий урф-одатлар, жамиятнинг ижтимоий курими билан алоқаларини ўрганувчи йўналиш сифатида тавсиф берганди. Халқ (этнос) – инсонларнинг лисоний, анъанавий ва маданий муштарак жамоаси бўлиб, бу инсонлар келиб чиқишилари, тарихий ва лисоний белгилари, маданий тегишлилик хусусиятлари, рухияти яқинлиги, ўзаро бир гурухга мансублик хақида тасаввурлари муштараклиги билан характерланадилар. Миллий ўзлик – халқ аъзоларининг ўзаро бир гурухга мансублиги ва бошка шундай гурухлардан фарқланиб туришини англаб етишидир. Замонавий этнолингвистиканинг эътибор марказида эса тил лексик системасининг шундай элементлари туради, улар муайян моддий ёки маданий-тарихий комплекс (йигинди)ларга оид бўлади. Масалан, этнолингвистлар маданият шакллари, маросимлар, анъаналарнинг маълум худудга оид бутун бир тўпламини тадқиқот дастурхонига ташлайдилар. Бу худуд эса бошка худудлар билан биргаликда ўзаро алоқадор системани ташкил этиши, шу туфайли, аввало, катта системани тўлиғигича ўрганиш муаммоси пайдо бўлади. Бу йўналишда асосий иккита тармокни ажратиб кўрсатишимиш мумкин: 1) лисоний жиҳатдан этник худудни қайта тиклаш (Р.А. Агаева, С.Б.Бернштейн В.В.Иванов, Т.В. Гамкрелидзе ишларида); 2) мазкур тил бўйича халқнинг моддий ва маънавий маданиятини тиклаш (В.В. Иванов, В.Н.Топоров, Т.В.Цивьян, Т.М.Судник, Н.И.Толстой ва унинг мактаби ишлари). Шу тарика В.В.Иванов ва Т.В.Гамкрелидзе лисоний тизимни маълум археологик маданият билан боғлаб ўрганадилар. Тикланган сўзларнинг семантик таҳлили ва уларнинг денотат (мазкур нутқ парчасида

назарда тутилган нолисоний фаолият объектлари)га муносабати бу денотатларнинг маданий-экологик, тарихий-географик тавсифини тиклашга ёрдам беради. Исталган маданиятни кайта тиклаш тилшунослик, этнография, фольклоршунослик, археология ва маданиятшунослик ҳамкорлигига амалга оширилади. XX асрнинг 2-ярмида собиқ СССРда В.Н.Топоров, В.В. Ивановлар раҳбарлигидаги илмий марказлар, Н.И. Толстовнинг этнолингвистика мактаби, Ю.А. Сорокин ва Н.В. Уфимцеванинг этнопсихолингвистика мактаблари вужудга келди. Уларнинг тадқикотларида тил маданиятнинг “табиий” субстрати сифатида таърифланади, унинг барча катламларига кириб боради, дунёнинг руҳий тартиби қуроли вазифасини баҳаради, миллий дунёкарашнинг мустаҳкамлашуви воситаси ҳисобланади. 70-йиллардан бошлаб этниклик (миллийлик – юн. Etnos – қабила, халқ) атамаси кенг қўллана бошланди. Атама маданий ўзига хосликларга эга ижтимоий тизим шакли, гурхга оид феномен сифатида таърифланади: “Миллийлик танланмайди, балки мерос бўлиб ўтади” (С.В. Чешко). Инсоният маданияти турли миллий маданиятлар бирлашмасини ифодалайди, улар шунинг учун ҳам турлини, у турфа халқлар орзу-интилишлари, эҳтиёжлари ва хатти-харакатини акс эттиришга йўналтирилган. Миллий ўзига хослик барча жабхаларда кўзга ташланиб туради: меҳнат, хордик, овқатланиш жараёнларида, турли вазиятларда қандай гапиришларида ва ҳоз. Масалан, русларнинг мухим белгиси – жамоавийлик ҳисобланади, шу туфайли ҳам улар маълум жамоага тегишлилик ҳисси билан ажralиб туради, ўзаро муносабатда самимийлик ва эмоционаллик бўртиб туради. Рус маданиятининг мазкур ҳусусияти рус тилида ҳам акс этади. А. Вежбицкаянинг фикрича, “рус тили ҳиссиётга кўпроқ диккат каратади (инглиз тилига нисбатан) ва ҳиссиётни фаркович луғавий ва грамматик ифодаларнинг бутун бир тўпламига эга”. Н. Толстой бошчилигидаги этнолингвистика мактаби славян маънавий маданиятини тадқиқ этганлиги билан ном қозонган. Толстой назариясинининг асосини тил ва маданиятнинг изоморфлиги, замонавий тилшуносликда қўлланаётган тамойил ва

усулларнинг маданий бирликларга нигматан кўллаш мумкинлиги ҳакидаги гоя ташкил қилади. Н.И.Толстойнинг фикрича, этнолингвистиканинг мақсади тарихий ретроспектива – миллий стереотипларни кўрсатиб бериш, миллий дунёкарашининг фольклордаги манзарасини кашф этишdir. Социолингвистиканинг ўрганиш обьектларидан бири тил ва жамият ўртасидаги муносабатлар (til ва маданият, тил ва тарих, тил ва дин ва бошк.) бўлса-да, асосий мақсади тилнинг турли ижтимоий ва ёш гурухларида кўлланиш хусусиятларини тадқик этишdir (Н.Б. Мечковская).

Шу тариқа, этнолингвистика ва социолингвистика турлича фанлардир. Агар этнолингвистика тарихий жиҳатдан аҳамиятга молик маълумотларга таяниб, замонавий материалларда бирор ҳалқка оид тарихий фактларни аниклашга интилса, социолингвистика бугунги кун материалларини ўрганади. Лингвокультурология эса тарихий ва замонавий тил фактларини маънавий маданият қўзгуси ортидан текширади. Тўғрисини айтганда, бу масалада бошқача фикрлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, В.Н.Телия лингвокультурология тил ва маданият муносабатларини факат синхрон аспектда ўрганади: у жонли ахборот-алока жараёнларини ва ҳалқнинг ҳозирги менталитетига мос тил ифодаларининг кўлланишидаги алоқани тадқик этади.

Тил маданий аҳамиятга эга ахборотларни саклаш ва тўплаш воситаси хисобланади. Бир қанча бирликларда бу маълумотлар ҳозирги кун тил эгаси учун имплицит характерга эга бўлади, асрий ўзгаришларга учраб, факат билвосита текширганда намоён бўладиган тарзда яширган бўлади. Бирок у мавжуд ва онг остида “ишлайди”. (Масалан, күёш сўзи – ой, осмон, кўз, худо, бош сўзлари билан бир семантик чизикда ётади) Тил бирликларида жойлашган маданий ахборотларни ажратиб олиш учун лингвокультуролог бир қанча ўзига хос усусларни кўллаши керак бўлади. В.Н.Телия лингвокультурологиянинг обьекти нафакат ўта миллий, шунингдек, умуминсоний (Масалан, Куръон, Инжил каби турфа маданиятларда ҳам

учрайдиган) маданий ахборотлардир. Бу соҳани аниқ бир халққа ёки кариндош халқларга тегишли бўлган маданий ахборотлар қизиктиради.

**Лингвоўлкашунослик** ва лингвокультурология шуниси билан фарқлики, лингвоўлкашунослик асосан тилда ўз аксини топган миллий реалияларни ўрганади. Мазкур тил бирликлари мукобилсиз бўлиб (Е.М.Вереўагин и В.Г.Костомаровнинг фикрича), мазкур маданиятнинг ўзига хос жиҳатларидир.

**Этнопсихолингвистика** лингвокультурология соҳаси билан чамбарчас боғлиқ соҳалардир. Этнопсихолингвистика муайян анъанага оид бўлган хулқ-авторнинг нутқ фаолиятида қандай намоён бўлишини ўрганади, турли тил эгаларининг вербал ва новербал феъл-авторидаги фарқларни таҳлилга тортади, нутқ одоби ва “дунёнинг рангли манзараси”ни, маданиятлараро алоқаларда матн лакуналарини тадқиқ этади, иккитилилик ва қўптилиликни турли халқлар нутқ одобининг ўзига хос томони сифатида талқин киласди ва б. Этнопсихолингвистиканинг асосий тадқиқот методи ассоциатив тажриба бўлса, лингвокультурология тилшуносликдаги барча методларни кўллай олиши билан ажралиб туради.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Парадигма нима?
2. Лингвистик парадигмалар нима?
3. Киёсий-тарихий парадигма нимага асосланади?
4. Хозирги ўзбек тилшунослигига систем-структур парадигманинг макоми қандай?
5. Лингвокультурология қайси фанлар билан алоқадор?
6. Лингвокультурологиянинг этнолингвистика, социолингвистика ва этнопсихолингвистика билан муштарак ва фарқли жиҳатларини айтинг.

## **2-МАВЗУ: МАДАНИЯТ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.**

### **РЕЖА:**

1. Маданият тушунчаси. Маданиятшуносликда маданиятнинг ўрганилиши.
2. Маданиятнинг ўрганилишидаги турли нуктаи назарлар.
3. Маданият ва инсон.
4. Маданият ва тамаддун.

**Таянч сўзлар:** маданият, маданиятшунослик, тасвирий дунёқараши, қадрият, фаолият, меъёрий дунёқараши, маънавий дунёқараши, герменевтик дунёқараши, диалогик қараши, информацион нуқтаи назар, инсон, цивилизация (тамаддун).

### **1. Маданият тушунчаси. Маданиятшуносликда маданиятнинг ўрганилиши.**

Маданиятшунослик- маданият ривожланишининг энг умумий конуниятларини ўрганади. Унинг манбай инсоният яратган барча маданий кадриятлардир. Маданиятшуносликнинг асосий вазифасига инсоннинг табиат, жамият билан биргаликдаги фаолиятини ҳамда кишиларнинг маънавий турмушига оид барча жараёнларни тадқиқ килиш киради. Унинг тадқиқот манбай бўлиб:

- инсон яратган саноат соҳаси;
- кишиларнинг муомала воситаси бўлган тил;
- жамият бойлиги ва мезони бўлмиш билим;
- ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий ташкилотлар;
- жамиятда содир бўлувчи демографик ва этник жараёнлар хизмат килади.

Маданиятшунослик умумназарий фан хисобланиб, унга хос бўлган хусусият - инсоннинг маданий хаёти ҳодисасини тартибли тизимга солиб ёндашиш хисобланади. Шунингдек, маданият гуманитар билимларни ўзида мужассам килган ҳолда намоён бўлиши билан бирга билишнинг ўта мураккаб объекти ҳамdir.

Маданият - бу инсонларнинг ижодий фаолияти туфайли яратилган моддий ва маънавий бойликлар мажмуигина бўлиб қолмай, айни пайтда у жамият тараккиётининг даражасини ҳам ифодалайди, яъни, жамиятдаги билим, мезон ва қадриятларнинг йиғиндиси маданиятда гавдаланади. Маданиятни ўрганишда объектив конуниятлар, ҳодисалардаги сабабий боғликлек ҳақидаги аноанавий тасаввурлардан фойдаланмаслик ҳам мумкин. Умумий бир соҳа сифатида маданиятга системали ёндашув бир-бирига таъсир этувчи турли маданият соҳаларининг ўзига хос хусусиятларини кисмларга бўлиб эмас, балки уларни яхлит тасаввур килиш имкониятини беради. Системали ёндашув тадқикотнинг жуда кўп услубларидан фойдаланишга имкон яратади. Яъни, айрим бир услублар билан олинган натижаларни бошқаларига карама-карши қўймасдан ва мутлаколаштирумасдан хulosса чикаришга асос бўлади.

Маданият тарихида турли йўналишлар-фан, техника, таълим, майший турмуш, ижтимоий карашлар, адабиёт ва ҳоказоларни комплекс тарзда ўрганишади: маданият 2 га бўлинади:

1. Моддий маданият;
2. Маънавий маданият;

Маданият – бу жамият тараккиётининг маълум бир тарихий босқичдаги даражасидир. Кишилар хаёти ва фаолиятини ташкил этиш шаклида ифодаланган, инсонлар томонидан яратилган моддий ва маънавий қадриятлар ҳамда инсоният томонидан яратилган маданий бойликлар факат ўтмиш кишиларидан колган бойликлар бўлиб қолмай, балки ўзида инсон ақлзаковати, хаёти тўғрисидаги фикр ва ўйларини акс эттирувчи кўзгу ҳамdir.

Айнан, системали ёндашув маданиятга ўзига хос шаклда муносабат билдирган ҳолда кишилар хаёт фаолияти соҳаларини ҳам тушуниш имконини беради. Булардан маданият соҳалари, маданият институтлари ташкил топиб, улар аниқ тузилмага ва аниқ вазифаларга эга бўлган ҳолда ижтимоий муносабатлар тамойили, коммуникация, маданий намуналарни ташкил қилиб маданият тизимини белгилайди.

*Маданиятинослик фанининг қўйидаги бўлимлари мавжуд:*

1. Маданият фалсафаси- маданиятдаги мураккаб ва кўпмақсадли жараёнларни тахлил қилишда ёндашувнинг энг умумий тамойилларини намоён қилиб, киёсий тахлил, таснифлашга асосланади. Маданиятни фалсафий англаш, фалсафий асослаш билан боғлик материалистик, позитивистик, объектив идеалистик ва бошқа кўплаб қарашлар мавжуд. Уларнинг хар бирида инсоннинг табиат ва ижтимоий гурух (социум) оламида жисмоний, маънавий ва руҳий ҳаёт фаолиятининг шаклланиши ва ривожланишини назарий тушунтириш усуслари ва ўзига хос тахлилий услублари ишлаб чиқилган.

2. Маданиятнинг тузилиш шакли (морфологияси)- инсонга боғлик бўлмаган ва жамиятда мустақил мавжуд бўлган маданиятнинг ўзига хос шакли унинг тадқикот предмети ҳисобланади. Маданият ривожи жамиятнинг ички конуниятларига ўзаро боғликдир, деб ҳисобловчи маданият морфологияси тақкослаш, тахлил ва бошқа услублар асосида маданият ривожланишининг манбаи ва омилларини очишга уринади. Унинг мавжудлик даври у ёки бу маданиятнинг пайдо бўлишидан то инқирозигачадир.

3. Маданият социологияси- бирон бир жамиятдаги мавжуд маданиятнинг аниқ жараёнларини ўрганиш билан шуғулланади; бу хар хил социологик ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва тахлил қилиш билан боғлик бўлган маданият жараёнини эмприк (тажриба) тадқик қилишда маълум маданият шароитида кишиларнинг ўзаро муносабатларида, социомаданият тоифаларида намоён бўлади.

4. Маданият тарихи – ҳар бир маданиятни ноёб ва асл ҳодиса сифатида ўрганади; шунингдек, турли маданиятларни ўзаро тақкослайди, уларнинг ўзаро муносабати ва ўзаро таъсири, замон ва макондаги уларнинг фарқларини маданий тараккиётидаги ўзига хос ва умумий томонларни тадқик этади.

5. Маданият экологияси – замонавий инсон ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларини: инсоннинг индивидуал ҳаётини, жамият ҳаёти, табиат билан ўзаро муносабатларини камраб олади. Бу маданиятшунослик тадқиқотидаги энг янги фаол ривожланаётган соҳалардан бири.

Маданиятшунослик фанининг асосий муаммоси инсон хисобланади, зеро маданият – бу инсон яратган нарсалардир. Маданиятшунослик инсоннинг олам билан фаол муносабатини ва бу муносабатлар унинг ҳаёт тарзида намоён бўлишини, шахснинг ижтимоий ва маданий ролини, маданиятлар типологиясини ўрганади.

Маданиятшунослик фани маданиятни илмий изоҳлаб, унинг умумтариҳий мазмуни ва маъносини белгилайди, ижтимоий-тарихий билимлар тизимидағи ўрни ва мавқенин асослайди.

«Маданият» атамаси ҳозирги замон илмий адабиётларда ранг-баранг маъноларда ифодаланган. «Маданият» ва «Культур» атамалари мутахассислар фикрига кўра лотинча «ишлов бериш», «парвариш килиш» маъносини англатган. Кейинчалик «маърифатли бўлиш», «тарбияли», «билимли бўлиш» мазмунида ишлатилган. Ўзбек тилида кенг ишлатиладиган «Маданият» атамаси арабча «маданий»-»шахарлик» деган маънони билдиради. Агар америкалик маданиятшунос олимлар А. Кребер ва К. Клакхонларнинг 1952 йилдаги маълумотларига кўра маданият ҳодисасига берилган таъриф 164 та бўлса, сўнгги адабиётларда бу ракам 400 дан ортикни ташкил этади.

Маданият ҳодисаси тавсифида жуда кўп изоҳлар мавжуд «инсониятни яшаш усули; ижтимоий инсоннинг тўлаконли фаолияти», «инсон томонидан яратилган мухит», «яхлит социал организм», инсоният яратган моддий ва

маънавий қадриятлар мажмуи; сунъий- иккинчи табиат; инсон ижодий фаолияти маҳсули; умуман жамият; жамиятнинг маънавий ҳолати; жамият сифати; шартли белгилар тизими йиғиндиси; меоёр ва андозалар ва ҳоказо.

Ғарбий Европада маданият тушунчаси XVIII асрнинг охиридан эътиборан ҳозирги мазмунини касб этган бўлса-да, факат XX асрга келиб ижтимоий ва гуманитар фанлар категориал тизимидан мустахкам ўрин олди. Кишилик жамиятини бекиёс кўламга эга бўлган ва доимий равишда ўзгариб борувчи маълумотларни муайян тартибга солишга ёрдам берувчи, умумлаштирувчи тушунчаларга бўлган эҳтиёжи маданият тушунчасини кенг тарқалишига сабаб бўлди. Кадимги Римда «Маданият»- тушунчаси «ҳаётни маънавий жиҳатдан янада яхшилашга ва тозалашга қаратилган ғамхўрлик» деган маънода ҳам фойдаланилган. Маълумотларга кўра, машхур Рим файласуфи-нотик Сицерон ҳам «крухият маданияти» атамасини ишлатган. Европа халқарида XVIII асрнинг охирларигача «Маданият» атамаси ақлий-ахлоқий маданият тушунчаси билан ёнма-ён ишлатилган. Кўриниб турибдики, «Маданият» тушунчаси хилма-хил талқинига қарамай кадимдан ҳозирги кунгача ўз моҳиятини ўзгартирган.

Ҳозирги даврдаги маданиятнинг илмий тушунчаси инсоният томонидан яратилган ва яратилиши давом этайдан маънавият, руҳиятнинг ўзига хослигини англаши натижасида вужудга келди. Инсоният «Табиий» турмуш тарзи асосида яшаган даврда, яъни териб истеомол қилиш, ов қилиш, балиқ тувиш, чорвачилик ва дехкончилик билан шуғулланган вактларида маданият тўғрисидаги фикрнинг туғилиши мунозаралидир. Оддий, бир маромда ривожланувчи жамиятда инсон ўз маданияти билан «қўшилиб» яшаган. Урф одатлар, эътиодлар, ҳаётнинг моддий ва ижтимоий шакллари ундан фарқ қилмаган. Маданиятнинг автономияси намоён бўлиши учун муайян даражада техниканинг ривожланиши ва меҳнатнинг ижтимоийлашувига эришиш талаб этилади. Шу асосда маданият астасекинлик билан инсониятдан тобора кўпроқ мустақил бўлиб боради. Инсоннинг эса маданиятига тобеолиги ортади. Ҳозирги постиндустриал

жамиятлардаги экологик, маънавий ва ахлокий соҳалардаги мавжуд муаммолар фикримизнинг далилидир. Шунинг учун маданиятни феномен сифатида идрок этиш, унинг ривожланиш қонунларини тушуниш ва шу тушунчалар асосида маданиятни бошқаришга ўрганиш зарурият булиб қолади.

Инсоният жамияти доимий ривожда булиб, у ўзгариб такомиллашиб боради. Турли тарихий даврларда ва хилма-хил маданиятларда одамлар дунёни ўзгача англайдилар ва қабул қиласидилар, ўзларига хос равиша тасаввурлари ва билимларини ҳосил қиласидилар. Биз ҳозирги даврдаги мавжуд муаммоларга ўхшаш бўлган тўсикларни ўтмишда одамлар кандай қилиб енгиб ўтгандарини ўргана бориб ўтмишга саволлар билан мурожаат қиласиз, ўтмиш бизга жавоб қайтаради ва шу билан ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак ўртасида доимий мулоқот булиб туради.

Маданият – жамиятнинг маҳсули, ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим жабҳаларидан биридир. Маданиятсиз жамият бўлмаганидек, маданият ҳам жамиятдан ташкарида мавжуд бўлмайди. Мураккаб ижтимоий вокелик сифатида маданиятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у инсоният авлодларининг меҳнати ва билимларини ўзига сингдириб олади, саклайди ва доимий бойитиб боради. Маданият ижтимоий ҳаётнинг ворислиги, қадриятларини тўплаши ва уларни келгуси авлодларга етказиб бериш билан боғлик бўлган соҳаларни ифодалайди.

Ижтимоий ҳаётнинг таркибий кисми сифатида маданиятни жамиятда тутган ўрни, жамиятнинг мазмунига ва таҳлил килинаётган ижтимоий борликнинг хусусиятларга боғлиқдир. Ижтимоий жараён, кишиларнинг ҳатти-харакати, яъни социал фаолияти маданий идеалларни, қадриятларни, нормаларни қарор топтирилиши ёки барҳам берилишида восита вазифасини, шунингдек кишиларнинг ижтимоий ва шахсий муносабатларининг шахслараро ва гурухлараро алокалари шакли вазифасини ҳам бажаради.

Маданият ижтимоий ҳаётнинг таркибий ва функционал жабҳаларида ифодаланади. Шу жиҳатдан жамият маданиятни вужудга келтиради.

Жамиятда вужудга келган маданият қанчалик мураккаблашиб бойиб борса, унинг инсонга ва жамиятга таъсири мукаммаллашиб ва нисбий мустакиллиги кучайиб боради. Масалан, Антик жамият аллақачон ўтмиш, тарихга айланган бўлса-да, унинг маданияти хозирги кунда ўз ахамиятини сақлаб келмоқда ёки биз бу давр маданиятини ўша вактдагига нисбатан кўпроқ биламиз. Шунинг учун маданиятта жамиятнинг маҳсули, фаолият услуби сифатида қаралса-да, ҳар бир жамиятни у ёки бу конкрет маданиятнинг шаклланиш манбаи тарзида ҳам қараш мумкин.

Ижтимоий тараккиёт фаолият билан маданиятнинг ўзаро муносабатларида ўзгаришларга олиб келади. Аноанавий ва индустрисал жамиятларда информацион фаолият мустакил соҳани ташкил этган бўлса, «компьютер инқилоби» шароитида информациялар, билимлар ишлаб чиқарилиши, янги технологиялар яратиш алоҳида турдаги фаолият сифатида шаклланди, информация қимматбаҳо товарга айланди. Информацион фаолиятдаги билимлар синтези тизимидағи мураккаб ўзгаришлар мухим карор топган ғоялар ва қадриятларга таъсир этмоқда. Маънавий маданият информациялари захиралари түпланиши оқибатида цивилизация тарақкиётида ташкилотчи ва харакатга келтирувчи факторга айланди. Бунинг оқибатида фаолият ва маданиятнинг ўзаро муносабатларида ўзгаришлар бошланди. Агарда дастлаб маданият фаолиятнинг мазмунига тулиқ боғлик бўлган бўлса, цивилизация жараёнлари оқибатида фаолият маданиятни тобора кўпроқ иштирокида шаклланиши кузагилмоқда.

Жамият тараккиётида тарихий инерсиянинг катта таъсирини ҳам хисобга олиш керак. Инерсиянинг таъсирида инсоният бажарилиши лозим бўлган вазифалардан тамоман бошқа нарсалар билан машғул бўлади. Чунки жамоа тафаккури қийинчиликлар билан кайта курилади. Моддий бойликларни кисқа вақт ичida йўқ килиш ва ёки бузиб ташлаш мумкин, лекин маънавий қадриятлардан тезда воз кечиб унинг янгисини қабул килиб бўлмайди. Россия ва советлар империяларининг миллий маънавий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналяримизни

«замонавийлаштириш» соҳасида олиб борган сиёсати окибати нима билан тугаганлиги кўпчиликка маълум.

Биз маданият ва ижтимоий фаолият бир-биридан мустакил мавжуд бўлмаслиги, маданиятнинг тараққиёти масалаларини кискача кўриб чиқдик, энди маданиятнинг шахс фаолиятидаги ўрни ва аҳамияти масаласига тұхтасак.

Маданият ва шахс нафакат мазмунан бир-бирига яқин бўлган, балки ички ва ташқи томонлари жиҳатидан ўзаро мос келувчи тушунчалардир. Шахс муайян маданий мухитда яшайди ва фаолият кўрсатади.

Комусий олим Абу Наср Фаробий «Бахт саодатга эришув ҳакида» рисоласида инсон камолатида жамоанинг роли катта эканлигини таъкидлаб шундай дейди: «Камолатга бир кишининг ўзи ёлғиз (бировнинг ёки кўпчиликнинг ёрдамисиз) эришуви мумкин эмас. Ҳар бир инсоннинг туғма табиатида ва унга лозим бўлган ҳар қандай иш ва харакат жараённида бошқа бир инсон ёки кўпчилик билан муносабатда бўлиш, ўзаро алоқа килиш хиссиёти бор, одамзод жинсидан бўлган ҳар қандай инсоннинг аҳволи шу: у ҳар қандай камолотга эришувида бошқаларнинг кўмаклашувларига ва улар билан бирлашишга муҳтоҷ ёки мажбурдир». Унинг фикрича, инсон ўз-ӯзидан баҳтли ҳам бўлолмайди, камолатга ҳам эришолмайди. «Бу нарса унинг харакатларига, меҳнатига, касб-хунар эгаллашига, билимiga ва фозил жамиятда яшашга боғлиқ», дейди. «Давлатнинг вазифаси инсонларнинг баҳт-саодатга олиб боришдир, бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида кўлга киритилади». Фаробий давлатни етук шахс (монархия), етук хислатларга эга бўлган бир неча шахслар (аристократия) ва сайланган шахслар (демократия) ёрдамида бошқариш шаклларини қайд этади. Фаробий жамият ўз ривожида етукликка томон интилиши, шунинг учун кураш олиб бориши ва нихоят фозил жамият, фозил шахар даражасига кўтарилиши ҳакида фикр юритади.

Индивид ижтимоий турмуш ва маданиятга қай тарзда жалб килинганлигига, унинг табиий имкониятлари, харакати, хиссиёти, тафаккури социал-аҳамиятли мазмун билан тўлдирилганлигига ва маданий шакл касб

этганилигига караб шахс сифатида қарор топади. Маданият индивидуал ва ижтимоий ҳаёт билан узлуксиз бирликни ташкил топган вактгача мавжуд бўлади.

Маданият кишиларга тана аъзолари, инстинктлар ёки тугма истеодод каби табиатдан берилмайди, ҳар бир индивид ўзининг шахсий тажрибаси асосида, мустакил равишда бевосита теварак атрофдаги кишиларнинг, жамиятнинг ва ўтган авлодларнинг тўплаган тажрибаларини ўзлаштиради.

Индивидиум ижтимоий амалиёт маҳсули бўлган маданиятни ўзлаштириш билан бирга унга акс таъсир этади. Шахснинг шаклланиши жараёнида маданиятнинг моддий дунёсини ҳам бойитади. Шунингдек инсон маданият нормаларига амал қилган ҳолда нафакат табиатни ва жамиятни, балки, шахсий «табиати»ни ҳам ўзгартиради. Маданият шахснинг ички дунёси мазмунига, «иккинчи табиати»га айланади.

Шахснинг маданият билан ўзаро муносабати ҳеч қачон тўлиқ ва уйғун бўла олмайди. Ижтимоий ва индивидуал ҳаёт, шунингдек маданият стихияси бир-бири билан мос келмаслиги мумкин. Маданият доимо инсон билан чамбарчас боғлиқ бўлади ва усиз яшай олмайди. Лекин воқеликнинг мураккаб, яхлит бирлиги сифатида у ўз ривожланиши конунларида ва борликка нисбатан мустакиллар. У маданий меросни ўзида мужассамлаштирган конкрет социал гурӯхларнинг маънавий ҳаётига нисбатан бойроқ ва чуқурроқдир. Маданият доимо қадриятларнинг энг йирик захираси, тажрибалар ҳазинаси бўлиб қолади. Инсоният авлодлари ундан фойдаланадилар ва унга ўз хиссаларини қўшадилар.

Юкорида айтиб ўтганимиздек, индивид билан маданият ўртасидаги муносабат мураккаб жараён хисобланади. Индивидни ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишига имкон берувчи психо-социал ва маданий дунёкараши ижобий ва салбий карашларнинг йигиндисидан ташкил топади. Инсонга ишчанлик, фидоийлик, матонат, ўткир зехн билан бирга калтафаҳмлик, ялковлик, шафкатсизлик, ўз манбаатларини тўғри тушуна олмаслик, ҳақиқий қадриятларни соҳтасидан ажратади билмаслик иллатлари ҳам хосдир. Шунинг

учун маданиятни нафакат қадрлаш ва сақлаш, балки танқидий ўрганиш талаб этилади.

Қайд этилган сабаблар таъсирида муайян ишлаб чиқариш усули хукмронлиги шароитидаги тарихан таркиб топган ижтимоий ва маданий мухитда жамият билан индивид ўртасида нисбатан ўзгарувчан мувозанат бўлади. Бу мувозанатни хосил бўлишида маданиятнинг иштироки салмоклидир. Маданият шахсга таъсир этади ва унинг психологик ҳолатини шакллантиради, шахснинг характеристида ва дунёни билишида муким ўрнашиб колади.

Шахс маданият билан қўйидаги соҳаларда муносабатда бўлади:

биринчидан, маданият таъсир этиш обьекти сифатида уни ўзлаштиради;

иккинчидан, маданий қадриятларни ташувчи ва ифодаловчиси сифатида конкрет маданий мухитда фаолият кўрсатади;

учинчидан, маданий ижодиёт субъекти сифатида маданиятни ривожлантиради.

Маданият ва шахснинг ўзаро муносабатлари, унинг шахс хаётида тутган ўрни тўғрисидаги мулоҳазаларимизга хулоса килиб, шуни айтиш мумкинки, табиат стихияли конунийтлар асосида ривожланиб борса, инсоннинг ички дунёси, ички «табиати» ни шакллантириш мақсадли, йўналтирилган асосда ташкил этилиши мумкин, бунда маданият инсониятга шундай имкониятни яратувчи мухим воситалардан бири бўлади.

Маданиятшунослик курси тарих, фалсафа, социология, этнография, социал психология каби бир қатор фанларнинг кесишувида вужудга келган, янги социал гуманитар фан хисобланади. Унинг изланиш обьекти ижтимоий вокелик бўлган маданият ва инсон хаёти услуби хисобланади. Унда маданиятнинг вужудга келиши, ривожланиши, жамиятда амал қилиниши билан боғлик масалалар тўғрисида, маданият коидалари институтларнинг, қадриятларнинг жамият хаёти ва ривожланишидаги ўрни, ўзаро алоқалари жараёнлари ўрганилади.

Форобий «Акл маънолари ҳақида» рисоласида, акл, бир томондан руҳий жараён, иккинчи томондан ташки таъсир – таълим-тарбиянинг натижаси эканлигини уқтиради. Форобий фикрича, акл фақат инсонгагина хос бўлган туғма қувват-рухий куч билан боғлик.

Форобийнинг акл, умуман билиш ҳақидаги таълимотида мантиқ (логика) илми муҳим ўрин тутади. «Мантиқ саноати кишига шундай қонунлар ҳақида маълумот берадики, бу қонунлар воситасида акл чиниқади, инсон соғлом фикр юритишга ўрганади», - деб ёзган эди у. Форобий мантиқ илми билан грамматика ўртасидаги муштаракликни қайд этади: мантиқнинг ақлга муносабати грамматиканинг тилга муносабати кабидир. Грамматика одамлар нутқини тарбиялагани каби, мантиқ илми ҳам тафаккурни ҳақиқий йўлдан олиб бориш учун ақлни тұғирлаб туради.

Форобий логикаси мусулмон Шарқидаги сұнгти мантиқка оид фикрларнинг ривожига катта турткি берди. Унинг билиш, мантиқ, ақл ҳақидаги фикрлари инсон ҳақидаги таълимоти учун хизмат қиласи. Ақлга эга бўлиш, билимли, мантикли бўлиш билан чегараланмай, у маълум ахлоқий принципларга, ахлоқий маданиятга эгалик билан яқунланиши керак. Негаки ҳар бир даврда жамият ахлоқи жамият маданияти деган мезон билан баҳоланар экан, маданиятли инсонни ахлоқсиз, эътиқодсиз, имонсиз ва ақлсиз тасаввур килиш қийин.

Форобий: «Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этишга зўр истеододга эга, ёмон ишлардан ўзини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил дейдилар. Ёмон ишларни ўйлаб топиш учун зехн-идрокка эга бўлганларни ақлли деб бўлмайди, уларни айёр, алдоқчи деган номлар билан атамоқ лозим».

Форобий ўрта асрлар шароитида биринчи бўлиб жамиятнинг келиб чикиши, мақсад ва вазифалари ҳақида изчил таълимот яратди. Бу таълимотда маданиятли жамиятнинг кўп масалалари- давлатни бошқариш, таълим-

тарбия, ахлоқ, маърифат, диний эътиқод, уруш ва яраш, меҳнат ва бошкалар камраб олинган.

Жаҳон маданиятининг келиб чикиш тарихига бир назар солайлик. Антик даврдан бошлаб, жамоатчилик маданиятни нафакат билим ва қўнимка балки инсоният амалий харакатниинг натижаси сифатида қабул қила бошлаган. Масалан, эр.авв. 45 йилда яшаган файласуф Сицерон “онг, тафаккур маданияти” хақида тұхталади. Рим нотикининг фикрича, онгга, тафаккурға худди ерга бўлгани каби ишлов бериш лозим. Ана шундай, тафаккурига ишлов бера олган, маънавий қобилиятларини ривожлантира олган инсонгина – маданиятнинг асосий моҳияти бўлиб ҳиобланади. Демокрит фикрича хам, маданият негизини айнан инсон яратган. Инсон, табиатга тақлид килиш ва уни ўзига бўйсунтириш жараёнида маданий қадриятларни яратиб боради. Грек фалсафасининг энг асосий кулмиацион нуқтаси – бу инсонга колип сифатида қараш, яъни улар хамма нарсани инсон киёфасида қўришади, ўз дунёқарашларида хамма нарсани инсон шаклшамойили ва характеристига ўхшатишади. Улар фалсафасида хаттоқи худолар хам хатти-харакатлари ва ташки-қўринишлари билан инсон сифатида, киёфасида тасвирланганлар.

Ўрта асрларга келиб маданият ҳодисасини идрок этишда маълум бир ўзгаришлар юз берди. Энди, худо қадр-киймат негизи сифатида қабул килиниб шу асосда маданият принциплари ишлаб чиқилди. Христианлик фалсафасининг асосчиси Аврелий Августин фикрига кўра, “Худо йўлида яшаш – бу инсон учун ягона бўлган қадрли йўл. Энг гўзал, яхши, тоза ва ёруғ хислатлар ягона Худода мавжуд, хаётда эмас. Худо саноаткор каби борликни яратди. Инсон хам саноаткор у маданиятни яратди...”.

Маданият - лингвокультурология учун асосий, хал килувчи тушунча. Шу туфайли унинг мундарижасини, семиотик табиатини батафсил қўриб чикишни лозим топдик. Маданият сўзи фан тилида культура муқобилига эга. Бу сўз лотинча Colere сўзидан олинган бўлиб, “возделывание, тарбия, тараккиёт, эслаш, культ” маъноларини билдиради. XVIII асрдан бошлаб

инсон фаолияти, тафаккури натижасида пайдо бўлган барча нарсаларга нисбатан ишлатила бошланди. Мазкур маънолар культура сўзида кейинги вақтларда ҳам мавжуд эди. Бирок дастлаб сўз “инсоннинг табиатга мақсадли таъсири, табиатнинг инсон манфаати учун ўзгариши” (мас. дехқончилик маданияти). **Антрапология** – инсон ва унинг маданияти ҳакидаги илк фанлардан бири бўлиб, инсон хулк-авторини, инсоннинг социокультурологик муносабатлар тизимига кириши билан боғлиқ меъёrlар, таъкик, табулар ўрнатилишини, маданиятнинг жинсий фарқланишга таъсирини, муҳаббатнинг маданий феномен эканлиги, мифологияни маданий ходиса эканлигини тадқиқ қиласи. Бу фан инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда XIX асрда вужудга келди ва бир канча тармоқларга бўлинади. Бизни қизиқтирган муҳим йўналишлардан бири эса когнитив антропология ҳисобланади. Когнитив антропологиянинг асосида маданиятта тимсоллар тизими сифатида қараш ётади. Бу тимсоллар инсоннинг англаш қобилияти, оламнинг шаклий ва руҳий тузилиши билан боғлиқдир. Когнитив антропология тадқиқотчилари фикрича, тилда барча когнитив категориялар жамланган бўлиб, улар инсон ақли ва маданиятнинг борлигини ташкил этиши билан ажralиб туради. Бу категориялар инсон борлиғи учун имманент эмас, балки инсоннинг маданиятга муносабати жараённида вужудга келади. XX асрнинг 60-йилларида собиқ СССРда маданиятшунослик (культурология) маданият ҳакидаги алоҳида фан сифатида шаклланди. У фалсафа, тарих, антропология, социология, психология, этнология, этнография, тилшунослик, санъатшунослик, семиотика, информатика кесишган нуктада пайдо бўлиб, бу фанларга тегишли билимларни бир нуктаи назар остига жамлади. Маданият – ижтимоий-гуманитар билимларнинг асос тушунчаларидан биридир. У илмий атама сифатида XVIII асрнинг 2-ярмида – “маърифатчилик асри”да қўллана бошланди. Илмий адабиётларда бу атамага илк таъриф Э. Тайлор асарида учрайди. У маданият деганда инсон жамиятнинг аъзоси сифатида ўзлаштирган билим, эътиқод, санъат, конун, ахлок, урф-одатлар, қобилият ва

бошқаларнинг йигиндисини тушунади. П.С.Гуревичнинг фикрича, атамага берилган таърифлар микдори тўрт хонали сон билан ифодаланади. Бу ҳолат нафакат ходисага бўлган қизикишни, шунингдек, замонавий маданиятшунослик фанининг методологик муаммоларини ҳам кўрсатиб беради. Бироқ ҳозирга қадар дунё маданиятшунослигига маданиятни тушунишда ва уни ўрганишда ягона ва мазкур методологик тарқоқликни ҳал киладиган умумий караш мавжуд эмас.

**3. Маданиятнинг ўрганилишидаги турли нуқтаи назарлар.** Ҳозирги вактга келиб маданиятшунослар маданиятга таъриф берар эканлар, бир канча ёндашувлар кўзга ташланади. Улардан баъзиларини санаб ўтамиз.

**1. Тавсифий ёндашув,** яъни унда маданиятнинг келиб чиқиши ва алоҳида элементлари – урф-одатлар, фаолият кўринишлари, қадриятлар, идеаллар ва бошқалар санаб ўтилади. Бундай ёндашувда маданият инсоннинг ҳайвонсифат турмуш кечирган аждодларидан бугунги қунимизни ажратиб турган, табиатдан химояланиш ва инсонларо муносабатларни тартибга солиш вазифасини бажарувчи институтлар ва ютуқлар йигиндиси сифатида таърифланади. (З. Фрейд) Мазкур ёндашувнинг нуқсони маданият кўринишларини тўлиқ ифодалай олмаганидир.

**2. Қадриятларга кўра ёндашув.** Бунда маданият инсон яратган руҳий-маънавий ва моддий қадриятлар йигиндиси сифатида изохланиб, объект қадриятга айланиши учун инсон унда шундай хусусиятларни кўриши кераклиги тъкидланади. Объектни қадрият сифатида баҳолаш кобилияти инсоннинг қадрият ҳақидаги карашларига boglik. Шу билан бирга инсонда ҳақикатда мавжуд бўлган объектларга киёслаш мумкин бўлган мукаммал тимсоллар, идеаллар яратиш тасаввуроти ҳам бўлиши керак. М. Хайдеггер маданиятни шундай тушунади: маданият – бу юксак инсоний мулкларни маданийлаштириш орқали олий қадриятларни амалга ошириш демакдир. (М. Вебер, Г. Францев, Н. Чавчавадзе ва бошқаларда ҳам) Мазкур ёндашувнинг камчилиги – асосий диққат маданиятга йўналтирилган,

бошқача қилиб айтганда, унгга инсон фаолиятининг барча жабҳалари киритилмаган, балки кадриятлар, шунингдек, энг яхши ижод намуналарига эътибор берилган. Инсон фаолиятининг салбий жиҳатлари соя остида қолган.

**3. Фаолиятга кўра ёндашув.** Бунда маданият инсоннинг ўз эҳтиёжларини қондириш усули сифатида бўй қўрсатади. Б.Малинскийдан бошланган бу қараш маданиятнинг марксистик назариясини ҳам ўзига жо қилиган: маданият инсон фаолияти усулларидан биридир (Э.Маркарян, Ю.А.Сорокин, Е.Ф.Тарасов)

**4. Вазифавий жиҳатдан ёндашув.** Бунда маданият жамиятдаги вазифалари: ахборот (информацион), мослашув (адаптацион), алокаралашув (коммуникатив), тартибга солиш (регулятив), меъёрий (норматив), баҳо бериш, бирлаштириш (интегратив), ижтимоийлашув (социализация) ва бошқа вазифаларига кўра тавсифланади. Мазкур ёндашувнинг қусури – бу вазифа (функция) назариясининг ишлаб чиқилмаганлиги, зидланишларсиз таснифда зиддиятларнинг мавжудлигидир.

**5. Герменевтик йўналиш.** Бунда маданиятга матнлар тўплами сифатида мурожаат килинади. Йўналиш тарафдорлари учун маданият – матнлар йигиндиси, аникроғи, матнлар йигиндисини ҳосил килувчи тизим, механизmdir (Ю.М.Лотман). Матнлар – маданиятнинг асоси ва окиб турган қонидир. Улар ўзлаштирилиши керак бўлган ахборотлар йигиндиси сифатида баҳоланиб, асар муаллифининг шахсий ўзига хослиги, баҳосини жамлаган бўлади. Бу ёндашувнинг камчилиги шундан иборатки, матннинг мукаммал ва бир хилда тушуниб бўлмайди.

**6. Меъёрга асосланган ёндашув.** Бунда маданият инсонлар хаёти ва яшаш тарзини тартибга солиб турувчи меъёр ҳамда конуниятлар жамланмасини ифодалайди. (В.Н. Сагатовский) Бу қарашни Ю.М.Лотман ва Б.А.Успенский ҳам ривожлантириб, маданиятни жамоанинг хотиравий

мероси сифатида баҳолайдилар, бу хотира да олдиндан белгиланган қоидалар ва таъкиклар мавжуд бўлади.

**7. Маънавий-рухий қараши.** Ушбу йўналиш тарафдорлари маданиятни жамиятнинг маънавий хаёти, ғоялар ва маънавий ижоднинг бошка маҳсуллари сифатида тушунадилар. Жамиятнинг маънавий турмушки ҳам маданиятдир. (Л.Керман) Ушбу йўналишнинг қусури маданиятнинг тор маънода тушунилишидир, чунки моддий маданият шакли ҳам мавжуд.

**8. Диалогик йўналиш ёки маданиятни “маданиятлар диалоги”**(В.Библер) – унинг субъектлари ўртасидаги муносабат шакли (В.Библер, С.С.Аверинцев, Б. А. Успенский) деб баҳолаш. Бунда муайян ҳалқ ёки миллатта тегишли бўлган, шунингдек, этник ва миллий маданият турлари фарқланади. Миллий маданият таркибида субмаданиятлар ҳам мавжуд бўлади. Булар алоҳида ижтимоий катлам ва гурухлар (ёшлар субмаданияти, жиноий олам субмаданияти ва бошк.) маданиятидир. Шунингдек, метамаданият ҳам мавжуд бўлиб, турли ҳалкларни бирлаштириб турди. Масалан, ислом маданияти, христиан маданияти кабилар. Мазкур барча маданиятлар ўзаро алоқада бўлиб, миллий маданият қанчалик ривожланган бўлса, у шунчалик бошка маданиятлар билан диалогга киришиш томон силжиб боради. Шу аснода бойиб боради, бошқаларининг ютукларидан озиқланади, шу билан бирга зичлашув ва стандартлашув жараёни юз беради.

**9. Ахборотга асосланган ёндашув.** Бунда маданият ахборотни тузиш, саклаш ва узатиш тизими сифатида намоён бўлади. У – жамият аъзолари фойдаланадиган, инсонлар томонидан мундарижа, маъно ва ғоя сингдирилган ижтимоий ахборотлар жамланган белгилар системасидир. (Ю.М.Лотман) Буни компьютерга, аникрофи, унинг ахборот таъминоти: машина тили, хотираси ва ахборотни қайта ишлаш дастурлари билан таккослаш мумкин. Маданиятда ҳам инсонлар ахлоқини ифодаловчи дастурлар, ижтимоий хотира ва тиллар мавжуд. Маълум бўладики, маданият

– бу жамиятнинг ахборот таъминоти, белгилар тизими орқали йигилиб борадиган ижтимоий ахборотлардир.

**10. Рамзийлик тамойили маданиятда рамзларнинг ишлатилишига эътибор беради.** Маданият – бу “рамзлардан иборат олам”дир (Ю.М.Лотман). Алоҳида этник мазмунга эга маданий белгиларнинг айримлари халқларнинг рамзига айланиши мумкин: окқайин, шчи (карам шўрва) ва каша, самовар, чиптаковуш, сарафан – руслар учун, кўй гўшти ва қасрлардаги арвоҳлар хақидаги афсоналар – инглизлар учун, спагетти – итальянлар учун, пиво ва колбаса – немислар учун ва хиз.

**11. Типологик тамойил.** (М.Мамардашвили, С.С.Аверинцев) Бошка миллат вакиллари билан учрашганларида инсонлар ўз маданий белгилари билан солишириб кўришга мойил бўладилар – “ўз каричлари билан ўлчаб” кўрадилар. Масалан, европаликлар японлар билан алоқага киришар эканлар, уларни японларнинг яқин кишиларининг ўлеми хақида гапираётib табассум килишлари хайрон қолдиради, буни тошбағирлик ва бераҳмлик белгиси сифатида баҳолайдилар. Япон маданияти томонидан қаралганда эса бу юкори даражадаги самимият, ўз муаммолари билан бошқаларни безовта қилишни истамаслик белгисидир. Бир миллатда акл ва эҳтиёткорлик хисобланган ҳолатларга иккинчи халқда айёрлик ва очкӯзлик сифатида қаралади. Маданият масаласига бошка нуктаи назардан қарашлар хам мавжуд. Замонавий тадқикотчи Эрик Вольф маданият тушунчасининг ўзини шубҳа остига олади. У ҳар қандай маданиятнинг ўзи мустақил мавжуд бўла олмаслиги, барча маданиятлар ўзаро боғликлиги, ўзаро бир-бирини талаб қилиши, шу аснода айримлари шаклан ўзгариши, айримлари эса умуман йўқлика юз тутишини таъкидлайди. Кўриб чикилган барча ёндашувларда аниқ (рационал) мундарижа мавжуд бўлиб, ҳар бири “маданият”нинг айрим белгиларини кўрсатади. Бирок улардан қайси бири аниқроқ, хақиқатга якинроқ? Бу ерда барча нарса тадқикотчининг маданиятни тушуниш учун танлаган позициясига боғлик бўлиб колади. Масалан, биз учун маданият жамоанинг мерос бўлиб келадиган хотира эканлиги, муайян таъкиқ ва

белгиларган қоидаларни ифодалаши, ҳамда маданиятга маданиятлар диалоги сифатида ёндашиш хакконийрок туюлади. Маданият тушунчаси таркибиға меңнат фаолияти усуллари, қадриятлар, урф-одатлар, маросимлар, муносабат шакллари, дүнёни күриш, англаш ва тасаввур этиш усуллари ҳам киради. Масалан, дараҳтда осилиб турган барг – табиатнинг бир кисми, ҳудди шу баргнинг гербарийга қўйилган ҳолати – маданият кисми; йўл четида ётган тош маданият эмас, бироқ аждодлар қабри устига қўйилган тош – маданият. Шу каби, маданият мазкур ҳалқ учунгина тегишли хаёт ва турмуш тарзи, шунингдек, инсонлар ўртасидаги муносабатлар (қадриятлар, урф-одатлар, маросимлар, муносабат шакллари ва б.) ва дүнёни күриш, англаш ва тасаввур этиш усулларидир. Айнан нима маданият тушунчасини тавсифлаш ва тушуниш учун мураккаб қилиб қўймоқда? Маданиятга ягона, қарама-каршиликлардан холи бўлган таъриф беролмаслигимизнинг асосий сабаби – унинг мураккаблиги ва кўпёклама эканлиги ва яна зиддиятлилигидир. Антиномия деганда маданиятдаги ўзаро қарама-карши, бироқ бир хилда тўлик асосланган икки тушунчанинг бирлигини тушунамиз. Масалан, маданиятга мурожаат этиш орқали шахснинг ижтимоийлашувига шароит туғилади, шу вактнинг ўзида унинг индивидуаллашуви, алоҳидалик хусусиятлари намоён бўлишига олиб келади. Маданиятнинг айрим босқичлари жамият билан боғлик бўлмайди, шу билан бирга у жамиядан ташқарида ҳам юз бермайди. Маданият инсоннинг маънавий фазилатларини ўстиради, жамиятга ҳам ижобий таъсир ўтказади, шу билан бирга турли типдаги одамларга салбий таъсир қилиши мумкин (мас., оммавий маданият) Маданият анъаналарни саклаш жараёни ҳам, меъёр ва қоидаларни мунтазам четлаб ўтиш харакати ҳамдир. У янгиланиш ва доимо янги шаклларга ўтиш хусусиятига эга. Маданиятни таҳлил этишда тушунчанинг кўпгина таърифларга эгалигидан ташкари, кўпгина тадқикотчилар (маданиятшунослар, антропологлар, файласуфлар, этнографлар ва бошқа олимлар) ҳар сафар тушунчани аниклаштириб таърифлашга интилар эканлар, ўз карашларини ҳам ўзгартириб бормоқдалар. Жумладан,

Ю.М.Лотман юқорида келтирған үз таърифидан сұнг яна қуидагича фикр билдиради: маданият – бу “мураккаб семиотик тизим, унинг вазифаси – хотира, фарқловчи белгиси - жамлаш”<sup>2</sup> (1971), “маданият муайян жамоа – замондош ва ижтимоий жиҳатдан бирлашган шахслар гурухи учун умумий бўлган ходиса. У инсонлар ўртасидаги муносабат шаклидир”<sup>3</sup> (1992). Бошка муаллифлрда ҳам шу каби ҳолат кузатилади. М.С.Каган маданият хақидаги назарияга инсон борлиги ва санъатнинг эстетик борлиги (инсон рухининг энг мураккаб соҳалари) таҳлилини киритади: “Маданиятни ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, бу ерда инсон ва санъатни назарий тадқиқига ўхшаш жараён юз беради. Шунинг учун агар санъатни моделлаштирасак, инсон турмушининг умумий кўриниши гавдаланади, маданият эса бу ҳолатни инсоннинг тарихан шаклланган ишлаб чиқилган сифатлар ва қобилияtlари фонида тасвирлайди. Бошқача айтганда, инсонни инсон қилиб турган нарсалар маданият кўринишига эга бўлади. Маданият шундай ҳарёклама ва зиддиятларга бой тушунча бўлиб, инсоннинг ўзи эса маданият ижодкори ва маданиятнинг асосий ижод маҳсули ҳамдир”<sup>4</sup>.

Маданиятни турли нуқтаи назарлардан ўрганар эканмиз, ҳар гал турли натижа оламиз: руҳий-фаолият таҳлилига қўра бошка, ижтимоий таҳлилга қўра бошка хулосаларга дуч келамиз. Маданиятни фақат турли томонлардан айланиб ўрганиб чиккандан сўнгина умумий ва тўлиқ тасаввурни тиклай оламиз. Таърифлардаги ҳар хилликни ҳисобга олиб, мазкур ҳодисанинг бизга керакли, вактинчалик таърифини ишлатиб турамиз: маданият – субъектнинг борлиқдаги барча фаолияти кўринишлари жамланмасидир, у конун-коида, қадриятлар, меъёрлар, идеаллар ва намуналар, белгиланган тартибларга асосланган бўлади. У кишилар жамоасининг мерос қоладиган хотираси, бошқа маданиятлар билан муносабатларда “яшайди”. Хуллас, маданият деганда, жамоа бўлиб яшашдек “ўйин шартлари” тўпламини,

<sup>2</sup>Лотман Ю. М. О двух моделях коммуникации в системе культуры // Semeiotike. - Тарту, 1971. № 6. - С. 228.

<sup>3</sup>Лотман Ю.М. Беседы о русской культуре: Быт и традиции русского дворянства. - СПб., 1994.

<sup>4</sup>Каган М. С. Философия культуры. - СПб., 1996. - С. 19-20.

жамоанинг ижтимоий хотирасида сакланадиган ижтимоий амалиёт усуулари йигиндинисини тушунамиз. Ижтимоий хотира эса ижтимоий аҳамиятга эга амалий ва аклий фаолият учун инсонлар томонидан ишлаб чиқилган.

Маданий меъёрлар генетик йўл билан эмас, ўрганиш йўли билан ўтади. Шу туфайли миллий маданиятни эгаллаш жиддий иқл ва ирода кучини талаб қиласди. Бизнингча, маданиятшуносликнинг, маданият назарияси ва фалсафасининг вазифалари шундан иборатки, маданиятни реал борлиги билан, турли мавжудлик шаклларини тўла ҳисобга олган ҳолда, тузилиши, амал килиниши ва тараккиёти асносида тафаккур қилиш керак бўлади. Шунингдек, у ёки бу маданият учун хаёт манбаи нима, ҳар бир маданият қандай умуминсоний қадриятларни ифодалайди, турфа халклар маданиятининг ўзига хос миллий хусусияти нима, шахсий маданият бошқа шахсий маданият билан муносабатга киришганда “ўзини қандай тутади” каби саволларга жавоб топиши керак.

#### **4. Маданият ва инсон.**

Энди биз маданиятга умумий тавсиф берамиз. Қайд килиб ўтганимиздек, маданиятга фаолиятга кўра, меъёрийлик жихатига кўра, диалогик жихатдан ва қадрият сифатида ёндашув максадга мувофикрок. Уларга кенгрок тўхталиб ўтамиз. Маданият инсон фаолиятидан, ижтимоий гурухдан ташкарида мавжуд бўла олмайди, ёки аксинча инсон фаолиятининг ўзи янги турмуш кечиришнинг янги “гайритабиий” усулини, ҳаётнинг тўртинчи шакли, яъни маданиятни пайдо килди (М.С.Каган). Эслайлик, ҳаётнинг учта шакли – бу “табиат – жамият - инсон”. Бундан келиб чикадики, маданият инсон фаолияти дунёси, ёки артефактлар (лот. Арт – сунъий, факт - яратилган) дунёсидир. Бу инсоннинг табиатга жамият қонунларига биноан назар ташлишидир. Бу сунъий воситаларни баъзан “иккинчи табиат” (А.Я.Гуревич ва бошк.) деб хам аташади. XX асрнинг атокли файласуфларидан бири М.Хайдеггер бу борада: “инсон фаолияти маданият сифатида тушунилади ва амалга оширилади”. Энди маданият – олий қадриятларни инсон қадр-қимматини маданийлаштириш оркали амалга

оширишдир. Маданиятнинг ўзлигидан шу келиб чиқадики, бу каби маданийлаштириш натижаси ўлароқ инсон ўзини маданийлаштиради, у маданий сиёсатга айланади<sup>5</sup>.

Бироқ маданият артефактларнинг ёки инсон кўли билан ясалган ашёларнинг шунчаки йигиндиси эмас, инсон ўз ғояларини сингдирган маҳсулотлар ва фаолият дунёсидир. Янги ғояларни яратишнинг ўзи маънавий маданий фаолиятнинг (санъат, дин, илм) ғоясига айланади.

Фоялар олами – инсон ғоялари маҳсуллари оламидир, иносн тафаккури сарҳадларидир. У чегарасиз ва ўлчовсиздир. Демак, инсон фаолияти натижаси бўлмиш маданият инсоннинг ўзини ҳам фаолият субъекти сифатида камраб олади. Шу билан бирга, фаолият усуслари, фаолият натижасида моддийлашган предметлар турфалиги, маданиятнинг предметлар йигиндисида мавжуд бўлган нарсаларни мавхумлаштирувчи иккиламчи фаолият турлари ҳам шу доирага киради. Маданият инсон фаолияти маҳсули экан, тузилиши шу фаолият шакли билан боғлиқ бўлади. Ҳар қандай маданият қуршаб турган оламда яшаш шакли, ўзгариш жараёни ва натижаси хисобланади. Бундан келиб чиқадики, турли халкларнинг маданияти ўзаро оламни мушоҳада килиш орқали тушуниш ёки мослашиш шакли билан эмас, биринчи навбатда оламни моддий-маънавий англаш типи билан, шунингдек, оламга фаолият ва фаол муносабати билан фарқланиб туради. Субъект фаолияти айнан маданиятнинг ўзидан олинган қонун-коидалар, тартибларга асосланган бўлади. Маданиятнинг ўзи эса факатгина ўзлаштириш шакли эмас, ўзлаштириш ва талқин килиш учун объект танлаши ҳамдир. Ҳар қандай ўзлаштириш фаолияти икки кисмга: ташки (экстенсив) ва ички (интенсив) томонларга бўлинади. Вакт ўтиши билан бу доир кенгаяди: инсон ишлаб чиқариш жараёнига янгидан янги моддий ресурсларни жалб қиласида. Бизнинг фикримизча, ўзлаштириш соҳасидаги ўзгаришлар умумий оммавий, байналмилал характерга эга. Услублар эса

<sup>5</sup>Хайдеггер М. Время картины мира // Новая технократическая волна на Западе. - М., 1986. - С. 93.

максус миллий ўзига хосликларга эга бўлиб, бирор халкнинг фаолият ва ўзини тутишдаги доминант белгиларни акс эттиради. Агар маданият ўзлаштириш обьекти билан фарқланса, биз шу жиҳат билан қабул қиласиз. Ўзлаштириш қайси усул билан амалга оширилган бўлса, миллий маданият учун хам худди шу тамойил асосида шаклланган бўлади, унинг асосида умуминсоний кадриятлар ётади. Бу кадриятлар инсоннинг руҳий ва биологик табиити, инсон социумларининг умумийлик жиҳатларини акс эттиради. Бироқ уларни танлаш, ўзлаштириш ва му shoҳада усуллари ўзига хос миллийлик белгисига эга бўлади.

Инсоният битта биологик турга мансуб бўлса-да, битта ижтимоий жамоа ҳисобланмайди. Турли жамоаларда инсонлар турли табиий ва тарихий шароитларда яшайдилар. Шу нарса хаёт фаолиятининг турли кўринишлари пайдо қиласи, ўзаро муносабатда бир-бирларидан шу нарсани ўзлаштирадилар. Масалан, рус маданияти қандай шаклланган? Рус икона ёзувлари – Византиядан, рус балети – Франциядан, рус романчилиги – Англиядан (Ч.Диккенс). Пушкин русчадан хатоликлар билан ёзган, бироқ французчада тўғри ёзган. Ахир у буюк рус ёзувчиси-ку! Рус театри, рус мусиқаси қаердан келди? Фарбдан. Бироқ, аслида рус маданиятида икки маданият жамланган: биринчиси – халққа тегишли, у табиий тилга эга, барча бегона нарсаларни сикиб чиқарган ва деярли ўзгаришсиз колган; иккинчиси – Европа илм-фани, санъати, фалсафаси меваси бўлиб, дворянлик ва дунёвийлик шаклиги эга бўлган. Улар биргаликда дунёнинг энг бой маданиятларидан бирини вужудга келтирган.

Шу тарика тўла маънодаги маданият йўқ, десак бўлаверади. Бироқ у муайян миллат ва жамият амалий хаётининг барча жабхаларига хос максус белгиларни ўзида мужассамлаштиради. Масалан, рус маданияти неча юз йиллардан бўён ўзгармай келмокда. Русларнинг дун саҳнасидаги таъсир доираси, сиёсий мавкеи ўзгарганига карамай маданият ўша-ўша. Жумладан, инсон хаётини кадрламаслик ва буюк шахсларга хурматсизлик – шаркий славян маданиятнинг асосий белгиларидан биридир. Герцен айтганидек,

Европада Спинозани ўлдириш ёки Паскални аскарликка жүннатиш хеч кимнинг хаёлига келмайдиган иш. Россияда: Шевченкодек адабиётшунос ўн йиллаб умрини казармада ўтказган бўлса, Чаадаев каби олимлар ахмокка чиқарилган.

### **5. Маданият ва тамаддун.**

Миллий маданият бошқа миллатлар маданияти билан муносабатга киришар экан, ўз маданиятларида эътибор берилмаган нарсаларга диккат қаратадилар. М.М.Бахтин бу борада шундай ёзди: “Биз бегона маданият олдига янги муаммолар қўямизки, бу муаммоларга унинг ўзи диккат қаратмаган бўлади. Биз ундан ўз муаммоларимизга жавоб излаймиз. Ва бегона маданият ўзининг маънавий теранликлари ва янги кирраларини очиб беради”<sup>6</sup>. Бу маданиятлараро муносабатларнинг қонуниятларидан, ажралмас узвларидан биридир. Э.Бенвенист таъкидлаганидек, Farb оламидаги замонавий тафаккур ва маънавий маданиятнинг тарихи инсонлар бир неча ўнлаб сўзларни қандай кашф этганлари ва қай тарзда қўллаётганлари билан чамбарчас боғлик. Шундай сўзлар сирасига, фикримизча, “маданият” ва “цивилизация” сўзлари ҳам киради. Цивилизация термини (лот. Civilis – фукароларга оид, жамиятга оид) XVII асрда вужудга келди. У “ёввойилик” тушунчасига қарама-қарши маънода ишлатилган, амалда “маданият”га синоним бўлган. XIX аср охиридан бошлаб немис илмий адабиётларида бу икки тушунчани фарқлай бошлаганлар. Цивилизация деганда энди ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида жамият томонидан қўлга киритилган ижтимоий ва моддий фаровонликлар йигиндинсини тушуна бошладилар. Маданият эса цивилизациянинг маънавий мундарижаси ҳисобланган. Бу икки тушунчалар муносабати масаласи билан О. Шпенглер, А.Тойнби, Н.А.Бердяев, П.Сорокин каби олимлар шугулланганлар. Немис файласуфи О.Шпенглер ўзининг маданият борасидаги концепциясини 1918 йилда нашр этилган “Оврупо инкирози”

<sup>6</sup>Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. - М., 1979. - С. 335.

(«Закат Европк», рус тилига 1993 йилда таржима қилинган) китобида шундай баён этади: “Ҳар бир маданиятнинг ўз цивилизацияси бўлади, у эса, аслида, маданиятнинг тугаши ҳамdir...Маданият ва цивилизация – маънавий оламнинг жонли танаси ва мумиёланган танасидир”. Маданият турфаликни, ҳар-хиллик, тенгсизлик, шахсий индивидуалликни барпо этса, цивилизация тенгликка, бир хилликка ва стандартга интилади. Маданият олий табакага мансуб, элитар хусусиятга эга бўлса, цивилизация демократик, яъни ҳалқонадир. Маданият инсонларнинг амалий эҳтиёжлари асосида барпо бўлади ёки маънавий идеалларга йўналтирилган бўлади, цивилизация эса майдалашган бўлади. Маданият миљийлик, цивилизация байналмилалик белгиси билан фарқланади; маданият илохиёт, диний ақидаларга боғлиқ, цивилизация бирмунча даҳриёна. О.Шпенглер Европа цивилизациясини бу китъя эволюциясининг охирги боскичи сифатида баҳолайди. Яъни цивилизация ҳар бир ижтимоий-маданий дунё тараққиётининг охирги боскичи, заволидир. Инглиз-америка анъанасида цивилизация бошқача тушунилади. XX асрнинг етакчи тарихчиларидан бири А.Тойнби жамиятнинг, бошқача айтганда, алоҳида ижтимоий-маданий оламнинг турли типларини ажратиб кўрсатади. Замонавий америкалик тадқиқотчи С.Хантингтон цивилизацияни олий даражадаги маданий умумийлик, инсонлар маданий белгиларининг энг юкори даражаси сифатида таърифлайди. У 8 та асосий цивилизация типларини ажратади: Ғарб, конфуцийчилик, япон, ислом, индуистик, православ-славян, лотин американча, африканча.

Рус тилида цивилизация сўзи, инглиз ва француз тилларидан фарқли ўлароқ, кечроқ - 1767 ва 1777 йилларда пайдо бўлди. Аммо асосийси унинг пайдо бўлиш вақти эмас, балки кандай тушунчани билдирганлигидир. Г.Шпет ҳам О.Шпенглер каби цивилизацияни маданиятнинг тугилиши сифатида баҳолайди. Цивилизациянинг тугаши ва маданиятнинг заволга юз тутиши бор ходиса – тасдиклайди у. Н.А.Бердяевда ҳам шу каби фикр учрайди: маданият жонли нарса; цивилизация эса усул ва воситаларга эга.

Бошқа тадқиқотчилар маданият ва цивилизацияни бошқа нұқтаи назарларға күра фарқлайдилар. Масалан, А.Белий “Маданият инқирози” (“Кризис культуры” - М., 1910) номли ишида шундай ёзади: “Замонавий маданиятнинг инқирози цивилизация ва маданиятнинг аралашыб кетишидадир; цивилизация табиатдан берилган инъомдир; унда хатога йўл қўйилмаган, юз берга ва котиб колган нарсалар цивилизацияда эҳтиёжли маҳсулотга айланади”. Маданият – “шахс ва иркларга тегишли ҳаётий кучни ривожлантириш ва саклаш фаолияти бўлиб, борликни ижодий тараққий эттириш йўли билан амалга оширилади; маданиятнинг бошланиши индивидуалликнинг ўсишига боғлик; унинг давоми – даҳоларнинг микдори билан боғлик”<sup>7</sup>. М.К.Мамардашвилиниң фикрича, маданиятни ўз маънавий-рухий интилишлари натижасида эгаллаш мумкин, цивилизация эса фойдаланиш ва олиш мумкин бўлган нарсадир. Маданият янгилик яратади, цивилизация маълум бўлган нарса микдорини кўпайтиради. Д.С.Лихачев маданият таркибида идеалга олиб борувчи абадий, ўзгармас қадриятлар сакланади; цивилизацияда эса ижобий жиҳатлар билан бирга берк кўчалар, кайрилишлар, алдамчи йўналишлар ҳам кўп бўлади, у қулай турмуш тарзига йўналтирилган бўлади. Маданият – бу яшаб қолиш ва зотни саклаш нұқтаи назаридан тўлиқ шаклланмаган, ортиқча нарса бўлса, цивилизация pragmatik характеристерга эга. Юкоридагилардан хулоса қилсан, маданият икки йўналишда ривожланганини кузатиш мумкин: 1) инсон моддий эҳтиёжларини кондириш – бу йўналиш цивилизацияга олиб боради; 2) маънавий эҳтиёжларни кондириш – бунда маданият рамзийлик хусусиятига эга бўлади. Шу ўринда иккинчи йўналиш биринчисининг тўлдирувчиси ёки унинг устига курилган деб бўлмайди. У алоҳида мустакил тармоқdir. Маданият тарихи мутахассисларига яхши маълумки, қабиланинг оддийгина хўжалик ҳаёти билан боғлик майда нарсалар йўқолиб кетиш арафасида турган бўлса ҳам, маънавий маданиятнинг мураккаб, кўптармоқли тизимиғи

<sup>7</sup>Белий А. На перевале. Кризис культуры. -- М., 1910. -- С. 72.

(мифлар, маросимлар, одатлар, эътиқод ва ҳкз.) эга бўлади. Бу қабиланинг асосий диккати эса, бизга канчалик эриш туюлмасин, ҳаёт учун курашга эмас, маънавий бойликни саклаб қолишга каратилган бўлади. Бу ходиса кўпгина жамиятларда кузатилади, шунинг учун ҳам буни оддий тасодиф ёки англашилмовчилик деб бўлмайди. Бинобарин, маънавий маданиятни моддий маданиятдан кейинга кўйиш нотўғри бўлади. (“турмуш тарзи фикрлаша даражасини ҳал қиласди” деган ғояга қиёсланг). Шундай қилиб, маданият инсондаги маънавий ибтидонинг ривожланиши усувлари ва воситаларини яратади, тамаддун эса уни ҳаётий воситалар билан таъминлайди, у амалий эҳтиёжларни қондиришга мўлжалланган бўлади. Маданият инсон қалбини фаровонлаштиради ва олий макомга етаклайди, тамаддун эса инсон тани учун қулайликни таъминлайди. Тамаддун ва маданият антиномияси жиддий назарий асосга эга, А.А.Брудний таъбири билан айтганда, у инсониятнинг икки қўлидир, шунинг учун чап қўл нима қилаётганини ўнг қўл билмаслиги – ўз-ўзини алдашдан бошқа нарса эмас. Ўнг қўл чап қўл нима қилаётганини билишни истамайди. Ўзини алдаш – инсоният учун типик холдир. Шу кадар типикки, инсоният яشاши учун зарур бўлган бир қанча шарт-шароитлар керакдек, улар турли шаклларда бўлиши зарурдек туюлади. Аслида эса барчаси маданиятнинг таркибий қисмлари бўлиб чиқади. Маданият ва тамаддунни фарқлаш масаласи қуидаги муаммоларни кўндаланг қўяди. Инсон ва инсоният қандай муносабатга киришади? - маданият ва жинсий танланиш орқали. Инсон ва жамият қандай муносабатга киришади? – тамаддун орқали. Лингвокультурология учун тамаддундан кўра маданият масаласи долзарбрск. Чунки тамаддун моддий, маданият эса номоддийдир. Лингвокультурология кўпроқ афсона, ривоят, маросим, расм-русл, одатлар, маданий рамзларни ва бошқаларни ўрганади. Бу тушунчалар маданият тегишли бўлиб, улар турмуши, расм-руслар кўринишларида ҳамда тилда мустахкамланади. Уларни тадқик этиш мазкур иш учун материал бўлиб хизмат қилди. Юкоридагиларга қисқача хулоса ясаймиз. О.Тоффлернинг қайд этишича, маданият ҳар куни кайтадан яратиш учун тош қотирилган

нарса эмас. Маданият жуда кўзга кўринмаса-да, шаклини ўзгартириб турадиган, тараккий этадиган ҳодиса. У икки кўринишида – моддий ва маънавий маданият кўринишида тараккий этар экан, иккита нарсани ҳосил килган: маданиятнинг ўзини ва тамаддунни. XX аср бошларидан маданиятга қадрият ва ғояларнинг мхусус тизими сифатида қараш бошланди. Маданият, бундай тушунилганда – инсон томонидан яратилган умумий қадриятлар йиғиндиси, инсоний муносабатларнинг предмет, ҳаракат, маъно юклатилган сўзларда акс этишидир. Қадриятлар йиғиндиси эканлиги – маданиятнинг муҳим томонидир. Қадриятлар, меъёрлар, намуналар ва идеаллар аксиология (қадриятлар ҳақидаги фан)нинг муҳим кисмлари дидир. Қадриятлар тизими маънавий маданиятнинг асосий устуни хисобланади. Қадрият жиҳатидан бирмунча “бӯёққа эга” тушунчалари: эътиқод, жаннат, дўзах, гуноҳ, виждон, конун, тартиб, баҳт, ватан ва бошқалар буни исботлаб турибди. Бироқ бундай бӯёққа оламнинг ҳар қандай кисми ҳам эга бўлиши мумкин, масалан, сахро, тоғлар – христианча фикрлашда шундай хусусиятг эга. “Культурологик детерминизм” тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра мамлакат маданият, миллат маданияти (агар давлат кўп миллатли бўлса) ва дин маданиятнинг муҳим кисмлари сифатида алал-оқибат давлатнинг иктисадий ўсишига олиб келади. Н.А. Бердяевнинг фикрича, рус кишисининг қалбида христианлик ва дунёнинг маъжусий-мифологик манзараси жамланган: “Рус кишиси типида икки элемент тўкнашади: бирламчи – табиий маъжусий, иккиласми – Византиядан ўзлаштирилган православлик, бошка оламга интиладиган аскетизм”<sup>8</sup>. Шу тарзда миллат менталитети умуман динга асосланади, бироқ тарих, иклим, умумий макон, тилнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам катта аҳамиятга эга. Машхур рус маданиятшуноси В.Н. Сагатовский рус ҳарактеридаги куйидаги кирраларга эътибор каратади: кутилмаган карорга келиш (асосий), маънавият (динга – олий максадни излашга интилиш), таъсирчанлик, куч тўплаш (у одатда

<sup>8</sup>Бердяев Н.А. Философия неравенства // Русское зарубежье. -М., 1991. - С. 8.

зайфлик, кузатувчанлик, нафас ростлаш истаги билан алмашыб туради), максимализм, енгил характерлилік (охир оқибатда бузгунчиликка олиб келади). Рус характеридаги үзаро зиддиятли хусусиятлар барча жабхаларда кузатиласы. А.К. Толстов рус қалбини күйидеги таърифлайды: Севса эс-хүшини йүкотгудек, таҳдид қылса ҳазил эмас, сұраса чин күнгилдан, зиёфат берса тоғни беради. Агар табиат факат материал жихатданигина үлчанса ёки турли моддий ҳолатларда деб қабул килинса, жамият ҳам бир үлчамлидир – иктисодий-хукукий мұносабатлар тизимиdir. Маданиятга эса бундай ёндашиб бўлмайди: у моддий ва маънавий, ташки ва ички, шахс маданияти ва миллий маданият каби турларга бўлинади. Яна бир үлчам тармоқларга бўлишдир: хукукий маданият, бадиий маданият, ахлокий маданият, муомала маданияти кабилар. Маданият жамият ва миллатнинг замон ва макон тизимларида рӯёбга чиқади ва фарқланади. Қадимги юон маданияти, Қадимги Миср маданияти каби. Ҳар кандай миллий маданият ҳам кўп қўпламлидир – дехкончилик маданияти, савдо маданияти, хизмат кўрсатиш маданияти, ўқитувчилик маданияти ва бошқалар. Шу тарзда маданият – мураккаб, кўпкіррали ҳодисадир. У алоқа аралашув, фаолият, қадрият ва рамзийлик табиатига эга. У ижтимоий ишлаб чиқаришда, ижтимоий таҳсимотда ва моддий қадриятлардан фойдаланишда инсоннинг ўринини белгилаб беради. У яхлит ҳодиса – үзига хос шаклга, умумий ғоя ва услугга, шу каби ўлим билан қурашиш вариантыларига, рухнинг моддият билан қураши услубларига эга. Мазкур кўлланмада қадимги славян маданияти материалларидан фойдаланилган бўлиб, мифологик маданиятдир, бирок у иззиз йўқолиб кетмаган. Таниб бўлмайдиган даражада шаклини ўзгартиради, тил метафоралари, иборалар, маколлар, маталлар, ҳал кўшикларида яшайди. Шу сабабли славян маданиятининг мифологик архетипи ҳакида сўз юритсан мақсадга мувофик.

Тилнинг ҳар бир янги аъзоси дунёни ўз тафаккури самараси, синовлар натижаси сиғатида эмас, аждодлари томонидан тилдаги тушунчаларга сингдирилган тажрибалар орқали кўради. Бу тажриба афсона ва

архетипларда сакланган бўлади; мазкур тажрибани ўзлаштирас эканмиз, биз уни ишлатишга ва бирмунча замонавийлаштиришга уринамиз холос. Аммо борлиқни англаш жараёнида янги тушунчалар ҳам пайдо бўлади. Улар тилга мансуб бўлиб, маданий бойлик ҳам хисобланади. Тил “ҳали тушунилмаган нарсаларни кашф этиш воситасидир” (Гумбольдт). Маълум бўладики, тил маданиятда мавжуд бўлган нарсани шунчаки номламайди ёки ифодаламайди, балки маданиятни шакллантиради, гўёки унинг ичидаги ўсиб, кейинчалик мустақил ривожланади. Тил ва маданиятнинг бу каби ўзаро боғлиқлиги айнан лингвокультурология ўрганади.

Назорат учун саволлар:

1. Маданият нима? Уни лингвистик томондан изохланг.
2. Маданият ва жамиятнинг боғлиқлигини тавсифланг.
3. Инсон ва маданият алокадорлигини тушунтиринг.
4. Маданиятни ўрганишда қандай ёндашувлар мухим ўрин тутади?
5. Тамаддун ва маданиятнинг фарқини тушунтиринг.
6. Инсон фаолияти ва маданият алокадорлигини тушунтиринг.

## **З-МАВЗУ: ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯ ТАРИХИ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

### **РЕЖА:**

1. Лингвокультурологиянинг вужудга келиши ва фан сифатида шаклланиши.
2. Лингвокультурологиянинг асосий йўналишлари.
3. Лингвокультурологиянинг долзарб масалалари.
4. Лингвокультурология мактаблари.
5. Ўзбек тилшунослигига лингвокультурологик тадқиқотлар.

**Таянч сўзлар:** лингвокультурология, маданият, тил, когнитив лингвистика, антропоцентрик парадигма, энантиосемия, детерминизм, нисбийлик назарияси.

Тилшунослик илми XXI асрда янада жадал суръатлар билан ривожланиб, фан олдига янги муаммоларни хал қилиш вазифасини кўймоқда. Ана шундай муаммолардан бири тил тизиммни антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида тадқик этишдир. Бугунги кунда антропоцентрик йўналишнинг юзага келиши тилшуносликда туб бурилиш сифатида баҳоланиб, бу борада кўплаб тадқиқотлар яратилди ва яратилмоқда. Дунё тилшунослигининг лингвопрагматика, лингвокультурология, когнитив тилшунослик, психолингвистика, этнолингвистика, нейролингвистика, прагмалингвистика каби йўналишларида шахс омили тадқимқот объектигининг мар-казини ташкил этади. Мазкур соҳаларнинг юзага келиши лисоний фаолиятни унинг соҳиби бўлган инсон билан узвийлиқда тадқик этиш харакатлари билан боғлиқдир.

Антропоцентрик парадигма "тилни қуруқ структура сифатида эмас, балки жонли мулокот ва коммуникацияга асосланган очик система сифатида

ўрганувчи, бошка системалар - жамият, инсон, маданият, рухият кабилар билан узвий алоқадорликда таҳлил этувчи, инсонни тил ичидаги ёки тилни инсон ичидаги таҳлил этишга йўналти-рилган қарашлар, ғоялар ва таълимотлар мажмудидир. Проф. Н.Махмудов таъкидлаганидек, "антропоцентризм тилшунослар томонидан факат тил тадқиқигагина нисбатланган тушунча ёки парадигма эмас, антропоцентризм бевосита тилнинг моҳиятига дахлдор ходисадир. ... антропоцентрик парадигмада инсон асосий ўринга чиқарилади, тил эса инсон шахсини таркиб топтирувчи бош унсур ҳисобланади.

Тилшуносликда эътироф этилганидек, антропоцентрик парадигма киёсий-тарихий ва систем-структур парадигмалардан кейинги учинчи парадигма ҳисобланади. Когнитив тилшунослик, социолингвистика, этнолингвистика, психолингвистика, нейролингвистика, прагматика ва лингвокультурология антропоцентрик парадигмага асосланган энг муҳим соҳалар ҳисобланади.

Антропоцентрик тилшуносликнинг етакчи йўналишларидан бири ҳисобланган лингвокультурология тилшунослик, маданиятшунослик, этнография, психолингвистика соҳалари ҳамкорлигида юзага келган, тилнинг маданият, этнос, миллий менталлик билан ўзаро алоқаси ва таъсирини антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида ўрганувчи соҳадир. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, мазкур соҳа XX асрнинг сўнгги чорагида шаклланди, "лингвокультурология" термини эса В.Н.Телия раҳбарлигидаги Москва фразеологик мактаби томонидан олиб борилган тадқиқотлар билан боғлиқ равишда пайдо бўлди. Лингвокультурологиянинг юзага келиши хақида гапирилганда, деярли барча тадқиқотчилар бу назариянинг илдизи В.фон Гумбольдтга бориб тақалишини таъкидлайдилар. Тилшуносликда бу соҳанинг шаклланишида А.А.Потебня, Л.Вайсербер, Х.Глинц, Х.Хольц, У.Д.Уитни, Д.У.Пауэлл, Ф.Боас, Э.Сепир, Б.Л.Уорф, Г.Брутян, А.Вежбицкая, Д.Хаймз каби тилшуносларнинг қарашлари муҳим роль ўйнаганлиги таъкидланади.

Лингвокультурология соҳасмда жиддий тадқикотлар яратган В.А.Маслова ушбу соҳанинг ривожини З босқичга ажратади:

1)фан шаклланишига туртки бўлган дастлабки тадқикотларнинг яратилиши (В.фон Гумбольдт, Э.Бенвенист, Л.Вайсгербер, А.А.Потебня, Э.Сепир каби тилшунослярнинг ишлари);

2)лингвокультурологиянинг алоҳида соҳа сифатида ажратилиши;

3)лингвокультурологиянинг ривожланиш босқичи.

Маданият, халқ тафаккури, унинг оламни идрок этишидаги ўзига хос жиҳатларнинг тилда акс этишини ўрганиш лингвокультурологиянинг асосий максадидир. Мазкур соҳанинг обьекти тил ва маданият, предмети эса ўзида маданий семантикани намоён этувчи тил бирликлари хисобланади. Бинобарин, лингвокультурологияда маданий ахборот ташувчи тил бирликлари тадқиқ этилади. Бундай тил бирликлари лингвомаданий бирликлар термини остида бирлашади. Рамз, мифологема, эталон, метафора, паремиологик бирликлар, лакуналар, стереотиплар, прецедент бирликлар, нуткий этикетлар энг асосий лингвомаданий бирликлар хисобланади. Оламнинг лисоний манзарасини, маданиятнинг асосий концептлари мажмуи бўлган концептосферани, лисоний онгни тавсифлаш ҳамда тил эгаларининг миллий-маданий менталлигини акс эттирувчи лисоний бирликларни, инсониятнинг қадимий тасаввурларига мувофиқ келувчи маданий архетипларни, нуткий мулокотга хос бўлган миллий ижтимоий-маданий стереотипларни аниқлаш лингвокультурологиянинг асосий вазифалари хисобланади<sup>2</sup>.

Тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири муаммоси этнолингвистика, этнопсихолингвистика, когитив тилшунослик, лингвомамлакатшунослик, лингвоконцептшунослик, лингвоперсонология каби соҳаларда ҳам ўрганилади. Шу сабабли ушбу соҳалар лингвокультурологияга яқин соҳалар хисобланади.

Хозирги вактда лингвокультурология дунё, хусусан, рус тилшунослигига энг ривожланган соҳалардан бири бўлиб, бу борада

салмоқли тадқиқотлар, бир қанча ўкув қўлланмалар яратилган. Мазкур соҳага омд ишларда тадқиқотчиларнинг оламнинг лисоний манзараси, лингвомаданий концептлар, прецедент бирликлар, интертекстуаллик, лисоний онг, барқарор бирликларнинг лингвомаданий хусусиятлари каби масалаларга катта эътибор қаратаётгандикларини кузатиш мумкин. Бундай тадқиқотларда тилнинг барча сатхлари бирликлари, хусусан, сўз ва матннинг тамоман янгича талқини ва тахлили устуворлик қиласи. Бунда лисоний бирликларнинг нафақат тил конуниятлари, балки жамият, инсон, маданият, рухият, миллий менталитет каби омиллар нуктаи назаридан хам тадқик этилиши тил илмида янги ғоялар, янги илмий карашлар ва тамойилларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Ўзбек тилшунослигига шу вақтга қадар тил ва маданият узвийлигига эътибор берилмаган, дейиш адолатдан эмас, албаттa. Ўзбек тилшунослик илмининг тамал тошини кўйган ва уни ривожлантиришга жиддий хисса кўшган олимларнинг ишларида бу муаммо хусусидаги фикрлар у ёки бу муносабат билан айтиб ўтилган. Лекин шуни тарькидлаш жоизки, тилшунослигимизда тилнинг лингвокультурологик тахлилини жиддий ва тизммий равмшда амалга ошириш ишларига эндиғина киришиляпти.

XXI асрнинг дастлабки йилларидан ўзбек тилшунослигига хам антропоцентрик тахлил кўринишларини намоён килувчи тадқиқотлар юзага кела бошлади. Бу ишлар, асосан, социолингвистика, когамтив тилшунослик, лингвистик прагматика ва психолингвистика соҳалари бўйича бажарилди. Мазкур тадқиқотлар, гарчи уларда антропоцентрик парадигмага муносабат билдирилмаган бўлса-да, ўзида ушбу парадигма тамойилларини акс эттирган дастлабки ишлар ҳмсобланади. Шунингдек, уларда тилимизнинг миллий характер, урф-одат, қадрият ва анъаналаримиз билан боғлиқ жихатлари ҳакида хам айрим фикрлар билдирилганки, уларни лингвокультурология назариясига оид карашларнинг илк намуналари сифатида баҳолаш мумкин. Жумладан, С.М.Мўминовнинг "Ўзбек мулокот хулкининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари" мавзусидаги докторлик диссертациясида

ўзбекларнинг ўзига хос мулокот хулки ижтимоий-лисоний нуқтаи назардан тадқик этилган.

Тадқикотдан мулокот хулкининг миллий характер билан алокадор жиҳатлари ҳакида, шунингдек, унинг инсон психологияси ва физиологияси билан боғликлиги хусусидаги қарашлар ҳам ўрин олганки, буни тил тизимига антропоцентрик ёндашув сифатида баҳолаш мумкин. С.М. Мўминов, жумладан, шундай ёзади: "МХ (мулодот хулки — Д.Х.) муаммосини миллий характер, миллат ахолисининг ўзига хос урф-одатлари, қадрият ва анъаналарини хисобга олмасдан туриб мутлақо ўрганиш мумкин эмас. Чунки МХ миллат характерининг узвий бир кисми бўлиб, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир".

Олим XX асрнинг 2-ярмидан ижтимоий фанларнинг ўзаро яқинлашганлиги натижасида социолингвистика, этнолингвистика, психолингвистика каби туташ фанлар юзага келганлигини таъкидлар экан, "инсон нуткини фанларнинг мана шу каби туташ нуқтасида тадқик этиш" фикрини илгари суради.

Проф. Ш.Сафаровнинг 2006 йилда нашр килинган "Когнитив тилшунослик" номли монографияси айни соҳага оид назарий қарашларнинг ўзбек тилшунослигига кириб келишида муҳим қадам бўлди. Китобнинг устувор жиҳатларидан бири шундаки, унда тил ва тафаккур муносабати миллий менталлик ва миллий маданият тушунчалари билан боғлиқ эканлигига алоҳида эътибор каратилган. Ш.Сафаров, жумладан, бу борада куйидаги фикрларни билдиради: "Тилнинг тафаккур билан алоқасини ҳозирча ҳеч ким инкор этган эмас (хатто бунга ҳаракат ҳам қилинган эмас). Бирок тил ва тафаккур алоқасини "тeng ҳуқуқли ҳамкорлик" даражада кўрмоқ керак. Аслида, тилга ҳам, тафаккурга ҳам таъсир ўтказадиган маданиятдир". Лимнинг икки йил аввал эълон килинган "Семантика" номли монографиясида лингвокультурология, хусусан, лингвомаданий концептга доир назарий қарашлар янада кенг талқин этилди. Монографиянинг "Концепт ва маъно" деб номланган 8- бобида муаллиф концепт хусусидаги

турли карашларни чукур тахлил этиб, уларга ўз муносабатини билдирган. Олимнинг "Концепт мундарижасида тил соҳибларининг дунёқараши ва бошқа турли миллий-маданий белгиларнинг акс топиши мукаррар" деган холосаси бутунги кун лингвоконцептшунослигига усгувор бўлган қарашлар билан ҳамоҳангдир.

М.Х.Ҳакимовнинг "Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини" мавзусидаги докторлик диссертациясида ўзбек тилшунослигига лингвистик прагматикага оид назарий масалалар биринчи марта монографик аспектда тадқиқ этилди. Мазкур тадқиқотда лингвистик прагматиканинг тарихий илдизлари, унинг умумназарий масалалари, ушбу йўналишнинг тилшуносликнинг бошқа йўналишлари билан муносабати ҳакида баҳс юритилган, матн семантик тузилишида катнашувчи прагматик мазмун турлари ўзбек тилидаги матнлар мисолида тадқиқ этилган. Диссертацияда гарчи лингвокультурология термини қўлланмаган бўлса-да, лингвистик прагматика назарияси тилнинг миллий ўзига хослигини кўрсатиб беришда муҳим роль ўйнаши алоҳида таъкидланади: "Миллатга бўлган ҳурматнинг асл намунаси сифатида тилимизга давлат тили мақомининг берилганлиги ўзбек тили ва унга хос миллий хусусиятларни ўрганишга дунё ҳалклари интилишининг қизикиши прагматика назариясига, унинг моҳиятига бўлган эҳтиёжни янада ортгирмоқда. Сабаби лингвистик прагматика назарияси, яъни нутқнинг амалий қўлланиши билан боғлиқ ҳодисалар талкини ўша тилга хос миллий ўзига хосликни англаш учун кулай имкониятлар яратади"

Шунингдек, З.И.Салиеванинг номзодлик иши ўзбек ва француз тилларидағи сентенция, яъни ахлоқий-таълимий характердаги матнларнинг миллий-маданий хусусиятларига бағищланган<sup>9</sup>. Р.С.Ибрагимованинг номзодлик диссертациясида эса *аёл* концептининг ўзбек ва француз тилларида ифодаланиш йўллари тадқиқ этилган<sup>10</sup>.

<sup>9</sup> Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально – культурная специфика сентенции в английском и узбекском языках. Автореф.дисс. .... канд.филол.наук. – Ташкент, 2010. – С. 25.

<sup>10</sup> Махмудов Н. Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012. № 5. – Б. 10.

Энг кейинги даврларда етакчи тилшуносларнинг лингвокультурологияга бевосита алокадор бўлган мақолалари эълон килинди, бу соҳага оид дастлабки ўкув-услубий кўлланмалар яратилди.

Проф. Н.Махмудовнинг "Ўхшатишлар - образли тафаккур маҳсули" номли мақоласи ўзбек тилидага турғун ўхшатишларнинг тил ва нутқка муносабати тайин этилганлиги, шунингдек, уларнинг "миллий образли тафаккур тарзини намоён этадиган бирликлар" сифатида таърифланиб, бу каби образли бирликларнинг лингвомаданий хусусиятларини ўрганиш муаммоси қўйилганлиги билан мухим аҳамият касб этади. Н.Махмудов бу борадаги фикрларини "Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли лугати"га ёзган сўзбошисида янада чукурлаштириди.

Олимнинг "Тилнинг мукаммал тадқики йўлларини излаб..." номли мақоласида эса лингвокультурология, умуман, антропоцентрик парадигманинг моҳияти ва бу борадаги муаммолар чуқур ва асосли ёритиб берилди.

Мақолада лингвокультурология назариясининг шаклланиши учун сабаб бўлган омиллар, ундаги асосий тушунчалар, уларнинг талқинидаги ҳар хилликлар ҳақида жуда асосли мулоҳазалар айтилган. Хусусан, Н.Махмудов айни соҳанинг энг асосий тушунчаларидан бўлган тил ва маданият ҳақида қўйидагиларни ёzádi: "Тил ва маданият деганда, кўпинча, "нутқ маданияти" дейиладиган муаммо ассоциатив холда эсга тушса-да, бу икки ўриндаги маданиятнинг айнанлигини асло кўрсатмайди. Тил ва маданият деганда, одатда, (тўғриси ҳам шу) тил орқали у ёки бу маданиятни ёки аксинча, маданиятни ўрганиш орқали у ёки бу тилни тушунириш назарда тутилади, аникрок айтадиган бўлсак, лингвокультурологиядаги маданиятнинг маъноси "аклий-маънавий ёки хўжалик фаолиятида эришилган даража, савия (нутқ маданияти)" эмас, балки "кишилик жамиятининг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий-маърифий хаётида кўлга киритган ютуклари мажмуи (маданият тарихи, ўзбек маданияти)" демакдир. Шундай бўлгач, нутқ маданиятининг

ўрганиш муаммолари бошка, лингвокультурологиянинг ўрганиш объекти тамоман бошқадир"<sup>1</sup>.

Проф. Э.Бегматов 2013 йилда эълон қилган маколасида ўз эътиборини "антропонимик бирликларда антропоцентрик усул учун материал берадиган хусусиятлар"ни ишлаб чиради. Олимнинг таъкидига кўра, антропонимларнинг инсон хохиши ва фаолияти билан боғлик эканлиги, уларда инсоннинг эҳтиёжи ва ижоди намоён бўлиши, инсон номида қадимий давр кишиларининг маданий-маънавий ва этник қарашлари ўз ифодасини топ ганлиги, умуман, исмлар халқнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий-маший турмуши билан боғлик эканлиги уларни антропоцентрик парадигма асосида ўрганиш учун асос бўла олади.

Проф. А.Нурмонов эса ўз маколасида лингвистик нисбийлик ва лингвистик детерминизм назариялари ҳақидаги мулоҳазаларини баён этар экан, тил ва маданият алоқасига оид муносабатини ҳам билдириб ўтади. Олим лингвистик нисбийлик назарияси асосчилари Б.Уорф ва Э.Сепирнинг тил ва тафаккурнинг маданият шакли эканлиги ҳақидаги фикрларини эътироф этиш билан бирга тиллар ўртасида умумий томонлар ҳам бор эканлигини таъкидлаб, шундай ёзади: "Ҳар бир тилда халқнинг руҳи, миллӣй маданияти, ўзига хос дунёни кўриш, идрок этиш тарзи намоён бўлиш билан бирга, тиллар ўртасида образ яратишдаги шундай умумий жиҳатлар борки, булар умуминсоний тафаккур маҳсули сифатида юзага чиқади".

Проф. А.Нурмоновнинг фикрига кўра, тил ва маданият ўртасида алоқани тадқиқ этган олимлар З та гурухга бўлинади: "Биринчи йўналиш В.Гумбольдт, Э.Сепир ва Б.Уорф номлари билан боғлик бўлиб, улар тил ва тафаккур, тил ва маданият муносабатида тилни белгиловчи куч деб хисоблайдилар". Олим бу қарашни бирёклама деб хисоблайди. Жумладан, у шундай деб ёзади: "... номинацияга асос бўлган образ марказини идрок қилишда турили типдаги тилларда ўзига хос умумий жиҳатлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бу ҳам лингвистик нисбийлик назариясининг оламни идрок

қилишда тилнинг роли устувор эканлиги ҳақидаги хуносаси бирёклама эканлигидан далолат беради".

А.Нурмоновнинг фикрича, тил ва маданият муносабати ҳақидаги иккинчи нуктаи назарда бу икки ҳодиса ўртасидаги алоқа тамоман инкор этилади. Олимнинг қарашига кўра, ушбу масала ҳақидаги учинчи нуктаи назарда юкоридаги икки қарама-қарши фикрлар ўзаро синтезланади. Жумладан: "... тил ва маданият ўзаро бөглиқ ва айни пайтда фарқли ҳодисалардир. Тил ва маданият муносабатида тилнинг роли катта. Ҳар бир ҳалқнинг ўзига хос этномаданияти унинг тили орқали ифодаланади. Лекин объектив борликда ана шу этномаданият мавжудлиги учун у тилда ўз ифодасини топади. Демак, тил ва маданият муносабатида ҳам *объектив борлик- онг - тил* муносабати амал килади".

Шунингдек, тильтуносолима Д.Худойберганова бу борада ўзининг "Матннинг антропоцентрик тадқики" монографиясини яратди<sup>11</sup>. У ўзбек тилидаги матнларнинг лингвокультурологик хусусиятларини ўрганишни очиб берди. Унда прецедент бирликлар ва лингвомаданий бирликларнинг матн яратилишидаги ўрни, ўхшатиш мазмунли матнлар, метафораларнинг матн яратилишидаги ўрни, жонлантириш асосида матнларнинг лингвокультурологик хусусиятларига алоҳида эътибор берилди.

Ёш тадқиқотчи Ё. Одилов ўзбек тилидаги энантиосемик сўзларга багишланган тадқиқотида ўз эътиборини фразеологизмларнинг миллий-маданий хусусиятларига қаратиб, қуйидаги фикрларни баён этади: "Албатта, тилдаги ҳар қандай бирлик у ёки бу даражада миллий-маданий ўзига хосликларни намоён этади. Аммо шундайтил бирликлари борки, улар миллий-маданий инжаликларнинг бенихоя бетакор тимсолидир. Шу маънода фразеологизмлар миллат менталитети, маданияти, турмуш тарзи ҳамда узок йидлик кузатувларининг қабарик ифодасидир.»

<sup>11</sup>Xudayberganova D. Matnning antroposentrik tadqiqi. Monografiya. - Toshkent: Fan., 2013.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда лингвокультурология бўйича ўқув-услубий кўлланмалар яратиш ишлари амалга оширилди. Усмонова Ш.нинг "Лингвокультурология фанидан маъruzalар курси" номли китоби ўзбек тилида мазкур соҳа бўйича яратилган дастлабки ўкув адабиёти хисобланади. Унда ушбу соҳанинг мақсади ва вазифалари, ўрганиш обьекти ҳамда предмети, унга ёндош фанлар хусусида маълумот берилган, лингвокультурологиянинг энг асосий тушунчалари ёритиб берилиб, соҳага доир асосий илмий асарлар билан таништирилган. Бугунги кунда бу каби кўлланмаларнинг ғоят катта амалий аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиз.

Хулоса ўрнида айтиш жомзки, она тилимизнинг мукаммал талқинини яратишда юқоридаги каби лингвокультурологик таҳлил тамойилларини янада кенгайтириш, улардан самарали фойдаланиш бугунги ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларидан бири хисобланади. Зеро, тил ва маданият ижтимоим аҳамиятга эга бўлган ахборотни саклаш, авлоддан авлодга узатиш, маданиятлараро мулокотни юзага келтириш ва уни ривожлантириш хусусиятига эга бўлган ноёб ходисадир. Бунда у ҳам маданият маҳсули, ҳам унинг мавжудлигининг асосий шарти сифатида маданият киёфасини белгиловчи, ворисийлигини таъминловчи омил вазифасини бажаради. Шу боисдан ҳам ўзбек тили тизими дунё тилшуносликларида етакчи парадигмалардан бири хисобланган антропоцентризм асосида тадқик этилиши лозим. Бу ўзбек тилшунослиги ривожини янада юқори погонага кўтариши билан бирга тилимизнинг жамият, маданият, миллий менталитет ва рухият билан узвийлигини кўрсатишига хизмат қиласи.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Лингвокультурология қандай соҳа?
2. Антропоцентрик парадигма нима?
3. Тил ва маданиятнинг муносабатини тушунтиринг.
4. Ўзбек лингвокультурологияси ривожи ҳақида сўзланг.

## **4-МАВЗУ: ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯНИНГ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ, ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

### **РЕЖА:**

1. Лингвокультурологиянинг тадқиқот обьекти ва предмети.
2. Муқобилсиз лексика ва лакуналар.
3. Тилнинг паремиологик фонди.
4. Тилнинг фразеологик фонди.
5. Лингвомаданий бирликлар.

**Таянч сўзлар:** муқобилсиз лексика, лакуна, мифологиялаштирилган тил бирликлари, паремиологик фонд, фразеологик фонд, ўхшатиш, стереотип, рамзлар, нутқ этикети, концепт.

Замонавий лингвокультурологиянинг предмети турли кодлар – тил ва маданиятнинг ҳамкорлиги натижасида шаклланадиган лисоний белгилардир. Ҳар бир тил шахси айни холатда маданий шахс ҳам ҳисобланади. Шунинг учун тил белгилари маданиятнинг «тили» ҳам ҳисобланади ват ил эгасининг миллий-маданий ўзлигини ҳам кўрсатиб беради. Шу асосда ўринда барча грамматик қоидаларга бўйсунган тақдирда ҳам айрим «маданий тўсиклар» бўлиши мумкинлигини айтиб ўтиш даркор. А.Вежбицкой немис оркестрига дирижёрлик килиш учун чакирилган бир инглиз дирижёри ҳакида куйидаги воқеани келтиради: Бошида иш яхши юришмайди. Дирижёр бунинг сабаби инглиз тилида гапирганлиги ва немислар уни «ўзиники» сифатида қабул килмаётганидан деб ўйлади ва немис тилини ўрганишга интилади. Биринчи бўлиб устозидан қуйидаги гапни немисчага таржима килиб беришни сўрайди: «Эшитинглар, менимча, мана бундок килиб чалган яхшироқ». Таржимон ўйланиб қолади: «Аслида таржима килса бўлади. Бироқ «мана бундай чалиш керак» деб кўя қолиш маъқулрок».

Бундан чиқадиган хулоса шуки, маданий түсік нутқ маданияти нормаларига билан ҳам boglik.

Биз доимо маданият ҳакида бир нарсаны билиш учун тил материалдарини жалб қиласыз. Худди шунингдек, тил фактларини таҳлил килиш учун маданий реалияларга мурожаат қиласыз. Хориж тильтунослигига маданий аргументациянинг ўрни ва салмоги ұзгарды, айникса когнитив семантикада. Тил бирлигини маданий контекстде таҳлил килиш тильтунослик олдига бир қатор янги муаммоларни қўйди. Лингвокультурология алоҳида билимлар тармоғи сифатида үзига хос вазифаларни бажариши керак, айникса, қуйидаги масалаларга эътибор бериши керак:

1) тил концептлари ташкил топишида маданиятнинг ўрни қандай?

2) тил бирлиги мазмунининг қайси кисмiga «маданий маъно» бириккан бўлади?

3) сўзловчи ёки тингловчи бу маъноларни англаган ҳолда кўллайдиларми ва булар нутқ стратегиясига қандай таъсир килади?

4) амалда тил эгасининг маданий-лисоний компетенцияси мавжудми?

Унда матнга сингдирилган ватил эгалари томонидан англаңган бўлиши керак. Маданий-лисоний компетенциянинг вактинчалик ишчи таърифини ишлаб чиқамиз: у тил шахсининг нутқ ҳосил килиш ва нутқ ижро килишнинг табиий кўнникмаларига эга бўлиши бўлиб, айникса, маданият қоидаларини билиш мухимдир. Буни исботлаш учун тил бирликларнинг таҳлил килишнинг янги технологиялар керак;

5) уларнинг концептосфераси канака, маданиятнинг ифодаланиш ҳолатлари-чи? Бир маданият соҳиби ва кўп маданият соҳиблари томонидан ифодаланиши-чи?

6) бу фаннинг асосий тушунчаларини қандай тартиблаш лозим? Бу тартиб тил ва маданиятнинг харакатдаги муаммоларини таҳлил килиш билан бирга, мазкур парадигма – антропоцентрик ёки антропологик парадигмадан ташқарида ҳам тушунарли бўлиши лозим;

Бу рўйхатни тўлик деб хисоблаш мумкин эмас. Уларнинг ҳал қилиниш ўз-ӯзидан янги муаммоларни келтириб чиқаради. Мазкур юкори даражали ёки умумэпистемологик вазифаларни Р.М. Фрумкина барча фанлар учун тегиши деб хисоблайди.

Бу муаммоларни ҳал қилишда қўшимча қийинчилик тугдирувчи яна бир хусусият назардан четда колмаслиги керак: тил бирликларининг маданий ахбороти имплицит характерда бўлиб, тил белгилари ортида яширган бўлади.

Буларни идиомалар, иборалар, маталлар мисолида ҳам кузатсак бўлади.

В.Н.Телия тил бирликларининг миллий-маданий белгиларини табдил қилишнинг ўзига хос усулини таклиф килади. Яъни уни тилнинг «ичидан» ички кузатувчи тариқасида таҳлил этиш керак. Масалан, коллокация (ажралмас бирикмалар)ни лингвокультурологик аспектда табдил қилиш модаллик, шунингдек, психологик омиллар билан боғлик бўлади.

В.Н.Телия таклиф килган ушбу усулдан ташкари тил фактларини ташкаридан туриб ҳам таҳлил қилиш талаб қилинади.

Хозирги кунда лингвокультурологияни четлаб ўтган холда тилшуносликда бирор ишни амалга ошириш қийин. Уни рад қилиш илмий жамият этосига мос келмайди.

Лингвокультурологик тадқикотнинг обьекти ва предметини тушунтиришга ҳаракат киламиз. Барча ижтимоий фанларнинг умумий обьекти инсон хисобланади. Бироқ ҳар бир фаннинг алоҳида предмети бор – инсон ва унинг фаолиятига тегишли бирор жиҳатдир.

Лингвокультурологик тадқикотнинг обьекти маданий ахборотнинг таржимони бўлган тилнинг ўзаро алокаларини ўрганишdir. Бу обьект бир канча фундаментал фан – тилшунослик ва маданиятшунослик, этнография ва психолингвистиканинг туташган нуктасида пайдо бўлган.

Тадқикот предмети эса тил бирликларидir. Бу бирликлар маданиятда символик, этalonлик, рамзий-метафорик ахамиятга эга бўлиб, инсон

тафаккури фаолияти натижасида юзага келган. Шунингдек, архетипик ва прототипик мазмунга эга бўлиб, миф, афсона, расм-руsum, фольклор ва диний матнлар, яна шеърий ва насрий бадиий матнларда, иборалар, метафоралар, рамзлар ва паремияларда учрайди.

Шу туфайли ҳам айнан бир лингвокультурологик бирликнинг ўзи бир неча семиотик тизимга мансуб бўлади. Расм-руsum стереотипи мatalга ўтиб, кейинчалик иборага айланади.

Баъзан биргина лингвокультурологик бирлик миф, мatal ва иборалар таркибиغا сингиб кетган бўлади: бўри қадимги халқлар тасавvuрида қарокчи, котил, каллакесар сифатида гавдаланади. Туркий халқларда эса унинг бўйсунмаслик, эркинликка иштиёки масаласи биринчи ўринга кўтарилиган. Масалан, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготит турқ» асарида Афросиёбнинг ўлимидан қайғуриб йиғлаётган беклар «бўри бўлиб улидилар» дейилса, «Кул тигин» битигтошида “кўшиним бўри каби эди”, - дейилади. Юсуф Хос Ҳожибининг «Кутадгу билиг» асари 31-бобида бекнинг мардлиги бўрига ўҳшатилади. Халқ тилида эса «маҳалланинг бўриси» каби метафоралар ишлатилади. Маколларда «Бўрининг еса ҳам оғзи кон, емаса ҳам» каби тарздаги карама-карши фикрлар ҳам учрайди.

Тадқиқот обьекти тушунчаси остида ҳар бири алоҳида лингвокультурологик бирлик бўлган бир неча предмет ётади. Биз булардан бир нечтасини ажратиб кўрсатамиз, бироқ уларнинг микдорини янада кўпайтириш мумкин. Улар:

- 1) лингвоўлкашуносликнинг предмети мукобилсиз сўзлар ва лакуналардир, шунингдек, улар лингвокультурологиянинг ҳам предметидир;
- 2) мификлашган тил бирликлари: архетиплар, мифологемлар, маросимлар ва иончлар, расм-руsum ҳамда одатлар, улар тил бирликлари таркибига яхлитланган бўлади;
- 3) тилнинг паремиологик фонди;
- 4) тилнинг фразеологик фонди;
- 5) эталонлар, стереотиплар, рамзлар;

- 6) тилдаги метафоралар ва тимсоллар;
- 7) тилнинг услубий имкониятлари;
- 8) нутқ маданияти;
- 9) нутқ одоби соҳаси.

Кўрсатилган бирликлар гетероген йигинди бўлса-да, улар нисбатан «маданият ташувчиси» эканлиги туфайли тадқикот объектига айланади.

Энди ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз:

1. Лингвокультурологиянинг тадқиқот предмети сифатида лингвоўлкашунослик предмети бўлган муқобилсиз сўз ва иборалар олиниши керак, жумладан: шчи, каша, палов, учқўргонда кўрмоқ каби.

Ўлкашунослик нуқтаи назаридан фарқланиб турувчи манбаларга, масалан, рус классикларининг машхур сўzlари (қанотли сўzlар): футлярдаги одам, оталар ва болалар каби; чақириклар ва сиёсий хитоблар: тарих локомотиви, ҳосил учун кураш, эстафетани топширмоқ кабилар ҳам киради. Булар маҳсус миллӣ иборалар ҳисобланади. Бироқ иборалар ҳамда метафораларда миллӣ бўёқнинг мавжудлиги миллӣ рухиятни акс эттирувчи маданий бўёқ мавжуд дегани эмас.

Муқобилсиз лисоний бирликлар (Е.М.Верещагин ва В.Г.Костомаров фикрига кўра, 1980) муайян маданий ҳодиса учун ўзига хос белги бўлиб, улар тилнинг кумулятив (тил эгаси тажрибасини мустахкамловчи, йигувчи) функцияси натижасидир. Унга сўзлашувчилар онгидага мавжуд бўлган остилиmlар хазинаси сифатида қарашиб мумкин.

Тиллар ўртасидаги фарқлар маданиятлар ўртасидаги ноўхашликлар билан алоқадор. Мазкур ҳолат асосан луғавий бирликлар ва фразеологизмларда якколроқ намоён бўлади, зоро номловчи бирликлар нолисоний вазиятлар билан чамбарчас боғлик.

Номинатив бирликларнинг миллӣ-маданий ўзига хослиги факат номуқобиллик эмас, лакуналар (муайян тилда бошқа тилларда мавжуд тушунчаларни ифодалай оладиган сўз ва ифоданинг йўқлиги)да ҳам намоён

бўлади. Ю.А.Сорокин ва И.Ю.Марковина лакуналарни тилнинг семантик харитасидаги оқ доғлар деб атайди.

Шунингдек, реалиянинг ўзи хам миллийлик касб этади, уни атовчи сўз хам миллий-маданий қисмчаларга эга. Биз лингвокультурология предмети сифатида тил бирликларининг иложи борича кенг доирасини камраб оламиз. Оламни миллий маданий «ўзлаштириш» она тили воситасида юз беради. Биз олам хакида тилнинг концептуал тармоғидан фойдаланган ҳолда унинг бирликлари ёрдамида тафаккур киламиз. Бошқачасига айтганда, биз тил томонидан тавсифланган доирадан чика олмаймиз (В.Гумбольдт). Шу туфайли, турли миллиатлар концепт ҳосил килувчи турлича воситалардан фойдаланган ҳолда, оламнинг миллий маданиятни акс эттирувчи турлича манзарасини шакллантирадилар. (Л.Вейбергер)

Шуни хам таъкидлаш жоизки тилдаги барча фарқлар хам лингвокультурология томонидан ўрганилавермайди. Чунки барча фарқлар ҳам маданий шартланган сабаб ва оқибатларга эга эмас. Бу фикрлар А.Вежбицкйнинг тадқиқотлари учун асос бўлиб хизмат килган. Шунинг учун тил бирликлари маданий стереотип вазифасини бажарган ҳолат ва маданий предметни номлаган ҳолатни фарқлашимиз лозим. Бу икки ҳолат хам тилда маданият акс этишининг алоҳида икки жиҳати сифатида лингвокультурология предмети бўла олади. Бироқ иккинчи ҳолат асосан лингвоўлкашунослик томонидан ўрганилади.

**2. Лингвокультурологиянинг предмети деганда мифлашган тил бирликлари: тилдаги архетиплар ва мифологемлар, маросим ва инончлар, расм-русум ва одатларни хам тушунамиз.**

Хар бир фразеологизмда мифнинг тўлиқ ўзи эмас, мифологемлар акс этган бўлади. **Мифологема** миф учун муҳим бўлган персонаж ёки ситуация бўлиб, мифнинг «бош қаҳрамони» сифатида мифдан мифларга кўчиб юради. Мифнинг асосида эса архетип ётади. Архетип – индивидуал онгда исталган ўринда юзага چқадиган ва маданиятга кенг ёйилган барқарор образдир. (С.Сендерович) Архетип тушунчаси дастлаб 1919 йилда К.Г.Юнгнинг

«Инстинкт ва муроҳазасиз» мақоласида киритилган. К.Юнгнинг фикрича, барча одамлар муайян умумий рамзлар – архетипларни онг ости ҳолатида ҳосил қилиш қобилияти билан туғилган. Бу рамзлар туш, миф, эртак, афсона кабиларда намоён бўлади. К.Юнг архетипларда «жамоавий муроҳазасиз ҳолда ифодаланувчи бирлик» ифодаланишини таъкидлайди. Бу бирлик шахсий тажриба натижасида эмас, инсонга аждодлар оркали мерос бўлиб ўтган бўлади. Архетип – инсон руҳида «гул каби» ўсуви «психик тана аъзоси». Замонавий фаннинг тасдиқлашича, архетип – бу муроҳазасиз мавжудликнинг жуда ҳам чукур даражасидир.

К.Юнгнинг генетик назарияси доирасида архетип ва мифология ўртасидаги мустаҳкам алоқа аникланади: мифология – архетиплар омборидир. Шу тариқа бир куни архетип билан номланган тимсол жамоавийлик касб этади ва муайян ҳалқ ва давр учун умумий ҳодисага айланади. Одатда наисбатан муҳим мифологик мотивлар барча даврлар ва ҳалқларга тегишли бўлади. Инсон архетиплар оламига қай даражада асир эканлигини тасаввур ҳам қила олмайди.

Масалан, нон компонентли фразеологизмларни олайлик – *нон топмоқ, бирорнинг нонини емоқ, нонини тужа қилмоқ, нонини яримта қилмоқ* кабиларда нон архетипи ҳаёт, турмуш тарзи, фаолият тури, фаровонлик предмети ва тимсоли макомига эга. Ноннинг ўз пешона тери, ўз кўл меҳнати оркали топилиши мухимлиги кўриниб турибди. Акс ҳолда бундай салбий хусусият жамиятнинг тазиқига учрайди. Бу ҳукмнинг остида ўзбек ҳалқига ҳос бўлган миллий, диний, маънавий тамойиллар ётади. Нон шакли юмалоқлиги унинг куёш тимсолига боғликлигига, шунингдек, меҳмондўстлик, дастурхон атрофидаги инсонлар учун бир хил эътибор берилишига ҳам ишора қиласи.

Қадимдан ўзбек ҳалқида «бирорнинг нони тешиб чикиши», нон еб «нонкўрлик» қилиш эса кечирилмас хиёнат эканлиги таъкидланади. Нонни увол қилмаслик, ушогини ҳам териб олиш, бешикка чақалоқ бошига нон кўйиш, кечаси якка кетаётган одамнинг ҳамроҳ сифатида нон олиши, сафарга

кетаётган одамга нон тишлатиши каби одат ва маросимлар ҳам юқоридаги фактларни мустаҳкамлайди. «Авесто»да ҳам буғдойнинг сепилиши, униб чикиши, ҳосил бериши, нон қилиниши девлар учун ҳалокат деб таърифланади. Бунда очлик, дангасалик, касаллик каби иллатлар дев сифатида, буғдой ва нон уларга қарши восита маъносида қўлланган.

Рус ҳалқида ҳам янги туғилган чақалоқни кўз тегмаслиги учун нон бўлаги устига кўйиш, меҳмонларни нон ва туз билан кутиб олиш, нонни куёшга курбонлик сифатида, ноннинг ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш кучига ишониш кўзга кўринади. «Нон-туз ёмонликка йўл кўймайди» мақолининг мантикий давомида кабр бошига ҳам кирк кун мобайнида нон-туз кўйиб кетадилар. «Нонимизни еган одам бизга ёмон кўз билан қарамайди, бизга қариндошга айланади» дейилганида ҳам ноннинг илохий кучига ишонч кузатилади.

Украинлар эса уй қуришдан олдин тўрут бурчагига буғдой сепиб қўйишган. Агар буғдой бузилмай яхши сакланса, уйни шу жойга қуришган.

**Маросим.** А.Н.Веселовский ўзининг «Тарихий поэтика» асарида маросимларнинг маданият ривожидаги эътироф этади, расм-русум ва мифлар ўртасида алоқадорликка эътибор бермайди. Замонавий фанда миф ҳамда расм-русумларнинг семантик жиҳатдан бирлиги, уларнинг бир ҳодисанинг назарий ва амалий томонлари эканлиги ҳакидаги нуктаи назар кенг қулоч ёзган. Исталган харакат узвийликни йўқотса маросимга айланиши ва семиотик белгига айланиши мумкин. Маросимлар мифлар ҳамда расм-русумлар билан алоқадор К.Леви-Строс, Е.М.Мелетинский каби олимларнинг фикрича, мифлар расм-русум ва маросимлардан келиб чиккан. Маросим расм-русумдан фарқли равишда муракаб тузилишга эга, вакт нуктаи назаридан бир қанча босқичлардан иборат. У маҳсус қўшиклар, харакатлар, фоллар билан ўтказилади. Миф маросимларнинг келиб чикишини далиллаб бериши мумкин.

Амалда ҳар қандай маросим ижодни намойиш қиласи ва рамзийлаштиради. Маросимлар муайян анъана асосида дунё тартиби

тамойилларини намоён қиласы. Маросим күп асрлик шартли-рамзий ҳамда мукаддас анъана ҳам хисобланади. У одатларга асосланади, инсонларнинг табиятга ва бир-бирига баркарор муносабатини ифодалайди; қадим замонларда ҳам маросимлар инсонларга ўзаро муносабатда бўлиш, ижтимоий тажрибаларни улашиш ва тарқатиш имконини берган, яшаш тарзини уйғунлаштириб турган, инсон шу жамоанинг аъзоси эканлигини эслатиб туради. Маросимлар туғилиш, никоҳ, ўлим, шунингдек, бешиккертни, ҳудойи кабиларни ўз ичига олади.

**Расм-русум** – маҳсус тартиб, анъанавий усууллар асосида муайян вақтда амалга ошириладиган харакатлар тизими бўлиб, инсон ҳайтини белгилаб берувчи жамоавий хотира механизмидир.

К.Лоренцнинг тасдиқлашича, расм-русумлар катта жамоага бириккан ҳайвонларда пайдо бўлиб, инсонларда табиий йўл билан юзага келган. Бу билан олим ҳайвонлар ва инсонларда расм-русумларнинг келиб чиқиши манбаси битта эканлигини таъкидлайди. К.Лоренц расм-русумларнинг учта асосий функциясини фарклайди: 1) зўравонликни йўқотиш; 2) «ўзиники» бўлган доирани белгилаб олиш; 3) «бегоналар»дан узоклашиш. Ҳатто тилнинг ўзи расм-русумлардан келиб чиқсан деган гипотеза ҳам мавжуд.

В.Тернернинг фикрича, расм-русумлар – умумий меъёрлар ва ҳалқ қадриятларини кўллаб-куватлашнинг муҳим воситасидир. Зоро, расм-русумларнинг мураккаб тизими рамзлар, таъсиrlаниш ва тасаввур билан боғлиқ. Улар эса инсон психикасининг етакчи туйғулариidir. Шу тарика исталган харакат узвийлигинини йўқотиб, семиотик белги бўла олса расм-русумга айланади.

В.Тернер ёзади: «Расм-русумлар ва рамзлар тизими шунчаки эпифеноменлар ёки чукур ижтимоий ва руҳий жараёнлар эмас, улар инсоннинг умумий ахволига маълум даражада даҳлдор бўлган онтологик қадриятларни ифодалайди. Расм-русумлар шаклларини ва рамзий харакатлар сирини кашф қилиш, эҳтимол, маданий ўсишимиз учун фойдалидир». Расм-русумлар инсоният тархи ибтидосида инсонлар маданиятининг новербал

матни бўлган. Расм-русумлар ҳакидаги билимларнинг ўзи эса шахснин маданий ва ижтимоий мавқенини аниклаб берган. Ўзликни англаш бу даврларда кучсиз ҳолда ривожланган ва деярли тўлиқ ҳолда жамоага маңбаатига сингдириб юборилган.

Расм-русумларни мифларни ифодаловчи театрлаштирилган ҳаракат сифатида, инсон хаёт фаолиятининг барча формаларига киритилган миф сифатида баҳоламаслик керак. Мифнинг оғзаки тарзда узатилиши ҳам расм-русумлардаги ҳаркатлар сингари жамоа аъзолари дунёқарашлари муштараклигини таъминлайди, ўзиники ва бегона нарсаларни фарклайди. Расм-русумлар асосида юзага келган инсон тили белгилари семантикаси прототипик вазиятларни акс эттиши керак.

Расм-русумлар инсонларни табиат кучлари, жонлантирилган мифик буюмлар билан, яратувчи билан боғлаб туради; қадими расм-русумлар эса ўзига хос ёмон кучлардан ҳимояланиш маросимидир. Масалан, бунга кўз тегишини олишимиз мумкин. Кўз тегишидан асраниш учун кўзга кўринавермаслик ёки кўзга қарамаслик каби чоралар кўрилади. Ёмон кўз дунёнинг архетипик модели таркибига киради. У бошқа параллел оламга олиб борувчи эшик каби баҳоланади.

Кулги ҳам икки хил баҳоланади: эртакларда, мифларда каҳ-каҳ отиб кулиш девлар, ялмогизлар, ёмон феълли парилар («Гулиқаҳкаҳ»)га хос сифат тарзида, сукут, овозисиз табассум эса пайғамбарлар, фаришталар, авлиёларнинг белгиси тарзида намоён бўлади. Рус эртакларидаги Ялмогиз кулбасида кулиш табуси, юон миф ва афсоналаридаги хурсандчилик ороллари, сув парилари, Ҳанс Кристиан Андерсенning «Қор маликаси» эртагидаги сехргар аёл боғи кабилар кулги салбий ҳаракат сифатида баҳоланишини билдиради. Бундан куйидаги хулосани ясашиб мумкин: каерда кулиб бўлмайди? – жавоб: ўликлар оламида. Фарб ҳалклари мифологиясида жонсиз ёвуз рухлар ўзларини жонли кўрсатиш, инсонларни ҳалок қилиш учун ўзларини жонли кўрсатиб кулишлари ва адаштиришлари ҳакидаги иончлар кенг тарқалган. Сардиния оролларидаги қадимги ҳалкларда

кексаларни ўлдириш маросими бўлиб, бу маросим вактида кулиш расми бўлган. Мазкур одат сардон кулгиси (ажал қаҳкаҳаси) деган қанотли сўзнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Гомер кулгиси ибораси ҳам салбий бўёқка эга бўлиб, Олимп тоғларидаги илохларнинг базм вақтидаги кулгиси – момақалдиrok маъносини билдирган. Ислом дини манбаларидан бўлган ҳадиси шарифларда ҳам каттиқ кулги қалбни халок қилиши, овоз чикариб эснаганда эса Шайтон қах-қах отиб кулиши ҳакида фикрлар келтирилади. Доимий табассум орқали кишиларга яхши кайфият улашиш, ёлғон аралаштиrmай чиройли ҳазил килиш мақталади. Турли маъракаларда, ибодат вактида, дуо ўқилаётганида кулиш, бесабаб кулиш қаттиқ қораланиши ҳам шу жумлага киритилиди. Ўзбек ҳалқ шоири F.Фуломнинг «Сен етим эмассан» шеърида ҳам «Бу ерда музлаган аждар ҳалқумли... тўпларнинг қаҳқаҳаси йўқ» деганда қаттиқ кулги салбий бўёқ билан берилади.

А.А.Потебня кулгининг ижобий жихатларини ҳам топади. Украин алки эътиқодича, кора карға болаларни нариги дунёга ўғирлаб кетишга харакат қиласи ва она агар боласини кулдира олса, бола онаси билан қолади. Бунда она ва бола кулгиси масалси юзага чиқади. Эртакчи Ж.Родарининг «Қутбдаги гунафша» эртагида болаларнинг шўх-шодон кулгиси хаётнинг давомийлиги, ғам-кулфатнинг акси сифатида гавдаланади. Фарғона водийсида ҳам кулгисиз уй мозорга ўхшатилади. Жумладан, ҳажвчи Сайд Анвар асқиячи Охунжон кизиқ билан боғлик куйидаги воеани келтиради: *Бир куни Охунжон қизиқнинг чойхонадаги улфатлари қизиқчининг бирорта гапига кулмасликка, уни мот қилишига келишиб олишади. Шундай қилишади ҳам. Шунда Охунжон қизиқ фотиҳа қилиб, ошдан туриб кетади. – Йўл бўлсин – дейшиса, - Дунёга келиб, ҳечам ўліклар даврасида суҳбат қурмагандим – дейди қизиқчи.*

**Қайтариқлар.** Т.В.Цивъян сўз орқали келтириладиган заарар – дуоибадни қайтариш учун бошка сўз – қайтариқ келтириш кераклигини айтади. Бунда юрак тубидан сўзнинг кудратига инонч ётади. Қайтариқ ва қарғишлар хар бир ҳалқнинг мифологияси ҳамда ёзма манбаларида учрайди.

Хинд эпоси «Махабхарата»да рожанинг З та хотини авлиёдан дуо олгани бориши воқеаси келтирилади. Авлиё салобат назари билан караганида улардан бири кўзини юмиб олади, иккинчиси кўркиб оқариб кетади, учинчиси эса кўркмайди. Шунда авлиё уларнинг туғилажак фарзандлари бириники кўр, иккинчиси камқон, учинчиси кароматли бўлишини башорат қилиб дуо қиласди. Шунингдек, асар давомида Панду ов қилиб юриб бир авлиёнинг коплон суратида юрганини билмай, уни хотини билан қўшиб камондан отиб ўлдириб қиласди. Ўлеми олдидан эса авлиё унинг аёлларга яқинлашмаслигини дуоибад қиласди, яқинлашса ўлим топишини айтади. Хомернинг «Илиада» достонида ҳам шунга ўхшаш ходиса мавжуд: юнонлар Куёш худоси ибодатхонаси кохинининг қизини олиб кетишади, кохин совғасалом билан бориб ялинса ҳам, Менелай қизни беришни хоҳламайди. Шунда кохин уларни каттиқ қарғайди ва Аполлоннинг қаҳри келиб юнонлар устига ўлат юборади. Юнонлар кейинчалик кўзи очилиб, кохиндан тавба қилиб узр сўрашади. Мисрдаги фиръавнлар макбарапаридан ҳам шу каби қарғиш тошлари топилгани, унда подшоҳлар руҳини безовта килганлар тезда ўлим топишлари башорат қилинади. Олим Карнавон шу тарзда вафот этади. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Жумладан, хадисларда ҳам уч кишининг дуоси Тангрининг даргоҳида тўғридан тўғри кабул бўлиши айтилади: ота-онанинг, мусофирилнинг, мазлумнинг. Шарқнинг буюк мутафаккири Жалолиддин Румий ҳам дуони майга ўхшатади. У дил тубида қанча вақт сақланса, шунча кувватли бўлади, дейди. Шу туфайли барча ҳалкларда карғишлар ва кайтариклар инончи кенг ўринга эга.

3. Лингвокультурологиянинг тадқикот предметларидан бири – **тилнинг паремиологик бойлиги** ҳамdir. Дарҳакиқат, мақолларнинг аксар кисми миллий онги стереотипи хисобланади. Одатда мақол ва маталлар фольклористикада жанр сифатида ўрганилади. Тилшуносликда эса эндигина ўрганилмоқда. Прагматик нуқтаи назардан мақолларнинг мақсади қоришик хусусиятли. Биргина мақолнинг ўзида огоҳлантириш, таъқиқ, тасалли,

маслахат, танқид, таҳдид кабилар жамланган бўлиши мумкин: Бой бойга бокар, сув сойга оқар.

Мақолларнинг барчаси ҳам лингвокультурологиянинг предмети хисобланавермайди. Жумладан, бирор ҳалқка, маданиятга тегишли бўлмаган, барча этнослар учун бирдек тегишли бўлган мақоллар шу қаторга киради. Мазкур фан тадқик доирасига кириш учун макол бирор ҳалқнинг тарихи, маданияти, турмуши, маънавияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиши лозим.

4. Тилнинг фразеологик бойлиги ҳам ҳалқ менталитети, маданияти ҳакидаги бой маълумотлар тақдим этади. Уларда ҳалқнинг мифлар, одатлар, маросим ва расм-русумлар, маънавияти ҳакидаги қарашлари ўзгармай сакланган бўлади. Б.А.Ларин фразеологизмлар ҳалқнинг дунёқарashi, ижтимоий курилиши, ўз даври идеологиясини акс эттиришини ёзганида ҳақ эди.

#### **5. Эталонлар, стереотиплар, символлар.**

Эталонларга куйидагича мисол келтиришимиз мумкин: *итдай содик, буқадай бақувват, қордек беғубор, чўчқадай семиз, пардек юмшоқ, онадек меҳрибон, тундай қора*. Бу эталонлар нафакат миллий дунёқараш ва дунёни миллий англаш ҳамдир. Чунки факат уларгина олам ходисаларининг миллий-типик ўлчаш самарасидир. Эталонлар воситасида олам образли ўлчанади. Эталонлар кўпинча барқарор ўхшатишлар тарзida кузатилади, бирок инсоннинг дунёни ўлчаш борасидаги исталган тасаввуридир: *қулогигача ботмоқ, томогига келмоқ, жондан севмоқ* каби.

Бир танганинг устида ўмбалоқ ошади иборасининг семантик структурасини таҳлил килар эканмиз, В.Н.Телия айтганидек, танганинг ташки белгисига эмас, балки унинг энг кичик қийматли пул бирлиги – эталони эканлигига гувоҳ бўламиз. Шу каби эталон сўзларни ўз таркибиغا олган фразеологизмлар тилни маданиятга яқинлаштиради. А.А.Потебня таъбирича, бу ерда рамз образга (эталонга) айланади ва тушунувчининг иродасини ўзига бўйсунтиради.

Шундай қилиб, эталон предметлар, ҳодиса ва объектлар хусусиятлари ҳамда сифатини баҳоловчи моддийликдир. У ижтимоий-рухий боскичда мөърий тасаввурни ифодалайди. У яширин таъсирга эга, танлов ва баҳолашга таъсир қиласи.

Стереотип, эталондан фарқли равишда, оламда мавжуд бўлади ва фаолият, ахлокни баҳолайди.

Ахлок стереотиплари расм-русумларга ўтиши мумкин. Фарқи шундаки, стереотипни амалга чиқаришда инсон нима максадда бу ишни бажараётганини англамаслиги мумкин. Расм-русумни бажаришда рефлексга таянилади. У ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг бир усулидир.

**6. Метафора ҳамда образлар ҳам лингвокультурология предметлари категорига киради.**

Метафораларга алоҳида тўхталиб ўтамиз. Образлар сўзнинг маданият билан алоқаси ҳақидаги асосий ахборотни ифодаловчи тил бирлигидир. Одатда образлилик деганда тил бирлигининг предметлар ва ҳодисалар ҳақида кўринишили ва сезимли тасаввур беришини тушунамиз.

Образлиликнинг лингвистик категория сифатидаги хусусиятларини тавсифлар экан, С.М.Мезенин қўйидагиларни қайд этади. Образлиликнинг барча шакллари – хоҳ лисоний, хоҳ нуткий бўлсин – мантикий курилишида 3 та компонент бўлади: 1) акс этган предметни гносеологик тушунчадан корреляцияловчи (фарқловчи) референт; 2) агент, ёки акс этган предмет; 3) асос, яъни предмет ва унинг аксланишининг умумий жиҳатлари, ўхшатишни келиб чиқадиган мажбурий борлик. Мазкур уч таркибий кисм эксплицит (ташки кўринишига эга) ҳолатда юзага чиқадиган лисоний образлилик воситаси ўхшатишdir: *Менинг ёрим гўзалликда ойга ўхшайди*. Ёрим – предмет; ой – онгдаги референт; гўзалликда – асос. Образлилик тил бирлигининг реал хоссаси бўлиб, онгимиз «манзара» ҳосил қилиш кобилиятига эга. Шунингдек, ғоявий образлар ҳам мавжуд, улар умумлаштирилган, мавхумлаштирилган бўлиб, манзара ҳолатидагина мавжуд бўлади. Метафорик образлар ва фразеологик образлар лугатлардаги изоҳлаш

ёрдамида тавсифланмайди. Чунки бу ерда муаммо унинг маъносида эмас, ички шаклидадир. И.Бродский ички шаклни нарсаларнинг назар солиш орқали колдирилган изи деб таърифлайди.

Ички шакл тушунчаси дастлаб рус тилшунослигига 1892 йил А.А.Потебня томонидан киритилган. Кейинчалик XX асрнинг 20-30 йилларида Б.А.Ларин ва Г.О.Винокурларнинг поэтик нутққа багишиланган ишларида тарақки топди.

Сўзнинг ички шакли – сўзни ташкил қилувчи морфемалар маъносидан юзага келадиган туб маънодир. Масалан, хис ва туйгу, маҳбуб ва севимли сўзлари бир хил маънони билдирса-да, ички шакли ҳар хил. Ички шакл сўз маъносини мотивлаштиради. Аммо бу шартланганлик тўлиқ эмас, масалан, оқсокол сўзининг ички тузилиши «оқ соқолли» ва «кекса эркак» маъноларига ҳам уланиши мумкин.

А.А.Потебня ички шаклни «этимологик маънога яқин» деб билади. Ясама сўзнинг «яқин маъноси» уни ташкил этувчиларнинг маъноларидан келиб чиқади. «Узок этиологияк маъно» эса сўз ўзаги мотивациясининг қайта тикланиши мумкин бўлган энг биринчи маъносидир.

Одатда, мутахассис бўлмаганлар учун вакт нуктаи назаридан бу маъно ёпиқ бўлади. Масалан, *олчоқ* сўзининг илк этиологияк маъноси «жасур, эпли».

Шу тарика, ички шакл сўзининг сўзловчи томонидан англанган маъноси ифода услубидир. У турли тилларда турлича ифодаланади. Масалан, *қорагат* ўзбек тилида «ранг белгиси»га кўра номланган, рус тилида смородина «хид белгиси»ни ифодалайди, белорус тилида худди шу тушунча парэчи деб юритилиб, «по речи – дарё буйи» - «ўрин белгиси»га кўра номланган.

А.А.Потебня сўзнинг ички шакли деганда унинг образини тушунади. Унинг фикрича, сўз макол, матал, топишмоқ каби инсоннинг тафаккурий ижоди натижасида юзага келган. Шунинг учун ички шаклни метафорадаги ўз маънога таққослади. Ички шакл маданиятшуносар учун халкнинг дунёқарашини ўрганиш нуктаи назаридан қизикарлидир.

Сўзнинг семантик тарақкиёти ички шакл хиралashiши, эсдан чикиши мумкин, энантиосемик характерда бўлиб қолиши мумкин. Масалан, сиёҳ (кора) барча рангдаги бўёкларни билдиради. Бироқ шунда ҳам ички шакл ясама сўзнинг семантикасида яшайверади. Бу худди тилнинг тарихий хотираси кабидир, ижодкоргагина тушунарли, предметнинг кечаги кўриниши, у бугунги тушунча соясида қолиб кетган (Н.Б.Мечковская). Лугавий маъно билан боғланган ҳолда ички шакл оламни сўз орқали англашнинг алоҳида стереонусхасини яратади. Ички шакл асосида юзага келган ассоциациялар ва маъновий бўёклар, коннотациялар денотатдан кўра миллий-маданий ўзига хосликка эга.

7. Лингвокультурологиянинг тадқиқот предметларидан бири турли тилларнинг услубий тармоқларидир, улар турли шаклларда юзага келади. Айрим тилларда диалектал фарқлар кучли бўлса, айрим тилларда шевалар ўртасида фарқлар учча сезилмайди; айрим тиллар услубий фарқланиши эндиғина бошланган бўлса, айримларида бу масала анча чуқур ва кенг.

Адабий тил ва ноадабий тил қатламлари шакллари жамиятнинг маданий тарихи ҳар бир босқичини аниқлаб беради: ёзув тарихи, мактаб таълими, адабиёти, дунёкараши, унинг маданий-гоявий симпатиялари сингари.

Халқ маданиятининг меъёрий-услубий тармоқларга таъсири унинг луғат таркибига таъсирига нисбатан билвосита ва чуқур муносабатларга эга.

8. Нутқ маданияти ҳам лингвокультурологиянинг мухим предметларидан биридир. А.А.Леонтьев ёзади: «Нутқий мулоқотнинг миллий-маданий ўзига хослиги мазкур жамиятда мулоқотнинг усууллари, функциялари, ташкиланишидаги фарқлар, омиллар тизими ҳакидаги тасаввурларимиз билан боғлиқ. Бу омиллар жамоанинг шаклланишининг турли босқичларига асосланади, турлича табиатга эга бўлади, бироқ жараёнда ўзаро боғолик равишда иштирок этадилар. Бу омиллар асосан лионий, психолингвистик ва умумпсихологик омиллардир». Шунингдек, А.А.Леонтьев куйидаги омилларни ажратиб кўрсатади:

1) маданий анъаналар билан боғлиқ омиллар (мулокотнинг рухсат этилган ва таъкиланган типлари ва шакллари, шунингдек, мулокотнинг стереотипли шакллари);

2) ижтимоий холат ва мулокотнинг ижтимоий вазифалари билан боғлиқ омиллар (махсус ишлатиладиган «тил»чалар, мулокотнинг этикет шакллари);

3) этнопсихология билан тор маънода боғлиқ бўлган омиллар (турлича фаолият турлари ва руҳий жараёнлар воситасида);

4) денотациянинг хос хусусиятлари билан боғлиқ омиллар;

5) мазкур жамоа тилининг хос хусусиятлари билан боғлиқ омиллар;

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, ҳар бир маданиятда инсонлар ўзларининг ижтимоий ролига қараб мулокот жараёнида ўзини қандай тутиш тасаввурлари орқали ахлокларини назорат қилиб борадилар.

**9. Мулокот ҳулқи ҳам лингвокультурологиянинг муҳим предметлари**дан биридир (Формановская). Бу тушунчани О.Мандельштам «маданий ёқимлилик ижод қилиш» деб атайди.

Мулокот ҳулқи – бу инсонлар нутқ маданиятининг ижтимоий буюртирилган ва маданий-специфик қоидалари бўлиб, инсонларнинг ижтимоий ва руҳий мавқеи, расмий ва норасмий мулокот шароитларидағи роли ва шахсий муносабатлари билан боғлиқ бўлади. Э.Берннинг фикрича, мулокот ҳулқи – мулокотнинг миллий-маданий таркибий кисмидир. Ахлокий муносабатлар – универсалия ҳисобланиб, уларнинг юзага чиқиши миллий хосланган бўлади. Шу туфайли ҳам лингвокультурологияда ўрганилади. Мулокот ҳулқи стандарт ва стереотип шаклда кўриниб, ёпик системага ўхшаса ҳам, мулокот ҳулкининг бузилиши инсон ва инсоният учун кўзда тутилмаган оқибатларни олиб келиши мумкин. Н.И.Формановский фикрича, коммуникатив ҳақиқат самимийликдан кўра қадрлироқдир.

Шу тариқа лингвокультурология жонли мулокот жараёnlарини ҳам тадқиқ этади.

Юқоридаги берилганлар рўйхатини тугал ва тўлик деб баҳоламаймиз.

### **Назорат учун саволлар:**

- 1.Лингвокультурологиянинг тадқикот обьекти нима?
2. Лингвокультурологиянинг тадқикот предметига нималар киради?
3. Муқобилсиз лексиканинг лингвоультурологиядаги аҳамиятини тушунтиринг.
4. Лакуна нима? У қандай жараёнда юзага чиқади?
5. Тилнинг паремиологик фонди нималардин иборат?
6. Лингвомаданий бирликларга нималар киради?
7. Стереотип нима?
8. Нутк этикетининг маданият учун аҳамияти нималардан иборат?
9. Лингвокультурология алоҳида билимлар тармоғи сифатида қайси масалаларга эътибор бериши керак?
10. Маданий-лисоний компетенция нима?
11. В.Н.Телия тил бирликларининг миллий-маданий белгиларини табдил қилишнинг қандай усулини таклиф килади?
12. Коллокациялар нима?

## **5-МАВЗУ: ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯНИНГ МЕТОДОЛОГИЯСИ В МЕТОДЛАРИ**

### **РЕЖА:**

1. Метод ва методология тушунчаси.
2. Фалсафий методология. Умумфан методологияси. Хусусий методология.
3. Лингвокультурология соҳаси методлари: лингвистик, культурологик, социологик ва этнографик методлар.
4. Ж.Лакоффнинг метафорани таҳлил килиш методи.
5. Психосоциокультурологик эксперимент. Ассоциатив эксперимент. Матнларнинг лингвокультурологик таҳлили

**Таянч сўзлар: метод, методология, фалсафий методология, умумфан методологияси, хусусий методология, лингвистик метод, культурологик метод, социологик метод, этнографик метод, Ж.Лакофф, метафора, психосоциокультурологик эксперимент, ассоциатив эксперимент, лингвокультурологик таҳлил.**

Илмий билиш илмий тадқиқотнинг усули ёки билишнинг йўли хисобланиб, юонча "методис" сўзидан олинган бўлиб, метод деб юритилади, шунинг учун услубиятни - методлар ҳақидаги таълимот - методология деб тушунамиз. Методология - билимнинг илмий методлари ҳақидаги таълимот, шунингдек айрим фан тармокларида қўлланиладиган методлар мажмуи ҳисобланади. Агар қатоий бажариш тартибида берилса, унда методика деб юритилади.

Илмий билиш методларини фалсафада уч турга бўлиб ўрганилади:

1. Илмий билишнинг энг умумий методи.
2. Илмий билишнинг эмперик даражасига оид умумий илмий методлар.

### 3. Илмий билишнинг назарий даражасига оид умумий илмий методлар

*Илмий билишнинг энг умумий методи, тадқиқотчиларнинг хар қандай онгли амалий ва назарий фаолиятида, ҳамма ва ҳар қандай илмий тадқиқот соҳасида кўлланилса, илмий билишнинг эмперик даражасида эса кўпчилик ёки бир гурӯҳ фан соҳаларида кўлланилади ва охиргиси, назарий даражаси асосан илмий билишнинг назарий боскичидаги кўлланилади.*

Ҳозирги вактда тарихий ўзининг ҳақиқатлигини илмий тадқиқотда самаралилиги билан ажралиб турган қуйидаги усууллар, методлар мавжуд: кузатиш ва эксперимент, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, умумлаштириш, абстрактлаштириш ва конкретлаштириш, тарихийлик ва мантикийлик, идеаллаштириш, моделлаштириш.

*Кузатиш ва эксперимент методларида кузатишда ҳаракат ўзгариши ва ривожланишидаги маълум обьектни табиий шароитда у қандай бўлса, шу ҳолиҷа дикқат билан белгиланган вакт ичida маълум мақсад асосида кўздан кечириб борилса, эксперимент шароити сунъий яратилади. Изланувчи субъект тадқиқот обьектига аралашмай, таъсир кўрсатмай ўрганса, бу кузатиш усули ҳисобланади. Кузатишнинг қай даражада бўлиши қўйилган мақсаднинг аниқлигига, кузатилаётган нарса ҳодисалар ҳақида олдиндан билишга эга бўлишига боғлиқдир. Кузатиш асбоб ёки асбобсиз олиб борилиши мумкин. Чунки, асбоб кузатиш доирасини кенгайтиради, идрок килиши қобилиятини кучайтиради. Кузатиш вактида олимнинг фаолияти икки хил: актив ва пассив бўлади, яъни обьектга нисбатан пассив бўлса, кўзатиш жараёнини ижодий ташкиллаштирилишида активдир. Экспериментда тадқиқотчи ўз ўрганиш обьекти актив таъсир қилиши, кузатишнинг боришида аралashiши, яъни ўзгартириши мумкин.*

*Эксперимент - тажрибада синаб кўриш орқали фанда ҳодисаларни билиш фаолиятида тадқиқ килиш, ўрганишdir. Бунда субъект обьектга мақсадли фаол таъсир кўрсатади, ўзгартиришлар, сунъий шароитлар яратади, ўзини кизиктирган томонларни ўрганади. Бу усул изланувчига табиий*

шароитда кузатиш орқали ҳосил қилиш мумкин бўлмаган билимларни олиш имкониятини беради. Кузатиш, тақкослаш, ўлчаш эксперимент билан узвий боғлиқдир. Кузатиш ва эксперимент асосида ҳосил қилинган факт ва маълумотлар эса ўз навбатида тадқиқотидан назарий билишнинг индуктив ва дедуктив методлари билан чамбарчас боғлиқдир.

*Индуктив ва дедуктив методларда тадқиқотчи ўз тафаккурида текшираётган предмет ёки ҳодисалар тўғрисидаги бир қанча фикрлардан, улар ҳақидаги айрим билимлардан умумийрок билимларни ҳосил қиласди. Илмий билишда индуктив метод билан ҳосил қилинган билимлар доимо дедуктив усул ёрдамида текширилади. Дедуктив метод, усул ёки дедукция - бу билиш жараёни фикрида умумий билишлардан тузий, қисман билимга келиш тушунилади. Индукция - айрим фикрий билишдан, умумий хуносалар чиқаришга кўлланилса, дедукция эса, умумийликдан хусусийликга мантикий олиб боради. Индукция усулида нарса ва ҳодисаларнинг сабабий боғланишларини текширади, конуниятлар очилади, тушунчаларни пайдо қиласди. Фандаги назариялар дедуктив усул натижасида юзага келади, бу усул асосан доимий материаллар тўплаш натижасида уларни чукур ўрганиш, системага солишда кўлланилади. Индуктив ва дедуктив усуллар бир-бири билан диалектик боғлангандир, улар бир-бирини тўлдиради. Шунинг учун, уларни бир-бирига қарама-қарши ёки ажратиб қараш мумкин эмас. Максадга мувофиқ, шуни таъкидлаш керакки, бу икки усул ҳам фанда самарали кенг кўлланилишини, ундаги етарли даражада ҳақиқий билим гипотеза формасида, назария, илмий конунлар ва системалар, таърифлар, турланишлар билан белгиланади.*

Умуман, индукция ўзининг илмий ахборотларни жамлаши билан, дедукция уларни бўллаши билан ажralиб турсада, бу икки мантикий усул аввалам бор анализ ва синтез усулларига боғлиқ ва унга суюнади.

Анализ ва синтез, индукция ва дедукцияга нисбатан анча аниқ (реал) ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларга, фикрга бўлган фандаги муносабат хисобланади.

Анализда нарса ва ҳодиса, фикр, майда бўлакларга, яъни элементларга бўлинади ва улар ўртасидаги боғланишлар, ўзаро муносабат ва таъсирлар ўрганилади. Бу ажратилган кисмларни кейинчалик синтез қилиш учун хам анализ қилинади. Анализ усули, айникса, бизни ўраб турган дунёнинг мураккаб нарса ва ҳодисаларини ўрганиш ва билишга кўл келади.

Илмий билишда анализ турли формаларда, яъни нима ва қандай мақсадда бўлишлiği билан фарқланади ва қуйидаги формаларда бўлиши мумкин: предметни бир бутунлигидан кисмларга бўлаклаш; унинг тузилиши, функцияси ва шу кисмларнинг бир бутунликдаги боғликлигини ўрганиш; предметнинг хусусияти, тамойилларини ажратиб, улар орасидаги муносабатни ўрганиш; кўп предметларни, кўп майда предметлар ва гурухларга бўлиши ва ҳар бир элементнинг кўплиқдаги ўрнини аниклаш, шулар орасидаги муносабатни ўрганиш.

Ҳар қандай анализ ўзининг синтези билан тўлиқ бўлади ва улар бир-биридан ажралмас ҳисобланади. Синтез анализнинг натижаларига суюниб, нарса ва ҳодисаларнинг бир бутун сифатини ўрганади. Синтез- анализ натижасида фикран бўлинган элементларни қайтадан тиклаш, уларни бирлаштириш, илгариги яхлитлигини фикран вужудга келтириш усулидир.

Агар анализ тадқиқотда тайёрғалик кўриш босқичи ҳисобланса, синтез уни якунлайди. Улар натижасида умумий тушунча, мухокамалар таркиб топади, улар ёрдамида муайян конуниятлар аникланади, шаклланади. Олимнинг хақиқий устабуронлиги шундаки, анализ олинган ахборотлардан, оқилона янгиликни аниклаб ундан бу янгиликни синтез қилиб ўз ижодий фаолиятини бойитишдир. Албатта, бундай ижодий жараёнда, изланувчининг мавҳум- тасаввур абстракция кобилияти кучли бўлиши талаб этилади.

Умумлаштиришида- тадқиқот олиб бораётган бир канча предмет ёки ҳодисалар бир бутун ҳолатга келтирилиб фикрланса, *абстрактлашда*- шу предмет ёки ҳодисаларга хос бўлган томонларини, хусусиятларини ва хоссаларини эътибордан сокит қилиб, тадқиқот учун зарур бўлган билиш ёки хусусиятини миф ҳолатига келтиради.

*Конкреметлаштиришда* эса, умумлаштириш ва абстрактлашдаги саклаб қолинган олдинги бутун белги ва хусусиятларни яна предмет ёки ҳодисалар билан боғлаб, шу предмет ёки ҳодиса ҳакида аник бир филер ҳосил қилишидир. Абстракциялаш усулининг қўлланилиши натижасида иқтисодий назарияда, товар, бозор, баҳо, ишлаб чиқариш усули, ишлаб чиқариш кучлари, ишлаб чиқариш муносабатлари, конкуренсия, фойда ва шунга ўхшаш кўпгина тушунчалар яратилган. Худди шундай абстракция табиий фанларда, техникавий ва гуманитар, ижтимоий фанларда ҳам жуда кенг қўламда қўлланилади. Умумлаштиришдан абстрактлик (маҳумлик)ка ва ундан аниқликка ҳамда аниқликдан умумлаштириш орқали яна мавхумликка томон бориш билишнинг умумий усулидир.

*Тарихийлик ва мантиқийлик усусларида* агар, тарихийлик- бу ўрганилаётган ҳодисанинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва емирилиши жараёнларидан ва унинг тарихий жараёнларга бошқа воқеаларни ҳам алокадорлиги кўзда тутилса, мантиқийликда эса ана шу тарихийликнинг умумлашганлиги, абстраклашганлиги, аниқлашганлигининг ифодасидир. Умуман олганда, тарихийлик- бирламчи, мантиқийлик иккиласмачилиkdir. Билиш ва ижодиётнинг яна бир усули бу- формаллаштириш ва моделлаштириш ҳисобланади.

*Формаллаштириши-* бу изланаётган объект ёки ҳодисаларнинг маълум аниқлик томонлари, хосса ва хусусиятларнинг мазмуни мавхумлаштириб, уни маълум абстракт ифода, формула ёки схемалар билан ифодалашдир. Бундан оралиқ муносабат, боғлиқлик маълум ифодада белгиланади. Формаллаштириш усули ўз навбатида моделлаштириш билан чамбарчас боғлиқдир. Фанлар тарихида аналогиянинг энг самарали бутун бир фанларнинг илмий билиш жараёнининг яна бир карра юқори даражада қўтарган маъсули бу-моделлаштириш усули ҳисобланади.

*Моделлаштириши-* ўрганилаётган объектга тузилиши ёки функциясига кўра унга ўхшаш, лекин унинг ўзи эмас, унинг нусхасини яратиб, шу нусха орқали ҳакикий объектнинг тегишли хосса ва хусусиятларини ўрганишдир.

Модел- (лотинча нусха намуна дегани)-шартли образ схема маъноларини билдиrsa-да, илмий билишда қайсики предмет ёки ҳодисани бевосита, асл нусхаси- оригиналида ўрганиш иложи бўлмаган пайтда унинг оригиналида ўхшаш, унга мос моддий ёки фикрий нусхасини ясаб, шу нусха (модел) асосида оригинални ўрганиш усулини англатади. Масалан, хозирги замон иқтисодий назариясида Америка, Швед, Япон моделлари ёки «Шарк йўлбарслар» модели (Гонконг, Сингапур, Тайван, Шимолий Корея) кўлланиб келиняпти. Худди шунингдек, мустакилликка эришганимиздан сўнг, биз Биринчи президентимиз бошчилигига ишлаб чиқилган ва хозирда хаётда ўз тадбикини топаётган бозор иқтисодиётига ўтишнинг "Ўзбекча иқтисодий модели" ҳисобланади. Бунинг асосида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, давлатнинг бош ислоҳотчилиги, бозор иқтисодиётига боскичма-босқич эволюция йўли билан ўтиш, бунда биринчи ўринда Ўзбекистон ҳалқининг социал муаммоларини биринчи ўринда қўшишdir. Умуман билиш ва ижодиётда юкорида қайд этилган усуллардан, келиб чиқкан ҳолда турли хилдаги усуллар тадбиқ қилинаяпти.

Бунда жуда кенг тарқалган, инсоният тарихида муҳим кашфиётларга олиб келгани бу синаш ва хато қилишидир. Албатта, бу усулнинг унумдорлиги жуда паст бўлса ҳам жуда аввалдан, кўп тадқиқотчилар қўллаб келишган. Ижоднинг усулини яна бир муаммосидан бу мотивация (уйғониш) ҳисобланади. Мотивация уч хил талабдан: биологик, социал ва идеаллашганликдан келиб чиқади. Биологикда масалан, кучни ҳар томонлама тежаш принципи, ижтимоий мотивацияга: моддий рағбатланиши, хурматда ва обрў-эътибор олиш, бўлиш талабидан ва идеаллашган энг кенг маънодаги талаб мотивацияси ҳисобланади. Илмий ижодиётда, айникса уч хил ўйлов: мантикий (келажакни факат мантикий ўзгаришлар билан аниқлаш), критикалаш (танкидий) бўлган билишнинг камчиликга ўзгариши лозимлигини аниқлаш ва ижодий (янгилигини топиш)га бўлинади. Ижоднинг активлигига ўйловнинг психологик энергияси жуда катта таъсир этади. Унга айникса, қуидагилар салбий таъсир этади: ўйловнинг ҳар томонлама

эмаслиги, одат кучи, кискача тажрибавий ёндошиш ўта маҳсус мутахассислик, авторитетларнинг таъсири, танқиддан кўркиш, мувоффакиятсизликдан кўркиш, ўта ўз-ўзини танқид қилиш ва дангасалик. Илмий техник ижодда яна куйидаги эврестик усууллар мавжуд:

1. Майдалаш ва бирлаштириш.

2. Кераклисини колдириб, колганини чиқариш.

3. Инверсия усули (бўлган шароитга, бўлган қарама-каршини ишлатиш).

4. Бошқа ўлчовга ўтиш.

5. Универсаллик.

6. Заарни фойдага айлантириш усули.

7. Ўз-ўзига хизмат усули.

Булардан ташкири, эвристик услубларда идеаллаштириш, аналогия ва бошқалар хисобланади.

Илмий тадқикотда кўплаб ишлатиладиган аналогия усули амалиётда:

1. Тўғридан-тўғри аналогия.

2. Символлик аналогия.

3. Шахсий аналогия.

4. Фантастик аналогия хисобланади.

Илмий-техникавий ижодда энг кўп тарқалгани анализ (тахлил) услуби хисобланади. Шу услуб бўйича ижодий тадқикот куйидаги боскичларга бўлиши мумкин:

1. Жамиятнинг техникавий талаби ва техникавий камчилигини тахлили.

2. Вазифа системасини тахлили ва аниқлик вазифасини танлаш.

3. Техникавий системани тахлили ва унинг моделини ишлаб чиқиши.

4. Техникавий вазифа шартларини тахлил қилиб қайта ишлаб чиқиши.

5. Ихтиро қилиш вазифасини, шароитини формулировкаси.

6. Ечим ғоясини излаш.

7. Янги техникавий ечимнинг синтези.

Хулоса қилиб айтганда, илмий тадқиқот методлари тадқиқотниң қайси боскичда эканига қараб танланади.

Фалсафа методологияни назарий ва амалий фаолият юритишнинг усул ва тамойиллари тизими сифатида таърифлайди.

Методология назариядан фарқли равишда янги билим бермайди, концепциядан фарқли ўлароқ амалиёт учун асос бўла олмайди.

Бироқ фаннинг тараккиёти учун жуда ҳам зарурый бўлган элементларни ривожлантиради. Методология фанни ривожлантириш концепциясидир, концепция эса – назариядан амалиётга ўтиш методологиясидир.

Методология билан чамбарчас боғлик тушунча метод ҳисобланиб, ўрганилаётган ҳодисага алоҳида ёндашувни талаб киласди. Шу туфайли ам метод доимо тизим шаклида мавжуд бўлади. Унинг ўзига хослиги тадқиқот обьекти ва мақсадига қараб белгиланади. Ҳар бир метод маълум даражада умумфалсафий назариялар билан боғланган бўлади.

Барча фанларнинг, жумладан, лингвокультурологиянинг методологияси уч боскични ўз ичига олади: фалсафий, умумилмий ва хусусий методология.

Фалсафий методология – энг юкори боскич бўлиб, унда қоидалар, диалектик тамойил ҳамда категориялар муҳим ўринга эга.

Булар умумийлик ҳамда зидлик кураши конунияти, микдордан сифатга ўтиш конуни, инкорни инкор этиш конуни, умумийлик ва хусусийлик, алоҳидалик конунияти, тасодиф ҳамда эҳтиёж конунлари кабилардир.

Умумилмий методология ҳодисани ўрганишга мўлжалланган барча фанлар тамойилларининг умумлашмасидир. Улар кузатиш, тажриба, моделлаштириш, интерпретация кабилардир. Умумилмий методология фаннинг ривожланиши билан ўзгариб боради, натижада янги методлар билан боййиди, эскилари сезиларли тарзда кайта шаклланади.

Хусусий методология – аник фанга хос методологияидир.

Лингвокультурологиянинг методлар тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатларини тахлил килишда кўлланадиган аналитик усуллар ва амаллардир. Мазкур фан билимнинг интегратив соҳаси бўлгани учун ҳам маданиятшунослик, тилшунослик, этнолингвистика, маданий антропология каби соҳаларга оид умумий билиш методлари кўлланади.

Лингвокультурологик тахлил жараёнида методлардан бири танлаб ишлатилади. Ҳар бир метод ўз кўлланиш соҳасига эга. Замонавий фан аксиомасига кўра ҳар бир методнинг кўлланиш долираси чегараланган.

Тил ва маданият биргаликда ривожлангани учун уларнинг табиати, функциялари ва генезисини бирор бир метод ёрдамидагина тушунтириш кийин бўлади. Шу туфайли ҳам бирбирини тўлдирувчи ва давом этирувчи бир нечта методлардан фойдаланиш мақсадга мувоффик.

Мазкур фанда лингвистик, шунингдек, маданиятшунослик ва жамиятшуносликка оид методлардан самарали фойдаланиш мумкин. Жумладан, контент тахлил, фрейм тахлил, нарратив тахлил (В.Пропп), дала этнографияси методлари (тавсифлаш, таснифлаш каби), психология ва социологияда кўлланадиган очиқ интервью олиш, Н.И.Толстой мактабига хос маданиятни лингвистик реконструкция килиш; шунингдек, материалларни этнографиянинг анъанавий методлари, тил эгалари муҳим ахборот манбаси вазифасини бажарадиган амалий-когнитив лингвистика усуслари кўлланади.

Мазкур методлар ўзаро бир-бирини тўлдиради, натижада мураккаб объект – тил ва маданиятнинг муносабатини очиб беради. Ж.Лакофф томонидан таклиф килинган метафораларни тахлил килиш методи тушунтириш вазифасига кўра катта кучга эга бўлиб, тил ва маданият муаммоларини ҳал килишда муҳим ахамият касб этади. Метафораларнинг когнитив назарияси нега айрм чет идиомалари осон тушунилади, тез ўзлаштирилади, айримлари эса аксинча. Мазкур метод киёсланаётган тиллардаги когнитив шартланган номувофиқликни аниqlаш имконини беради.

Бундай фарқ бирор ҳалқ томонидан олам қисмларининг хусусиятлари ҳакидағи үзига хос тафаккури ҳакида маълумот беради.

В.Н.Телия маънонинг макрокомпонент моделини лингвокультурологик тавсифлаш усулини илгари суради. Бу моделнинг етти ўлчамли жихати · куйидаги маълумотлар базаларини камраб олади: пресуппозиция, денотация, белнинг мотивацион асоси, эмоционал ва эмотив баҳо, белгининг қўлланиш шароитини баҳолаш каби. Ҳар бир база жараённи таҳлил қилувчи руҳий-аклий тузилмани кўрсатиб берувчи когнитив оператор томонидан киритилади, Бундан ташқари, психосоциомаданий тажрибаларнинг лингвокультурологик тавсифидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Турли типлардаги тайёр матнларни кенг қўллаш ҳам самарали. Чунки тил бирликлари таркибидаги маданий ахборот лисоний мазмун учун үзига хос хусусият саналади.

Матнларнинг лингвокультурологик таҳлили ҳам маданиятнинг асл сакловчилари ҳисобланади. Инсонни маданиятга оғдириш ҳам «бегона» матнларни ӯзлаштириши натижасида юз беради. Дунёнинг жуда кичик элементи бўлган матн (китоб) үз ичига дунёни сиғдира олади, ўзи оламга айланади. Шунинг учун матнларни герменевик парадигмада таҳлил қилиш муҳим. Бу ерда турли метод ва тадқиқ усуллари қўлланади – интерпретацион методдан тортиб то психолингвистик методгача.

Рус тилшунослигида В.А.Маслованинг дарслигига лингвокультурологик тадқиқотларнинг замонавий йўналишлари тавсифланади, методологик асоси яратилган. В.В.Воробьевнинг «Лингвокультурология: теория и методы» [Воробьев 1997] номли тадқиқоти гумбольдчилик назарияси асосига қурилган бўлиб, тилда үз аксини топган маданиятни ўрганиш Сепир-Уорф гипотезаси асосида амалга оширилган, Л.Вайсбергер терминларидан фаол фойдаланилган эди.

Тадқиқотда лингвокультурология лингвоўлкашунослик соҳасининг назарий асоси сифатида тадқиқ этилади, соҳага “тил ва маданият муносабатлари ва алокаларини тилни вазифаларида текширувчи ва бу

жараённи тизимли методлар ва замонавий йўналиш, маданий қоидаларга кўра бирликларнинг лисоний ва нолисоний (маданий) мундарижасига жамлаб, бир бутун тизими сифатида акс эттирувчи комплекс билимлар мажмуи” деб таъриф беради. [Воробьев 1997: 36-37].

### **Савол ва топшириклар**

1. Метод ва методология тушунчаларини фарқланг.
2. Лингвокультурология соҳаси қандай методлардан фойдаланади?
3. Лингвистик, культурологик, социологик ва этнографик методларнинг ўзаро бир-бираидан фарқини айтинг.
4. Ж.Лакоффиңг метафорани таҳлил қилиш методига изоҳ беринг.
5. Психосоциокультурологик эксперимент нима?
6. Ассоциатив эксперимент моҳиятини тушунтириңг.
7. Матннинг лингвокультурологик таҳлили қандай амалга оширилади?

## **6-МАВЗУ: ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАВИЙ-ТЕРМИНОЛОГИК АППАРАТИ**

### **РЕЖА:**

1. Лингвокультурология тушунчаларининг талкини.
2. Лингвомаданий парадигма.
3. Этник менталлик.
4. Лингвомаданий концепт.

**Таянч сўзлар:** лингвомаданий парадигма, лингвокультуретма, маданий сема, маданият тили, маданий матн, субмаданият, маданий универсалия, маданий салоҳият, маданий анъаналар, маданий жараён, маданий макон, маданий бўёқ (коннотация), менталлик, концепт.

### **Лингвокультурологияниң асосий тушунчалари талкини.**

Лингвокультурология фаннинг маҳсус соҳаси сифатида замонавий тилшуносликка бир қанча тушунчаларни олиб кирди: лингвокультуретма, маданий тил, маданий матн, маданий контекст, субмаданият, лингвомаданий парадигма, маданиятнинг прецедент номлари, маданиятнинг очувчи тушунчалари, маданий универсалия, маданий компетенция, маданий мерос, маданий анъаналар, маданий жараён, маданий коидалар, менталитет, менталлик, расм-русум, одам, маросим, маданий макон, маданий тип, тамаддун (цивилизация) каби.

Маданий ахборотни тил бирликларида ифодаланишига ёрдам берувчи тушунчалар: маданий сема, маданий фон, маданий концептлар, маданий коннотациялар бу фан учун муҳим аҳамиятга эга.

Маданий семалар – сўз, семантик бирликлар, белгиларга нисбатан жуда майда ва универсалдир. Масалан, палов – гуручдан тайёрланадиган ўзбек қуюқ таоми. Пийма – жундан босиб ишланган рус пойабзали.

**Маданий фон** – ижтимоий ҳаёт ва тарихий воеаларни билдирувчи атав бирликлар тавсифи: *Жўжси келди, бўжси келди;*

Юкоридаги маданий ахборот ташувчи икки бирлик денотатда жойлашган бўлади, лингвоўлкашунослар томонидан кенг ўрганилган.

**Маданий концептлар** – мавхум тушунчалар номи, шунинг учун маданий ахборот сигнifikатда – маъновий ядрода жойлашган бўлади.

**Маданий мерос** – маданият учун муҳим бўлган ахборот ҳамда кадриятларнинг узатилишидир.

**Маданий анъаналар** – ижтимоий ва маданий мерос қимматли элементларининг жамланмасидир.

**Маданий жараён** – маданий ходисалар тизимига кирувчи элементларнинг биргаликдаги харакати.

**Маданий макон** – маданиятнинг унинг намояндалари онгидаги мавжудлик шакли. Маданий макон когнитив макон билан муштарак хусусиятга эга, ёки улар муайян миллий маданий жамоанинг ҳар бир аъзоси индивидуал ва жамоавий маконлари йигиндиси бўлиб шаклланадилар. Масалан, инглиз маданий макони.

**Лингвомаданий парадигма** – дунёкарашининг миллий, ижтимоий, тарихий ва илмий категорияларини акс эттирувчи тил тузумлари йигиндисидир. Лингвомаданий парадигма ўзида концептлар, категориал сўзлар, маданий прецендент номлари ва бошқаларни жамлайди.

**Тил тузумлари** – парадигмаларнинг асоси бўлиб, қимматли тасаввурлардан иборат бўлади.

**Менталлик** – она тили категориялари ва тузумлари орқали оламни қайта тиклашдир. Унда миллий характернинг аклий, маънавий ва иродавий сифатлари жамланган бўлади. Менталликнинг бирлиги эса мазкур маданий концептдир.

А.Я.Гуревич фикрича, менталлик дунёни қабул килиш усулидир. У мантикан кашф этилмаган ва рефлекслашмаган бўлади. Менталлик – фалсафий, илмий ёки эстетик тизим эмас, у ижтимоий онг боскичи бўлиб,

унда маъно хис-хаяжон, яширин одат ва англаш усуллари ҳали ажратилмаган бўлади. Демак, менталлик инсонларнинг маънавий бирлашиши учун кўринмас минимум ҳисобланади, унингиз бирор жамиятни ташкил қилиб бўлмайди.

Халқнинг менталлиги тилнинг нисбатан муҳим концептларида фаоллашади.

Менталитет (ўзлик) – бирор миллатнинг менталлиги, аклий бойлиги, руҳий хазинасининг ички тузилиши ва фарқланишини акс эттирувчи категориядир. Унда руҳий лисоний интеллект, турли миқёсдаги лисоний маданий жамоавийлик намоён бўлади. Илмий адабиётларда менталитет ижтимоий-маданий, лисоний ва географик омилларга боғлиқ чуқур онг тузуми эканлиги таъкидланади. Ю.Д.Апресян, Е.С.Яковлева, О.А.Корниловлар миллий менталитетнинг ўзига хос жиҳатлари тил босқичидан ташқари, оламнинг концептуал манзарасида ҳам акс этган бўлади, деб эътироф этадилар.

Уларнинг ҳар бири ташки оламнинг ўзига хос билвосита намойишидир. Улар маданиятнинг таркибий кисмлари бўлмиш мифлар, башоратлар, афсоналар, диний дунёқарашларни ўз ичга олади.

**Маданий аньаналар** – интеграл ҳодиса бўлиб, унда ижтимоий стереотиплашган тажриба ифодаланади.

**Маданий фонд** – бирор маданиятнинг типик вакили эгаллаган миллий ва дунёвий маданият соғасидаги билимлар мажмуасидир. Бирок бу ўринда шахсий тегишлилик эмас, мазкур миллий маданиятга хос асосий бирликлар йигиндиси эканлиги хисобга олинади.

**Маданий тип.** Маданиятни типлаштириш дастлаб 1922 йил Россиядан чиқариб юборилган ва АҚШда яшаб атоқли социолог бўлиб етишган Питирим Сорокин томонидан амалга оширилган. У қуйидагича маданий типларни ажратади: *идеацион маданият* (диний маданият), *сенсатив маданият* (идеацион маданиятга қарама-карши тушунча бўлиб, Фарбий Европада Уйғониш даврида етакчилик қилган); *идеалистик*

**маданият**(коришик ва оралик вазифасини билдирувчи тип: антик маданиятнинг Олтин даври, XII-XIV аср Европа маданияти). Маданий тип ўз вакилларидан бирини Шахс типи сифатида танлаб олади.

**Маданият тили** – қадрият ва гоя шакллари йўналишини шакллантирадиган, тасаввурлар, образлар, тушунчаларни ташкиллайдиган белгилар ва белгилар муносабатлари тизими – белгили моддияттир. Маданият тили этник маданиятга нисбатан ҳалқ маданияти ўзига хосликларига йўналтирилган барча вербал ва новербал алоқанинг белгили усууллари йиғиндиси эканлиги билан фаркланиб туради. Маданият тили бошқа ҳалқлар маданияти билан алоқада акс этади.

**Маданий қоидалар** – шахсни яроқли ёки яроқсиз сифатида таснифловчи идеаллар туридир.

Маданий қоидалар ҳалқ босиб ўтган узок тарихий жараён давомида ишлаб чиқарилади.

Шу конун ва қоидалар бизни ҳайвонлардан ажратиб туради, тартибсизликлардан сақлаб, ҳаётимизни бир тизимда ушлаб туради.

Рус ҳалқининг муҳим анъанавий қоидаларни ишлаб чиқиш борасида Н.О.Лосскийнинг (XX аср файласуфи) концепцияси анча машхур бўлиб, унинг 1957 йилда нашр этилган «Рус ҳалқи характеристики» номли китобида рус ҳалқининг бир канча ижобий ҳамда салбий жиҳатларини ажратиб кўрсатади.

В.Н.Телиянинг фикрича, маданий қоидалар, масалан, тил меъёрлари каби облигатор (мажбурий) эмас. Миллий маданиятга қадрият қоидалари терминлари орқали ифодаланувчи «ҳалқ донолиги ифодаси» бўлган барча тушунчаларни киритиш мумкин.

**Маданий қадриятлар** инсон ҳаёти давомида турли вазифаларни бажаради: инсон ва олам муносабатларини тартибга солади, фаоллаштиради, йўналтиради.

Аксиологияда қадриятлар таснифининг бир канча турлари мавжуд. Жумладан, абсолют (мутлак) ёки абадий қадриятлар, жамоавий, шахсий, биологик яшаш қадриятлари кабилар.

Инсон оламни нафақат тушунади, шунингдек, манфаат нұктай назаридан баҳолайды ҳам. Қадриятлар тизими ҳақидағи тил ахбороти халқнинг дүнёқарашининг үзига хосликларидан дарап беради.

**Субмаданият** – иккинчи даражали, тобе мадинй тизим (мас., ёшлар субмаданияти).

Асосий **маданий концептларга** мавхум отлар, масалан, виждон, тақдир, ирода, қарз, гунох, қонун, озодлик, акл, ватан кабилар киради. Улар олам манзарасининг асосий бирликлари каторига киради, тил шахси ва лингвомаданий жамоат учун экзистенционал (ривожлантирувчи) ахамиятга эга.

Д.С.Лихачёвнинг қайд этишича, концептлар инсон онгida эхтимолий маъноларга ишора сифатида, шунингдек, инсоннинг етакчи тил тажрибаси (шеърий, насрый, илмий, ижтимоий, тарихий) сифатида юзага келади.

А.Я.Гуревич маданий концептларни асосан, икки гурухга бүләди: «фазовий», фалсафий категориялар - маданиятнинг универсал категориялари (замон, макон, сабаб, ўлчам, ҳаракат); ижтимоий категориялар – маданий категориялар (озодлик, хукуқ, адолат, меҳнат, бойлик, мулк). Концептларни янада яқинроқ таҳлил киладиган бўлсак, ҳар қандай тилда маданий хос концептлар кутилганидан кўпроқ эканлигига гувоҳ бўламиз.

Масалан, бунга майизни ҳам киритишимиз мумкин. Унинг халқда минимал озиқ-овқат эталони эканлиги, ундан *бир майизни қирқ бўлиб емоқ* фразеологизми келиб чиққани, *майиздек қаримоқ, қорамайиз бола* каби ўхшатишлар исботлаб беради.

**Маданий очқич концептлар** жамоавий тил онгida мухим ўринга эга. Шу сабабли ҳам маданий концептлар лугатлари юзага келмокда. Ю.С.Степанованинг «Константы: Словарь русской культуры» (М., 1997) бу борадаги илк тадқикотлардан бири хисобланади.

**Маданий бўёқ** (коннотация) – маданий категориялар маъносидаги денотатив ёки образли мотивлаштирилган жиҳатларни табдил килишdir. Бу термин 1993 йил В.Н.Телия томонидан киритилган.

Лингвокультурема терминини фанга В.В.Воробъев томонидан киритилган. Лингвокультурема сатхларо комплекс бирлик бўлиб, ўз мазмунида лисоний ва нолисоний (тушунчавий ёки предметлик) маънонинг диалектик бирлигини ифодалайди. В.В.Воробъев лингвокультуремани тил белгилари шакллари, уларнинг мазмуни хамда маданий маъноси йигиндиси сифатида тушунтиради.

Лингвокультуремаларни тушуниш учун керак бўладиган муҳим маъно сифатида у мазмуни элементи бўлиб имкон сифатида турувчи туб маънони кўрсатади. Бу термин хали тўлик шакллантирилмаган ёки ўрганилмаган. Жумладан, унга тил белгисидаги маданий ахборот қандай ва каерда бирикади, тилда қандай жорийланади каби масалалар очиқлигича қолмоқда. Бироқ унинг тил бирлигига мавжудлиги ҳақидаги фактлар В.Гумбольдт давридан бўён келтирилади.

Маданий фарқловчиликни топиш учун муҳим восита тил бирлигини муайян дискурс (матн)га киритиб кўришдир. Бунда маданий универсалиялар терминига эҳтиёж сезилади. Маданий универсалиялар бадиий матнда ифодаланган воқеликнинг маданият ва анъаналар учун зарурий барча умумий маданий элементлар (тил мавжудлиги, меҳнат куроллари тайёрлаш, жинсой таъкилар, мифлар, рақслар каби) ҳисобланади. Улар одатда даврнинг идеологик штамплари асосини ташкил киласди.

Масалан, Ш.Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» хикоясидаги маданий универсалия – Ботир чўпоннинг ахволидир. Ботир чўпон ва аёлининг Эргашга ўзларидаги биргина тарвузнинг ярмини илинганликлари, ўта камбағал бўлса-да, ҳашарчи йигитларга ош қилиб берганликлари, иккитагина кўйидан бирини сўйганликлари тасвирланади. Хикоя охирида Эргашнинг ўз-ӯзига икрори билан бу универсалия очиб берилади.

Тилшуносликда лисоний ва концептуал универсалиялар маълум. А.Вежбицкая лексик универсалия сифатида бир қанча сўзларни ажратиб кўрсатади: мен, сен, хеч ким, хеч нарса, нарса, инсонлар, тана, бу, бир, икки, барча, кўп, яхши, ёмон каби. Концептуал универсалиялар, аникроғи, уларнинг

мухим бирикувлари – маданий универсалиялардир. А.Вежбицкая ёзади: “Нимадир хакида тафаккур килиш учун, бизга концептдан-да каттарок нарса керак: бизга концептларнинг фикрий комбинациялари керак”.

Муаллиф Сепир-Уорфнинг нисбийлик назариясига айрим ўзгартиришлар киритади. Унинг фикрича, турли тилларга тегишли бўлган оламни англаш тизимларини солиштириб бўлмайди, деган фикрга қўшилиб бўлмайди; иккинчидан, кашф этилган миллый хосланган концептлар “семантик примитивлар” тилига таржима қилина оладиган даражадагина киёсланса арзиди. Шунингдек, ҳар бир тил ўзига хос хусусий “семантик борлик”ни шакллантиради. “Лисоний ва маданий тизимлар ўзаро катта фарққа эга, бироқ семантик ва лексик универсалиялар умумий асосга эга. Улар инсон тили, тафаккури ва маданияти асосига қурилади”.

Лингвомаданий универсалия маданий образ ядросини ҳосил килувчи биргина сўз ёки бутун бир ифода ёрдамида намоён булиши мумкин.

Маданий универсалия, бир томондан моддий оламга қаратилган бўлса, иккинчи томондан, халкнинг миллый-маданий, маънавий муаммоларига йўналтирилган бўлади. Бундай иккитомонламалик уларнинг семантик ҳажми, рамзий ифодага айланиш қобилиятини ривожлантиради. Улар матннинг маданий ишораларидир. Матн – тилшунослик ва маданиятшуносликнинг ҳакиций туташув нуктасидир.

Тилнинг олий сатхи бўлиш билан бирга матн маданиятнинг мавжудлик шакли хамдир. Лингвокультурология эса тилни маданий қадриятлар тизими сифатида ўрганади.

Лингвокультурологияда асосий ўринни маданиятнинг муҳим концептлари ва прецедент номларни ўрганиш эгаллайди. Прецедент номлар деганда жуда машхур матнлар билан боғлик (Кори Ишкамба, Майсара, Ўткурий каби), вазиятлар билан боғлик (Жалолиддин, Махмуд Таробий, Широк каби) атокли отларни тушунамиз. Ўзбек халқи маданиятига тегишли айрим атокли отлар умуминсоний маданияга тегишли эканлиги билан ҳам ажралиб туради: Форобий, Хоразмий, Ибн Сино, Амир Темур.

Навоий, Улугбек, Регистон, Самарқанд, Ҳабиб Абдулла, Ислом Каримов каби.

**Маданий бўёк (коннотация).** Н.Ю.Шведова рус тилидаги 20 та умумий мазмуний категорияларни ажратади: тириклик, харакат, вазият, предмет, ўлчам, макон, замон ва ҳ kz. Бу категориялар тилнинг мазмуний устунларини ташкил қиласди ҳамда оламнинг лисоний манзарасининг мавхум боскичи ҳисобланади. Бироқ ҳар бир ҳалқнинг ўзига хос образли боғланган механизмлари бўлади. Бу механизм иккиласми чинни номинациядаги маъноларини тушунишга имкон беради. Масалан, ит сўзи рус тилида салбий жихатлар билан бирга содиклик рамзидир, белорусларда салбий белгилар етакчи, туркий тилларда ит – сўкиш сўзга яқин туради. Шу ўринда Россияда таҳсил олаётган мўгулистанлик талабалар ҳакида бир мисолни келтириш мақсадга мувофиқ. Талабаларга “Ит – инсоннинг дўсти” мавзусида матн тузишни топшириқ беришади. Шунда мўғул йигит савол беради: Нега ит? От деб ёзсан бўлмайдими? Қолганлар бундан ҳайратда қолишади. Мўғул йигит тушунтиради: Ит одамга хизматкор бўлиши мумкин, аммо дўст бўлолмайди.

Чўчка сўзи барча тилларда салбий бўёкка эга, русларда ифлослик, ношукурлик, тарбиясизлик, вьетнамликларда аҳмоклик рамзи бўлса, мусулмон ҳалқларда асосан диний нуткай назардан салбий баҳо бериш кузатилади.

Шу тарика ит ва чўчка сўзлари тури ҳалқларда турли хил бўёкка эга, бу эса мазкур ҳалқлар образли тафаккурининг ўзига хослигини кўрсатади.

Тил ва маданият ўртасидаги алоқа воситаси вазифасини асосан тилда идеаллашган ва моддийлаштирилган маъно каби элементлар бажаради.

**Лингвомаданий концепт.** «Концепт» термини замонавий лингвистик тадқиқотларда кўп учрайди. Концепт тушунчасига турли ёндашувлар умумий лингво фалсафий асосга таянади. Уни асосида Соссюрнинг тил ва нутк дихотомияси ётади, яъни «тил – нутк» тушунчаси ҳозирда «тилни англаш – коммуникатив феъл-атвор» деб талкин килинмоқда. Бунда тилни англаш тил тушунчасига нисбатан кенг маънода кўлланади, чунки тадқиқотчилар кўп

холларда феномен бўлган ва индивидуал онгнинг вербал шаклдаги холатига эътиборларини қаратадилар. Коммуникатив феъл-автор билан нутк орасидаги муносабатга келсак, бу ҳолатда тадқиқот предмети кенгайланлиги кузатилади, яъни матндан ва уни ёзувда қайд қилинган шаклидан то бирон бир маданиятда қабул қилинган хулк-автор намуналарига кўра мулокот жараёнида ўзгариб турадиган коммуникант мақсадлари тўплами, коммуникацияни новербал шакллари, интертекстуал алоқалар ва бошқаларгача. Лингвистик тадқиқ предмети мазмун доирасининг бундай кенгайиши имманент лингвистика билан зиддиятига олиб келди.

Бунинг ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд. Тил ҳакидаги фанни бундай ривожланишидаги ижобий томонларидан бири бу бир-бирига яқин бўлган гуманитар фанлар ютукларидан фойдаланиш, лингвистикани янги тушунчалар ва методлар билан бойитиш имкони берилишидир.

Бу ўз навбатида психолингвистика, социолингвистика, прагмалингвистика, этнолингвистика, лингвокультурология, когнитив лингвистика каби соҳалари тараққиётига сабаб бўлди. Салбий жиҳатларга терминологиянинг ноаниқлиги ва бир фаннинг турли соҳаларидаги мантиқий узилишларни мисол қилиб келтириш мумкин. Юкорида айтилган ҳамма сўзлар «концепт» терминига ҳам таалуклидир.

Замонавий лингвистикада концепт тушунчаси ниҳоятда турли-туман. Концепт онг соҳасига мансуб ва у фактат тавсифий-таснифлаш эмас, балки хиссий-ирода ва образли-эмпирик хусусиятларни эга. Концептлар англашдан ташқари, кечинмалар орқали ҳамидрок қилинади (Степанов, 1997, 41 б.).

Агар концептни ва тушунчани яхлит тушунча деб олган баъзи бир тадқиқотларни инобатта олмасак, лингвистикада концепт тушунчасини англашда лингвокогнитив ва лингвомадданий ёндашувни тан олиш керак (Воркачев, 2002).

Концепт лингвокогнитив ҳодиса сифатида – бу «бизни онгимизни ментал ёки психик воситасида, ҳамда инсон тажрибаси ва билимида акс этадиган маълумот бирлигидир; хотирани, ментал сўз бойлиги, мия тили ва

концептуал тизимини (lingua mentalis), инсон психикасида акс этган бутун дүнёқараши оператив мазмун бирлигидир» (Кубрякова, 1996, 90 б.). Концептларни бир кисми тил билан боғлиқдир, бошқа концептлар кисми эса инсон психикасидаги маҳсус ментал бўлган репрезентациялар – образлар, расмлар, схемалар ва б. намоён бўлади (шу ерда)

Психолингвистлар учун концепт – бу «инсонни психик хаётини қонуниятларига бўйсинган тартибсиз билиш ва коммуникатив фаолият юритувчи индивидни динамик характерга эга бўлган перцептив-когнитив-аффектли хосиллалардир; ва буни натижасида лингвистик назария нуктаи назарида илмий таърифига маҳсули сифатида маҳмун ва моҳиятига қўра бир қатор параметрлари билан ажралиб туради» (Залевская, 2001, 39 б.) (Казакбаева таржимаси). Бунда концептни новербал табиати катъий таъкидланади. Бир томондан концептни мураккаблилиги, иккинчи томондан – К.Харди таъкидлаганидек, ҳар бир концепт «мавжуд бўлган ҳамма элементлар ва жараёнлар турларини конstellацияси хисобланади (шунинг учун ҳар қандай абстракт тушунча ўзига тегишли бўлган ҳиссиёт билан боғланган бўлади» (цит. по: Залевская, 2001, с.39) А.А.Залевская билим ва тушунча каби индивиднинг ютуги бўлган концептларни ва концептларнинг илмий таърифи маҳсули сифатида мантикий рационал англанган конструктлар орасидаги чегараларини аниқ белгилайди.

Принципиал жиҳатдан бутунлай бошқа таъриф А.Соломинга тегишли. Унинг фикрича, концепт – бу конкрет ҳаётий тушунчалар асосида ҳосил бўлган абстракт бўлган илмий тушунча (Соломоник, 1995, 246 б.). Бундай ёндашув С.Д.Кацнельсон фикрига мос келади, яъни изоҳли лугатларда бериладиган кундалик ҳаётдаги билимларни шаклий ва мазмуний бирламчи тушунчалар билан мослашни иккинчи – илмий, яъни энциклопедик дуғатларда бериладиган билимларга қарама-қарши қўйган. А.А.Потебняга қўра бундай билимларни табакалаш сўзни янги ва қадимги маъносини бир бирига қарама карши қўйишга таянади. Когнитив лингвистикада кабул қилинган модель «тасаввур – одатий тушунча» ҳозирги «тасаввур – одатий

тушунча – илмий тушунча» шаклига келтирилмокда. Одатай ва илмий тушунчалар орасидаги фарқ одатий тушунча даражасида ўз тажрибасини тартибсиз равиша умумлаштиришда ва у ўз навбатида илмий тушунча даражасида дедуктив ва индуктив ишлатилишида акс этади. Албатта бу даражалар орасида оралиқдаги ходисаларни топиш мумкин. Ментал моҳият ҳам бор, улар ҳали тассавур ҳам эмас, тушунча ҳам эмас. Концептни бундай талқин қилиниши ўз навбатида мантиқий – семантиқидир.

Бизнингча асосли фикр қуидагича, концепт тушунчанинг ўринбосари, у «хосил бўлиши мумкин бўлган тушунчага нишон» ҳамда «инсонни аввалги тажрибасининг акс садоси» (Лихачев, 1997, 282 б.), Бошқача қилиб айтганда концепт луғатларда берилган коллектив эмас, индивидуал мазмунга эга. Концептлар йиғиндиси бирон бир ҳалқ, албатта шу тилнинг концептосферасини ҳосил қиласи ва ўз навбатида дунёнинг лисоний манзараси деб ҳисобланади.

Концепт тушунчасига (маданий концептга) лингвомаданий ёндашув деганда биз концептни маданиятнинг базавий бирлиги, унинг концентрати деб кабул қиласиз. Ю.С.Степанов ёзишича, «концепт тизимиға мавжуд барча маданиятларга тааллуқли фактлар, - унинг бош кўринишдаги шакли (этимология); тарихни мазмун-моҳиятини асосий хусусиятларигача кискартмалари; замонавий ассоциациялар; баҳолар ва х.» (Степанов, 1997, 41 б.). Концептлар кўп ҳолларда илмий лисоний манзарага қарама-карши қўйиладиган содда лисоний манзара билан боғланади, тадқиқотчилар бу ҳолнида «амалий фалсафа тушунчалари» бўлган «ҳакикат», «такдир», «эзгулик» ва х. ҳакида гапиришади. «Кундалик хаёт фалсафаси бир неча омилларни ўзаро муносабати натижасидир, булар миллий урф-одат ва фольклор, дин ва ғоя, хаёт тажрибаси ва санъат сиймолари, хис-туйғу ва қадриялар тизимидир» (Арутюнова, 1993, 3 б.).

В.П.Нерознакнинг фикрича, биз қачон миллий маданият концепти ҳакида гап юритамиз, қачонки бошқа тилга таржима килаётганимизда шу тилда бирон концептни айнан тўғри келадиган эквиваленти бўлган сўз

йүк бүлсә: «эквиваленти бүлмаган лексика, ёки одатда уни “таржима қилиб бүлмайдиган сүзлар” деб аталаған сүзлар - ҳақиқий лексикондир, шу сүзлар асосида фундаментал миллий-маданий концептларни рүйхатини түзиш лозим» (Нерознак, 1998, 85 б.). Концептларни ўрганишдаги бу ёндашув жуда кизикарлы ва жуда ҳам объектив. Ҳақиқатдан ҳам, Гамлет рус маданияти концептими деган мавзуда мунозара олиб бориш мүмкін, аммо, масалан, «порядочность» - “инсофлилик” ва «пошлость» - “разиллик, қабиҳлик” сүзлари бошка тилгә ўғириш жуда кийин (Савицкий, 2003). Концепт түшүнчесига лингвокогнитив ва лингвомаданий ёндашувлар бир-бирини инкор этмайды: инсон онгыда хосил бүлган ментал шаклдаги концепт социумнинг концептосферасига тиқиши дегани, яъни охирги интихоси бу маданиятдир, концепт эса маданиятни бирлиги сифатида жамоа тажрибаси деб қабул қилинади ва у ўз навбатида индивид ютуғи бүлади. Бошқача қилиб айтганда, бу ёндашувлар индивидга нисбатан векторлари билан фаркланади: лингвокогнитив концепт – бу индивидуал онгдан маданиятта караб йўналиш, лингвомадний концепт – бу маданиятдан индивидуал онгга караб йўналиш. Бундай фарклар мулоқотни генератив ва интерпретатив моделларига мос равиша карама карши. Бунда биз ташки харакатни ва ички ҳаракатга бўлинишини тадқиқчиларга хос усули деб биламиз, аслида эса ҳаракат бутун яхлит бўлган кўп ўлчамли жараёндир.

Лингвомаданий ёндашув ўз навбатида компонентлари яхлит бўлган маданий концептларни конкретлашган холда ўрганишдир. Бунда мадания вакиллари учун қимматли бўлган у ёки бу предметларга, ходисаларга, ғояларга муносабати инобатга олинади. Одамларни хулқ-авторини белгилайдиган кадриятлар, энг қимматли белгилар дунёни лисоний манзарасини энг мухим қисмини ташкил қиласди. Бу кадриятлар аниқ бир бутун матнда акс этмаган. Вахоланки этик кодекслар, яъни Ўн Аҳд кабилар мавжуд, аммо улар кадриятлар орасида жуда кам сонлидир. Кадриятлар маданиятда узилган холда эмас, балки бир бири билан чамбарчас боғланган ва улар дунёвий манзарани қадриятларини ташкил қиласди ( лисоний

манзарани бир кисмини). Лингвистикада улар маданий концептлар сифатида тавсиф килинади, яъни у ёки бу тил шаклида предметлашган жамоа онгига пайдо бўлган кўп киррали, маданий-аҳамиятли ижтимоий-психологик янгиликлардир.

Концептда энг муҳим томони – бу « узлуксиз маданий-тарихий борликда мавжуд бўлган кўп киррали ва дискретли яхлит мазмунидир ва шунинг учун бир предмет соҳасидан иккинчи соҳага ўтадиган маданий трансляцияда (ва культуроген) жойлашганлигидир» (Ляпин, 1997, 19 с.). Маданий концептларда, бизни фикримизча, энг камидга учта томонлари бор – образ (тимсол), тушунча ва қадрият. Шу маънода таъкидлаш мумкинки, маданий концептлар дунё манзарасини белгиловчи оппозицияга асос бўлиб хизмат қиласи. Уларни фарқи бирликларни сонида: оппозицияларни базасини сони чегаралангандиги, маданий концептларнинг сони етарли даражада кўп бўлиши мумкин. Бу ёндашувнинг қимматли томони шундаки, у концептни самарали тавсифида ва ўрганишида психологик нұқтаи назари асосида тушунишда. маданий концептнинг тимсолий таркиби психолингвистик феномен тарзида концептни перцетив ва когнитив томонлари корреляцияга киришида, кўриб чиқилаётган ҳодисаларда мантикий мазмуни тилда намоён бўлади (бунда концептнинг маъно томонини фатуалли деб номласа бўлади) (Карасик, Слышкин, 2001, 78 б.). Концептни тушуниш учун таклиф килинаётган интеграл ёндашув шу ментал мазмунини турли талкин қилинишида тизимга келтириш имконини беради.

Шуни такидлаш керакки, маданий концептлар – мазмунан бир хил бўладиган ҳодиса эмас. Биринчи навбатда улар жамиятдаги у ёки бу ижтимоий катламга таълуклиги билан ажралиб туради. Бошқача килиб айтганда, агар жамиятда ижтимоий гурухлар аниқ ажралиб чиқсан бўлса, шу гурухларни концептосфераси хам мавжуд. Этник хусусият ажралган ҳолда мавжуд бишмайди, аммо ижтимоий жараёнда ифодаланади. Жиддий гапирысак, индивидуумни социоэтник ўзини англаш тушунчаси мавжуд, ва бу ҳодисада маданий концептлар ажралиб туради. Шубҳасис, гап тилни вульган

ижтимоилашуви хақида гап кетмаяпти, биз рус ёки инглиз эркак ва аёллари, ёш ва карилари, ишчи ва банкирлари турли тилларда мулокот қилишади деб хисобламаймиз, уларни концептосфералари сезилалрли холда тушунчалар, асосан луғатавий маъноларида, туктаи назаридан кесишади, аммо концептлар мос келмайдиган соҳалар хам йўқ эмас. Индивидуал, микромурух, синфлар (ва бошқа макромурухлар) ва умуммиллий концептларни ўзгариши – бу социолингвистикани истиқболли вазифасидир. Шундай килиб, социолингвистикани туктаи назаридан маданий концептларни энг камидан уч турга бўлиш мумкин: этномаданий, социомаданий и индивидуал – маданий. Бошқача чилиб айтганда, бутун этномаданият, лингвомаданият ичидага у ёки бу гурухлар, ва , албатта, индивидум учун долзарб бўлган янги ҳосил бўлган ментал тушунчалар бор. Концепт тушунчасини бундай талқин килишда турли ёндашувларни бирлаштириш имконини беради.

Рус этномаданият концептига мисол килиб “саҳиийлик”ни олиш мумкин – ўзининг воситалари, бойлиги билан бошқалар билан бўлиши кобилияти (БТС); бу кобилият бошқа халқларда хам бор, аммо бу хусусиятни муҳимлик даражаси ва онгли равишда таъкидаш керак бўладиган вазиятлардаги таъкидашлар йўклиги (мехмондустлик шароитига мансуб бўлган таъкидашлар) - бу концептни рус маданиятининг ўзига ҳос танилган белгисига айлантиради. О.А.Леонтович фикрича (Леонтович, 2002), американкларни лингвомаданиятини мазмун-моҳиятини белгиловчи энг муҳим концептлар каторига ментал бўлган янгиликлар «self», «privacy», «challenge», «efficiency» киради. Масалан, *challenge* сўзига «Жизнь и культура США» ( АҚШ ни хаёти ва маданияти) лингвомамлакатшунослик луғатида шундай таъриф берилган: 1) вазифа; 2) муаммо; 3) синон; 4) чақирив . Бу сўз – американкларни миллий характерини тушунишда энг муҳим сўз; у жасоратни, ўзини синаш учун ўзини хавф-хатарга боришга тайёр турити, қалтис саргузаштлар руҳи, ракобатга интилиши ва ҳоказоларни билдиради (Леонтович, Шейгал, 1998 ).

Рус лингвомаданиятида мавжуд бүлган ижтимоий концептга “рахм - шафқат” мисол бүлади – маъно жихатидан кекса ёшдагилар онгига боғланган; севиш- раҳм қилмок, бунда раҳм қилмок ҳамдардлик туйгуси деб англнади, кекса ёшдагиларга хос бүлган ҳамдардлик туйгуси билан бирор билан боғланганликни бирлигини билдиради, бу хайратомуз нарса эмас, беташвиш ёшлик хурсандчиликга қаратилган, одатда фақат хурсандчилик билан яшаётган одам бешафқат бүлади. Инглиз тилида гаплашадиган ҳалқлар маданиятида кексаларга боғланганлик унча намоён бўлмайди, кексаларга нисбатан ҳамдардлик туйгусини қўрсатиш уларга нисбатан камситиш туйгусини билдиради.

Социомаданий концептлар турлидир. Ёшига нисбатан катта одамлар гурухини бирлаштирувчи, гендерли, келиб чиқиши, ҳамда у ёки бу субмаданиятнинг кичик гурухларига мансублигини билдирувчи – уюшмалардан то оиласларгача ҳаммаси концептлар қаторига киради.

Индивидуал концептлар жуда ҳам турли тумандир, бу ерда у ёки бу ёзувчи ва файласуфга мансуб бўлган таянч ибораларда ифодаланган индивидуал муаллифларнинг концептларини мисол келтириш мумкин. Масалан, Арсения Тарковскийни лирик матнларида учрайдиган «трава» (ўт - ўлан) сўзи умумтилшуносликдаги маъноси билан бир қаторда маъноси кенгайиб, шоирни ижодини сугорадиган куч символи бўлди, англаш манбаи кейинчалик эса инсонни хаёт йўлини охиридаги хотира белгисига айланди (Черкасова, 1992). Шунга эътибор бериш керакки, индивидуал концептлар ҳар қандай шахсни концептосферасини бўлинмас қисми хисобланади. Аммо агар концептларни индивидуал томони доминант бўлса, у ҳолда мулоқот жуда ҳам кийин ўтади. Ҳакикатдан ҳам, биз фалсафий ва поэтик матнларда индивидуал маънони фаҳмлаб олишимиз керак.

Индивидуал концептларни бошқа маънода - у ёки бу шахсни психотипини аникладиган концепт сифатида қўриб чиқиш мумкин, масалан, бошқа бир одамлар учун тинчлик, қўнгилхотиржамлик, саришталик,

бошкалар учун эса – кураш, саргузаштлар, таваккалчилик актуаллик касб этади. Бундай индивидуал концептлар бирон бир ижтимоий гурухнинг хулк-авторини доминанти бўлади ва социомаданияят концептига айланади. Муайян тарихий шароитда улар этномаданияят концептига айланади. Бу ҳолат тескари ҳам бўлиши мумкин – коллективни тил онгида концептни мохиятини аста секин сўниши, мисол учун беозорлик концепти *мудойимлик, кечиримлилик, итоаткорлик*деб тушунилади. Замонавий лингвомаданиятда бу хусусият диний ҳаёт тарзida таажжуб билан қабул қилинади. Ўтган даврларда беозорлик концепти коллектив онгида “кееккайган” тушунчасига қарама-карши концепт сифатида фаол қўлланган.

Бундан ташкири концептлар обьектни белгилаш нуқтаи назаридан турдош эмас. Бир томондан, «душа» (калб), «злорадство» (ичикоралик), «слогос» , бошка томондан, - «матрешка» (матрешка ўйинчок), «колобок» (бўғирсок), «подъезд» (кирш). С.Г.Воркачевни (2002) фикрича, биз концепт хақида гапирганимизда абстракт маждудотларга нисбатан ишлатамиз, предметлар концепт белгисига кирмайди. Бу тъкидга қўшилиш мумкин, аммо «матрешка» - бу ёғочдан ясалган оддий кўғирчок эмас, балки рус халқининг анъанавий маданияти билан таниш бўлган одамларни бир катор кечирмалардир. Бир карашда «предметли концепт» бир-бирини инкор этадиган бўлса ҳам, биз тил онгида баъзи бир предметлар маданий аҳамиятга эга бўлган маъно каторида ассоциация хосил қиласа концепт мавжуд дея оламиз.

#### **Савол ва топшириклар:**

1. Лингвокультурологияга оид тушунчаларга изоҳ беринг.
2. Лингвомаданий парадигма нима?
3. Этник менталликка изоҳ беринг.
4. Лингвомаданий концепт нима?.
5. Социомаданий концепт нима?

## **6-МАВЗУ: ЛИНГВОМАДАНИЙ БИРЛИКЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ РЕЖА:**

1. Ўхшатишлар – образли миллий тафаккур махсули.
2. Ўхшатиш турлари. Индивидуал ёки эркин ўхшатишлар.
3. Умумхалқ ёки тургун ўхшатишлар.
4. Ўхшатиш эталонлари.
5. Ўзбек тилининг ўзига хос ўхшатишлари.

**Таянс сўзлар:** ўхшатиш, образли тафаккур, миллий тафаккур, индивидуал ўхшатиш, эркин ўхшатишлар, умумхалқ ўхшатишлар, тургун ўхшатишлар, эталон.

Бугун замонавий тадқиқотларда ўхшатишларнинг лингвокультурологик жиҳатларига катта эътибор берилмоқда. “Лингвокультурология” китобининг муаллифи В.А.Маслова ўхшатишларда муайян халқнинг миллий дунёкараши акс этишини таъкидлаб, бу фикрини рус, белорус, ва қирғиз тилида кўлланувчи ўхшатиш қурилмалари таълили асосида далиллайди. Унинг фикрига кўра, *кўзиИссиққўлдекярқурайди, кийикдектиқомат*, манасдеккучликаби қурилмалар кирғиз халқининг миллий дунёкарашини акс эттиради.

В.А.Маслова, шунингдек, муайян халқнинг образли тафаккур тарси хусусан, ўша халқ тилида кўлланувчи ўхшатишларда хам яккол намоён бўлишини таъкидлайди. Олиманинг бу фикрини ўзбек тилидаги тургун ўхшатишлар хам тасдиқлайди. “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати” учун йиғилган материаллар шундан далолат берадики, халқнинг муайян предмет, белги, харакат-холатга муносабати, ассоциатив фикрлаш тарси ўхшатишларда хам намоён бўлади.

Жумладан, буни ўзбек тилидаги инсон ҳакидаги тургун ўхшатишларда хам кўришимиз мумкин.

Тилшуносолима Д. Худойберганованинг “Матнинг антропоцентрик тадқики” номли мақоласида ўзбек тилидаги инсон ҳакидаги турғун ўхшатишларни куйидаги маъновий гурухларга тасниф килади:

1. Инсон аъзолари билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар.
2. Инсоннинг ташқи кўриниши билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар.
3. Инсоннинг жисмоний хусусияти билан боғлиқ ўхшатишлар.
4. Инсоннинг овози билан боғлиқ ўхшатишлар.
5. Инсон нутқи билан боғлиқ ўхшатишлар.
6. Инсоннинг характеристери билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар.
7. Инсоннинг ҳолати билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар.
8. Инсоннинг ҳатти-харакати билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар.

Бу ўхшатишларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

*Инсон аъзолари билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар:* алифдек / сарвдек / самбитдек / шамшоддек тиккомат, ангишовнадек кичкина оғиз, анордай кизилз, бургутникдай ўткиркўз, гилосдай кизиллаб, гуручдай оппоқ, майдатиш, зулукдек қорақош, ипдай ингичкақош, кулчадек юмалокз, тундай қорасоч, чўмичдай каттабурун;

*Инсоннинг ташқи кўриниши билан боғлиқ ўхшатишлар:* азоилдай хунук, бўрдоқдай / мешдай семиз, девдай баҳайбат, зангидек коп-кора, ниҳолдай нозик, ойдай гўзал, суксурдай чиройли, теракдай новча, чигирткадай / арвоҳдай / косовдай / чўпдай озгин;

*Инсоннинг жисмоний хусусияти билан боғлиқ ўхшатишлар:* аждарходай кучли, айқдай бакувват, алпдай паҳлавон, гулдай нафис;

*Инсоннинг овози билан боғлиқ ўхшатишлар:* айнқдай / шердай / арслондай / туядай бўкирмок, наъра тортмок, бўридай увиљламок, момакалдироқдай гумбурламок, кўнгирокдай жарангдор;

*Инсон нутқи билан боғлиқ ўхшатишлар:* автоматдай гапирмок, беданадай / булбулдай сайрамок, итдай қопмоқ, итдай иррилламок, чумчукдек чиркилламок;

**Инсоннинг характери билан боғлиқ ўхшатишлар:** бир қоп ёнғоқдай шалдир-шулдир, авлиёдай бегуноҳ, аммамнинг бузоғидек бўш, ипакдек мулойим, итдай садоқатли, молдай бефаҳм, мусичадай беозор, сутдай оқ, таёқдай тұғри, тулкидай айёр, эшакдай қайсар, құйдай ювош;

**Инсоннинг ҳолати билан боғлиқ ўхшатишлар:** бакадай / шамдай / ҳайкалдай / тошдай қотмоқ, безгак тутгандай қалтирамоқ, ёш боладай қувонмок, докадай / девордай / бўздан оқармок, тилла топган гадойдай севинмоқ, тўрвасини йўқотган гадойдай талмовсирамоқ, етимчадек мунгаймок, ёғдай эримоқ, игна устида ўтиргандай бетоқат, илондай тўлғанмок, куйдирган калладай тиржаймок, лавлагидай / шолғомдай қизармок, сувга тушган бўлка нондай бўшашмок;

**Инсоннинг хатти-харакати билан боғлиқ ўхшатишлар:** елимдай ёпишмоқ, ебкўйгудай қарамоқ, ёв қувгандай югурмок, итдай / девдай / эшакдай / молдай / кулдай ишламоқ, оч қалхатдай ёпирилмок, кўз корачигидай асрармоқ, маймундай / эчкидай сакрамоқ, молдай / итдай / чўчқадай / хўкиздай ичмоқ, тошбакадай судралмоқ, ўқдек отилиб чикмоқ.

Ўзбек тилидаги инсон билан боғлиқ ўхшатишлар шуни кўрсатадики, уларда инсоннинг ҳолати ва харакатини ифодаловчи ўхшатишлар миқдори бошка маъновий гурухдаги ўхшатишларга нисбатан кўп. Кейинги ўринда эса инсон аъзоларини ифодаловчи ўхшатишлар туради. Демак, бундан шундай хуносага келиш мумкинки, ўзбек тилида сўзлашувчи тил эгалари кўпроқ инсоннинг харакат-ҳолатини образли тарзда ифодалайди.

Ўхшатиш учун этalon сифатида танланган сўзлар ҳам ўзбек тилининг лингвокультурологик хусусиятларини кўрсатувчи тил бирлигидир.

Инсоннинг характери хатти-харакати билан боғлиқ бўлган ўхшатишларда ўзбек тилида сўзлашувчи тил эгаларининг этalon сифатида турли ҳайвон ва жонивор турларини билдирувчи сўзлардан кўпроқ фойдаланганлиги маълум бўлади. Масалан, итдай садоқатли, молдай бефаҳм, мусичадай беозор, эшакдай қайсар (характер билан боғлиқ); итдай ишламоқ, эчкидай сакрамоқ, тошбакадай судралмоқ, илондай судралмоқ, булбулдай

сайрамоқ (харакат билан боғлиқ ўхшатишлар). Ўзбек тилида ўсимлик ва мева номларининг ўшатиш эталони сифатида қўлланиши ҳам кўп учрайди. Бундай ўхшатиш эталонларига *самбит, шамиод, сарв, терак, лавлаги, шолгом, гилос, олма, ёнгоқ*, каби сўзларни мисол сифатида келтириш мумкин. Ҳайвонни билдирувчи сўзларнинг ўхшатиш эталони сифатида қўлланиши шахснинг субъектив муносабатини билдириш харакати билан боғлиқ эканлиги яккол сезилади. Масалан, *ит* сўзи эталон бўлиб келган ўхшатишлар сони ўндан ортиқ бўлиб, уларнинг барчаси инсонга нисбатан қўлланган. *Илон* эталони ҳам шундай хусусиятга эга.

В.Маслова ўхшатишларнинг антропоцентрик жихатларига алоҳида эътибор бериб шундай деб ёзган эди: “Ўхшатилаётган обьектларнинг бир-биридан узок бўлган турли доираларга мансуб эканлиги ўзида бир-бирини такоо этувчи қўшимча ассоциацияларнинг бутун бошли занжирини намоён этади, улар ахборотнинг тўлақонли бўлишини таъминлаши билан бирга таъсирчанликни ҳам кучайтиради; ўзаро ўхшатилаётган обьектлар воқеликда бир-биридан қанча узок бўлса, улардаги таъсирчанлик шунча ёркинлаша боради. Ўхшатишларнинг эвристик вазифаси яна шунда кўринадики, улар дунё реалияларини чукурроқ ва кенгроқ билиб олишга, уларнинг турли ва кўпинча кутилмаган кирраларини англаб олишга имкон беради”.

Умуман, ўхшатишлар лингвокультурологияга оид адабиётларда метафора, метонимия, мақол ва иборалар каби тилнинг лингвомаданий бойлиги сифатида эътироф этилади. Бу каби маданий бирликлар баъзидан бирор этноса хос менталликни, шунингдек, реал воқеликни лисон воситасида ифодалаш даражасини қўрсатувчи далил ҳамдир. Улар ўзида халкнинг ижтимоий-маънавий жихатдан ривожланишини ҳам кўрсатади.

## **7-МАВЗУ: МЕТАФОРА - МАДАНИЯТ КҮРСАТКИЧИ**

### **РЕЖА:**

1. Метафора – тилдаги универсал ходиса.
2. Метафора – образли-мотивлашган сүз.
3. Образли ва концептуал метафоралар.
4. Метафораларнинг маданиятдаги ўрни.
5. Эвфемизм, табу. Эвфемик омонимия. Дисфемизм.

**Таянч сўзлар:** *метафора, образ, эталон, образли метафора, концептуал метафора, маданият, эвфемизм, табу, эвфемик омонимия, дисфемизм.*

Фразеологик бирлик ва метафоралар мазмун таркиби ва улардаги маданий коннотацияларнинг ўзи ҳам когнитив билим манбаси бўлиб хизмат киласиди. Шунинг учун ҳам фразеологизмлар ва мажозий мотивланган сўзлар (метафоралар) маданий белгилар ташқи кўринишлари ҳисобланади.

XX аср охирларига келиб метафора биз ўйлагандан кўра мураккаброк ҳодиса эканлиги маълум бўла бошлади. У тил, маданият, илм-фан, ҳаёт, бутун олам таркибига сингиб кетган. Шунингдек, метафоралар билиш универсалияси ҳисобланиб, замонавий олимлар дунёнинг метафорик манзарасини инсон генезиси, умуман, инсон маданияти билан боғлашга мойиллик кўрсатмокдалар. Бошқачароқ айтгандан, прототилнинг ўзи метафорик характерда бўлган, протомулоқот ҳам метафорик боскичда юз берган.

Метафора – тилдаги универсал ҳодисалардан биридир, у барча тилларга хос. У макон ва замонда ҳам, тил тузилиши ва унинг амалга ошувида ҳам мазкур хусусиятини намоён киласиди. Кўплаб тилшунослар, тил метафоралар хазинаси деган фикрга ҳам келганлар.

Метафора фан учун маҳсулдор тушунчалардан биридир. М.М. Бахтий «хронотоп» терминини фанга «деярли метафора сифатида» киритганини

айтади. Шунингдек, «ички тузилиш», «маданий бўёқ» (коннотация), «тирик сув» каби илмий терминлар ҳам фанга метафора йўли билан киритилган.

Метафора тилнинг энг мураккаб ҳодисаларидан биридир. У ҳакидаги барча таърифлар Аристотелнинг таърифига бориб тақалада: «Метафора одатий номни жинсдан турга ёки турдан жинсга ёки турдан турга ёки ўхшашлик асосида кўчирилишидир».

Метафора кенг тушунча бўлишига қарамай, кўпинча, уни услубий ёки бадиий усул сифатида тасаввур киламиз. Фақат охирги йиллардагина Н.Д.Арутюнова, В.Н.Телия, Б.Блек, Ж.Лакофф, М.Жонсон каби олимлар метафоранинг онтологик табиатига эътибор бера бошлидилар.

Замонавий тадқикотларнинг асосий қисми метафоранинг тафаккур жараёнидаги ролига қаратилган. М.Минскийнинг фикрича, нутқий ёки фикрий жараёнда икки тушунчанинг боғланиши бир фрейм (сценарий – тушунчалар доираси)нинг бошқа маъноларга боғланиши жараённида юз беради, ёхуд метафора ном берилмаган тушунчани ифодалашга хизмат килади. Бошқа нутқай назардан, «образли майдонлар», «икки мазмуний худуднинг ўзаро бирикишининг руҳий ўхшатма жараёни» синтезидир (В.Н.Телия).

Метафораларнинг юзага келиши тил эгаси тушунчалар тизими билан чамбарчас боғлиқ. Биз дунё ҳакидаги тасаввур ва баҳолаш стандартларимизни метафорада намоён киламиз. У эса тилда сўзга айланади холос. Демак, метафора – фикрларни умумлаштириш модели, фаразларни илгари суриш колипидир.

Метафоралар хосил килиш тизими куйидаги тартибда бўлади: турли мантикий гурухлардан иккита турли предметларни оламиз, бунда уларнинг умумий белгилари, хусусиятларига таянамиз (масалан, ғам туни: хиссёт – ғам ва дунёнинг ҳолати – коронғу, улар учун умумий жихат – ижобий хиссиётлар – ёргуғ, салбий хиссиётлар – кора ва хира). Метафора категориал, таксономик (таснифий) чалкашликлардан вужудгга келади. Инсон (кўпинча шоир) метафора тузар экан, дунёда сифатлар ва хусусиятлар, мантикий гурухлар ва уларнинг ўриндошлари оламида яшайди. Н.Д.Арутюнованинг фикрича,

метафора мавхум белги ва сифатларни парчаламайди, аксинча, предмет борлигининг фикрий тимсоли даражасига қўтирилади. Масалан, О.Мандельштам роялни «уйнинг ақлли ва яхши ҳайвони» деб атар экан, у шунчаки икки мантикий гурухлардаги предметларнигина танлаб қўя қолмайди. Бунда эътибор аниқ предметларга эмас, предметларнинг онгдаги тимсолига қаратилиши лозим.

Ш.Балли ёзади: «Биз моддий дунёдаги предметларга мавхум тушунчаларни мослаймиз. Уни бошқаларга тушунтиришнинг ягона усулидир. Метафорлар шундай тарзда юзага келган. Метафора киёслашдан бошқа ҳеч нарса эмас. Бунда тафаккур тамойил асосида мавхум тушунчани аниқ моддий тушунчага яқинлаштиради ва битта сўзга боғлайди».

Ж.Лакофф ва М.Жонсон ўзларининг метафора назариясини илгари сурар эканлар, «Метафора бизнинг кундалик турмушимизга сингиб кетган, нафақат тил, шунингдек, тафаккуримиз ва ҳаракатларимизга қоришиб кетган. Бизнинг тушунчалар тизимимиз эса метафорик ҳарактердадир» деб таъкидлайдилар. Уларнинг назариясига кўра, одамлар ўз онгидаги «мавхум» концептни аникроқ ифодалаш, мавжуд ёки мавжуд эмас деб билиш учун метафора кидирадилар. Олимлар метафорани фундаментал – асосий сезги деб биладилар. Уларнинг фикрича, метафора моддиятни юзага келтириш воситасидир. Метафора – билишнинг кучли воситалардан биридир, унда бизга маълум бўлган эски тушунча янги тушунча билан киёсланади. Ўхшашлик механизми тўқима табиатга эга бўлади.

Метафора мазкур принципдан бошланади, яшайди, агар номлашнинг ички тузилиши вазифасини бажармай қўйса, ўлади. (В.Н.Телия)

О.М.Фрейденберг метафоранинг юзага келиши хақида куйидагиларни ёзади: «Кўчирилган ғоялар! Агар у гносеологик билимлар таъсири натижасида инсон онгидаги юзага келмаганида, бундай тафаккурий тўсикни ким хам ўйлаб топа олмаган бўларди».

М.Мюллер бошқача карашни илгари суради: метафора қадимги тилнинг лугавий камбағаллиги натижасида юзага келган: луғат бойлиги оз

бўлган, инсон эса битта сўзнинг ўзидан турлича предмет ҳамда тушунчаларни белгилаш учун фойдаланган.

А.Н.Афанасьев ва А.А.Потебня фикрига кўра метафора икки предметнинг у ҳакидаги тасаввурий ўхшашиблик натижасида яқинлашувидан юзага келган. У бирор эҳтиёж ёки тилнинг камбағаллиги натижасида эмас, бой манбадан эркин ўсиб чиқкан.

Демак, метафора борлиқ ҳакидаги тафаккур усулидир. У орқали янги билимлар олинади: хали аниқ шаклланмаган тушунчани ифодалаш учун сўзнинг бирламчи маъносидан, унинг турли ассоциацияларидан келиб чиқадиган маъноларидан фойдаланилади.

Метафора тушунчани инсон призмасидан ўтказар экан, унинг дунёқарashi, билим савияси, миллий-маданий қадриятлари ҳакида ҳам маълумот беради. Шундай қилиб, метафора антропометрик характерга эга: метафора инсон тафаккурининг қай даражага етганлиги белгиси ҳамdir. Метафора мавхум нарсаларни тушунарли ва енгил ҳис этиладиган қилиб қўяди.

Демак, метафора моҳияти жиҳатидан қуйидаги ҳусусиятларга эга: у тафаккур ва борлиқни англаш куроли, у фундаментал маданий қадриятларни акс эттиради ёхуд миллий-маданий дунёқарашга йўғрилган.

1978 йилда Чикаго штатида бўлиб ўтган симпозиум факат метафора муаммосига қаратилган эди.

Метафоранинг сирини очишда бизга шеърий, бадиий метафораларни кузатиш катта ёрдам беради.

Кейинги ўн йилликлар давомида метафоранинг пайдо бўлиш тарихи ва унинг маданиятни тилда намоён этишдаги ўрнини яъни лингвокультурологик аҳамиятини тадқик этиш кўпгина тилшунос олимларнинг диккат марказида бўлди. Гарчи метафора муаммоси икки минг йилдан бўён олимларнинг диккат марказида бўлса ҳам, бугунги кунгача ё стилистик восита сифатида, ё бадиий услуг сифатида тадқик этиб келинади. Фақатгина охирги ўн йилликлар давомида тилшунослар ва файласуфлар диккати метафоранинг

онтологиясини тадқик этишга күчди (Н.Д.Арутюнова, В.Н.Телия, Б.Блек, Ж.Лакофф, М.Жонсон ва бошқалар).

Фразеологик бирликлар ва метафора мазмунининг режаси ҳамда уларга биринчирилган маданий коннотациялар туфайли маданий белгиларнинг 32 экспонентларига айланди.

Метафорани ушбу нуктаи назардан кўриб чиқамиз.

XX асрнинг охирида метафора олдингилардан кўра мураккаброқ ва муҳимроқ ҳодиса сифатида намоён бўла бошлади. Метафоранинг келиб чиқиши тарихи ҳақида тиљшунослар турли хил карашларни илгари суришади. Маслова метафоранинг келиб чиқишини инсоннинг генезиси билан ва тегишли равишда инсон маданияти билан боғлайди. Ва энг қадимий тил, қадимиий ибтидоий алоқалар метафорик бўлганлигини таъкидлайди. М.Мюллер фикрига кўра эса метафора қадимиий тил лексик қашшоқлиги сабабли вужудга келган. Сўз захираси кам бўлган ва инсон ҳар хил предметлар ва ҳодисаларга бир хил сўзларни ишлатишга мажбур бўлган.

Бизнинг фикримизча, метафора қадимиий тилнинг лексик қашшоқлиги ёки сўз захирасининг камлиги туфайли вужудга келмаган. Бу борада биз А.Н.Афанасевнинг фикрларига таянамиз. Унинг ёзиича, метафора ўхшаш тасаввурларни уйғотадиган предметларни ўзаро яқинлашиши натижасида пайдо бўлган. Метафора мутлако озод, бой манбадан олинган, зарурат, эҳтиёж ёки тилнинг қашшоқлигидан пайдо бўлмаган.

Метафора тилдаги универсал ҳодиса бўлиб, у ҳамма тилларга хосдир. Унинг универсаллиги макон ва замонда, тилнинг структурасида ва фаолиятида намоён бўлади. Метафора фан учун маҳсулдор тушунчадир. М.М.Батхин “хронотоп” деган атамани фанга деярли метафора каби кириганини таъкидлайди. Аксарият энг қулай илмий атамалар метафоралардир: “ички шакл”, “маданий коннотация”, “тирик сув” ва бошқалар. Метафора бу тилнинг энг сирли воеаларидан биридир. Метафора таърифининг хилма-хиллигига қарамай деярли ҳаммалари Аристотель таърифида бориб тақалади: “Метафора бу гайриоддий номни бир турдан

бошқа хилга, ёки хилдан турға, ёки хилдан хилга, ёки ўхшашдан ўхшашга күчиришидир”

М.Минскийнинг фикрича нуткий ё фикрий ҳодисада икки тушунчани боғланиши бир тизим бўлиб, бошқа маънолар ўрнига ўтади, чунки метафора номи йўқ нарсани аён килувчи восита сифатида хизмат қиласди. Метафоранинг пайдо бўлиши тил эгаларининг концептуал тизими, уларнинг дунё ҳакидаги стандарт тасаввурлари, баҳолаш тизими билан bogълиқдир. Метафоранинг ижод қилиш механизми қуийдагича: ҳар хил мантикий синфлардан икки турли предмет олинади ҳамда улар умумий аломатлар ва хусусиятлар асосида бир-бирига тенглаштирилади.

Инсон метафорани вужудга келтираётганида гўё сифатлар ва хусусиятлар оламида, мантикий синфларда ва уларнинг субстансиялари (ўринбосарлари) оламида яшагандай бўлади. Метафора абстракт маънодаги белги, аломат ва сифатларни ажратиб чиқармайди, балки предметнинг мазмун моҳиятининг маъно тимсолини аниклайди. О.Мандельштам роялни “ақлли ва ёқимли уй ҳайвони” деб айтганда, у предметларни соддагина қилиб турли мантикий синфлардан олмайди. Бу ерда гап реал предметлар хақида эмас, балки онгда пайдо бўлган предметларнинг тимсоллари хақида боради. Шундай қилиб бир бутуннинг моҳияти вужудга келади. Ш.Балли ёзади: “Биз абстракт тушунчаларни хиссиёт олами предметларига киёслаймиз (ўхшатамиз), чунки бу биз учун ягона уларни англаш усули ва бошқаларни улар билан таништириш йўлидир.Метафоранинг келиб чикиши шундайдир. Метафора бу қиёслашдан бошқа нарса эмас, унда идрок абстракт тушунчани ва муайян предметни якинлаштириш тамойили таъсирида битта сўзда ҳар иккисини мужассамлаштиради”.

Метафора ўзида асосий маданий қадриятларни акс эттиради, чунки метафора маданий-миллий дунёкарашга асосланган.

## **8-МАВЗУ: ИНСОН МИЛЛИЙ МЕНТАЛЛИК ВА ТИЛИМИЗ ТАШУВЧИСИ СИФАТИДА**

**Режа:**

1. Инсон ва маданият.
2. Инсон ва тамаддун.
3. Ижтимоий фанларнинг инсон тамаддунидаги вазифаси ва ўрни.
4. Менталлик.
5. Тил шахси.

**Таянч сўзлар: инсон, маданият, цивилизация, менталлик, тил шахси,  
Караулов, эксперимент.**

XX аср охири ва XXI аср боши дунёда фанларнинг нотекис ривожланиши билан характерланади, яъни техника цивилизациясидаги кескин бурилиш, таракқиёт ва аксинча ижтимоий фанлардаги жуда суст ривожланиш бунга мисолдир Бунда инсон омили етакчи ҳисобланиб, унинг фаолияти ва ишлари, хатти-харакатлари, фикри ва интилишлари, хаёлоти ва хис-туйғулари асосий предмет вазифасини бажаради.

Цивилизация инсон ўзини-ӯзи йўқ қилиши учун қудратли кучни яратишга имкон яратди, лекин ижтимоий фанлар ҳозирча уни куткариш қобилиятига эга эмас, чунки уларда инсонни тушуниш ва хулк-авторини мукаммал қилиш учун етарлича билим ва имконияти йўқ. Ҳозирча кўпгина ижтимоий соҳалардан факат биргина таргибот воситаси ва оммага таъсир ўтказиш соҳасигина фаол ривожланиб боряпти. Инсон интеллектининг заиф томонининг исботи сифатида куйидаги фактни келтириш мумкин: ҳар гал янги реклама қилинаётган маҳсулот бизнинг назаримизда олдингисидан яхшиrok, мукаммалроқдек туйилади. Техноген цивилизациянинг замонавий фикрлаш услуби янги тилни – яъни ўта жўн- ёқимсиз, жуда догма-прагматик техник фикрлашни юзага келтирадиган тилни дунёга келтирди. Масалан,

ҳаёт ҳакида гапиришга тўғри келганда ҳарбий ёки тиббиёт терминларида гапирилади: хосил учун кураш, Афғонинистондаги операция қаби.

Охирги даврларда фалсафа, маданиятшунослик, тилшунослик, лингвокультурология инсонни янада чуқурроқ билиш: унинг табиити, ташки кўриниши, ички дунёси, менталитети ва бошқа томонларини ўрганиш тенденцияси пайдо бўлди.

Чунки инсон феномени йўлини билиб олиш табиий фанлар орқали эмас, балки табиий тиллар орқалигина англаб бориш мумкин деган ишонч мустаҳкамланиб боряпти

Бизнинг мақсадимиз, инсоннинг тили орқали уни кўпроқ билиб олиш. Чунки тил нафакат коммуникация воситаси, фикрни ўтказиш ва ифодаш ҳамдир. Бундай ёндашув тилдан фойдаланишни асосий ўринга қўяди, бунда унинг муҳим томони ва вазифаси тилда дунё концептуал тасвирини намоён бўлиши билан белгиланади

Инсон бизнингча, бошқа миллий жамоалар вакиллари билан ҳамкорликда фаолиятда иштирок этаётган маълум миллий менталлик ва тил ташувчиси сифатида тушунилади.

Хозирги замон фани учун шунчаки инсон эмас, балки шахс, яъни тафаккур сохиби, тилга, мураккаб ички дунёга эга бўлган, тақдирга, нарсалар оламига маълум муносабатини билдира оладиган ва шунга ўхшашларга эга бўлган конкрет одам қизикитиради.

У коинотда ва ерда алоҳида ўринга эга, у доимо дунё билан ҳамнафас яшайди ва у билан ўзи билан ва шунга ўхшашлар биилан муносабатда бўлади. Яратганинг хоҳиши ва иродаси билан эркин ирода сохибидир ҳам.

Одам – табиатига кўра ижтимоий мавжудот, одамийлик одамда жамият шароитида унинг ҳаётида, одамзот томонидан яратилган маданиятда дунёга келади.

Бизни умуман олганда, инсон эмас, балки тилдаги инсон қизикитиради. Масала шундаки, биздан яширинган ментал соҳага кириб боришимиз учун, тил- ягона восита хисобланади, зеро у ёки бу маданиятда дунёни бўлиниш

усулларини белгилаб беради. У одам ҳақида шундай нарсаларни сўзлаб берадики, улар ҳақида одам ўзи ҳам англамай қолади.

И.А.Гончаров Е.Н.Наришкинага ёзган хатида: Тил нафакат гапириш, нутқ, балки инсоннинг ички дунёси, образи: унинг юрак деб атамиш акли, у тарбия, аклий ва ахлоқий кучнинг яратувчиси ва ташувчисидир. Унинг диалогик муносабати инсон ҳақида билиш, унинг дунёдаги ўрни, Худога, табиатга, унинг атрофидаги одамларга бўлган муносабатида жамланган.

Балки биз дунё ва сўз билан яратилганимиз учун, биз учун ҳамма нарса қизиқарлидир. Гумболът шундай ёзган эди: “Тилни ўрганиш ўзида сўнгги мақсадни кўзламайди , балки инсон томондан ўзини англаш ва билиш, кўзи билан кўриш мумкин бўлган ва аторифидаги яширин нарсаларга муносабатида барча соҳаларни ўз ичига олган ҳолда олий ва умумий мақсадларга хизмат киласди”. Буюк тилшунос олимнинг бу фикрини охиригача англаб етиш учун бир неча юз йил керак бўлди.

XX аср иккинчи ярми фалсафаси тилни хар томонлама анализ килиш хисобига ривожланиб борди. Тил файласуф учун нафакат фалсафий концепцияларни ифодалаш воситаси, балки дунё ва инсонни билиш воситаси ҳамdir. Шундай килиб агар олдин Сўз, айнан у –билимларнинг муҳим манбаси, айнан унда инсон ва дунё ҳақида барча ахборот жамланган.

Фалсафий мушоҳаданинг асосий мақсади инсон бўлиб, у “Ўзганинг” мавжудлигини билувчи семиотик фаолият оркали билиб олинади. Балки шунинг учун ҳам таникли яхудий файласуфи М.Бубер, янги тадқикот объектини , яъни Мен – Сенда яшовчи одам муносабатларини яратди. Ҳакиқатан бу диалогик муносабатлар, Сен Менсиз бўлиши мумкин эмас, инсон йўли ҳамиша ўзга одам билан бирга бўлади, хаёт жамоада намоён бўлади. Дунёни англаётган одам – бу одам, одам билан дегани. Фейербах бу хусусида шундай ёзган эди: “Инсон мохияти ва мавжудлиги факат мулоқотдагина, одам билан одам бирлигига, факат Мен ва Сен ўртасидаги ҳакиқий фаркларга таянадиган бирликдадир” –деб ёзган эди.

Мазкур универсал муносабатда инсон ҳакида билиш, унинг дунёдаги ўрни, Худога, табиатга, унинг атрофидаги одамларга бўлган муносабатида жамланган. Бунда одамни башқа одамга муносабати асосий хисобланади. М.Бубер одамни уч томонлама ҳаётий муносабатини таъкидлайди, яъни дунё, инсон, Худога муносабатини. Дунёга бўлган муҳим муносабат санъат, одамга муносабат мухаббатда, Худога муносабатда - диний очикликда якун топади. Мен - Сен одам билан одам ўртасидаги диалогда, яъни сұхбатда намоён бўлади, у нуткда расмийлашган. Бизнинг Сенимиз Худога қаратилган бўлиб, у биз эшитмаётган, лекин хис қилаётган чакириғимизга жавобдир. Ҳакикий Худо билан мулокот сўзсиз амалга ошади, лекин шундай бўлса ҳам, у нуткни яратади.

М.Бубернинг ёзишича, "Одам ўзи нима" саволига жавобни биз ундан мавжудлик, унинг бирга бўлиш динамик табиати ва органик қобилиятидаги Бирини иккинчиси билан учрашиши ва бирини- бири билиши орқали амалга ошади. Шундагина биз бу саволга жавобни топишга яқинлашамиз. «Инсон муаммоси» ишида, у тадқикот предмети сифатида аниқ ва конкрет шахс туриши керак деб таъкидлайди, ва бунда бошқа фанлар: психология, этнография, биология каби фанлардан олинган маълумотларга таяниш лозимлигини айтади.

Инсон йилнома, ҳаётий ёзишмаларда, хроникаларда, автобиографияларда, эпистоляр жанрдаги асарларда, яъни у бир қатор адабий жанраларда асосий тадқикот предмети сифатида хизмат қилиш керак.

Э. Бенвенист 60 йилларда нашр этган рус тилидаги таржималарда 1974 йилда, тил одамнинг ўзида жамланган бўлади, шунинг учун у сунъий кашфиёт бўла олмайди деб ёзади: "Дунёда факат одам тил билан яшайди, ва шундай килиб тил факат одамнинг ўзига тегишли бўлиб уни шу жихати ажралиб туради". Айнан тилда ва тил туфайли одам субъект сифатида конструкциялашади, зоро фақат тил реалликни белгилайди ва у мавжудлик хоссасини ўзидир".

Мингийилликлар арафасида одамни билишга қизиқиш үсіб кетди: 1990 йил "Одам", 1991 йил Россия Фанлар академиясида Одам институти ташкил этилди, 1991 йилда эса "Одамда одамийлик ҳақида" журналлари чыка бошлади. Н.Д.Арутюнова, в 1998 й. «Язык и мир человека», 1999 йил унинг муаллифлигигида «Логический анализ языка. Образ человека в культуре и языке» китобларини чоп этиди. Шу ва бир қатор илмий ишлари билан Н.Д.Арутюнова "Одам тилда" тадқикот ишига катта ҳисса құшды.

Миллий менталлик ва тилнинг ўзаро алоқаси муаммоси хусусида маданиятшуносликда Н.В.Уфимцева ва Ю.А.Сорокиналарнинг тадқикот ишлари катта қизиқиш үйғотди.

Русларнинг ўзлари ўзларига шундай таъриф берадилар (улар күпдан озга караб фоизда берилған): меҳмондұстлар (5 та жавоб), күвноклар (5 та жавоб), сабрлилар (5 та жавоб), сахийлар, очик күнгиллилар, талантлилар, кашфиётчилар, ишонувчанлар, ҳозиржавоблар,, интеллегентлар, ўйчилар, ўқимишлилар, дангасалар, иккизламачилар, ақллилар, сабрлилилар, оптимистлар, чидамлилар, тундлар, ҳоргинлар, кайфиятсизлар, буюклар, баджакхлар, жохиллар, қизғанчиклар, ташаббуссизлар, түполончилар, бузғунчилар, зукколар, баҳтсизлар, чарчаганлар ва бошқалар.

Америкаликлар русларни қуйидагича тасаввур киладилар: материалистлар (7), меҳмондұстлар 4, серхаражатлилар 3, баланд овозда гапирувчилар 2, күнгилхушликни севувчилар 2, мағрурлар 2, оздilikни севувчилар 2, индивидуалистлар 2, ўз ишига садокатлилар 2, рақобатдошликка мойиллар 1, күп ишлашади 1, максадға интилувчилар 1, мотивлаштирилғанлар 1, худбинлар 1, тажовузкорлар 1, қизғанчиклар 1, ёкимсизлар 1, күпол 1, дангаса 1, кашфиётчилар 1, сахий 1, баҳтли 1 ва х.

Руслар портретига келтирилған таъриф ва тавсифлар түплами, ўз навбатида уларни зиддиятли томондан тасаввур килдиради, лекин бу улар ҳакида бутун яхлит күринишни хосил қилади, ва муаллифлар шу оркалы ядро ва перефирияни ажратышади.

Жумладан, агар руслар нуктаи назаридан белоруслар меҳнаткаш, саҳий, тежамкор, меҳмондўст, (тўртга асасий муносабат), украиналиклар эса уларни хасис, чидамли, меҳнаткаш, ишонувчан деб хисоблашади.

Унча катта бўлмаган эксперимент шунингдек маллатнинг раҳнамоларини аутокузатиш ва муносабатлар йўли билан эмас, балки бу йўналишда ОАВ томонидан ишлов берилган бошқа халқлар мушоҳадаси томонидан аниклашга ҳам ёрдам беради, Шундай қилиб, тилда миллий менталлик акс этади, ва у оддий психолингвистик эксперимент орқали тадқики этилиши мумкин.

Тил – одам идентификациясининг энг муҳим воситаси хисобланади. Шунинг учун тилни бирданига, тезлик билан янгилаш шахс тилига зўрлик қилиш деб хисоблаш мумкин, бундай ҳолатларда одам одатий ўзини намоён қилиш ва ўзини ангалаш, тушуниш воситасидан маҳрум бўлади. Зоро, тил хаёт билан дунёга келади, ўзининг вазифаларини бажариш баробарида ундан узилиб боради (яъни сўзлар бошқа мазмун билан тўлиб боради) ва ўзи уни яратишга кириша бошлайди.

### Тил шахси

Бизга маълумки, одам, шахс маданиятни яратади ва унда яшайди. Айнан шахсда одамнинг ижтимоий табиати биринчи планга чикади, одамнинг ўзи эса, ижтимоий хаётда субъект сифатида намоён бўлади.

Шахс концепциясининг бошқалари ҳам мавжуд. Америкалик психолог А.Маслоу, одамни ташқи оламга унча карам, яъни боғлик бўлмаган, ҳар кандай психологияни якуний ҳолати табиатни ички борлиғи сифатида кўради, хаёт эса ички табиат билан биргаликда руҳий саломатлик сабабидек кўриб чиқилади

А.Маслоу нуктаи назарича, шахснинг вояга етиши, бу одамнинг ўзини ҳар томонлама намоён қилиши замиридаги ўз идеалга томон харакатланишидир. У ёзишича, “Одамзот учун, яшаши учун : координаталар системаси, яшаш фалсафаси, дин ёки уни ўринини босувчи бошқа бир дин

зарурдир, жумладан улар худди қуёш нури, калций ёки мухаббат зарур бўлганидек керакдир”.

Шахс халқнинг, этноснинг маданий анъаналарининг истиқболи сифатида кўриб чиқилиши лозим. (Пископпель, 1997), зеро одамда одам туғилиши учун маданият доирасида шаклланувчи маданий-антропологик прототип зарур бўлади.

Албатта, ўзини ўзи тушуниш нарсларнинг асл ҳолатини аниқлашда муҳимдир. Лекин кўшни халқлар сени қай даражада тушунишлари унданда муҳимдир. Бу тоифадаги билимлар кўплаб этник зиддиятларини олдиндан кўра олишга ва уларни олдини олишга имкон беради.

Маданият категорияси- бу макон, тақдир, вакт, ҳуқук, бойлик, меҳнат, виждон, ўлим ва ҳ. Улар мавжуд қадриятлар системасини ўзига хос томонларини акс эттиради, ва дунёни англаш, идрок этиш ва ижтимоий хулк намуналарини яратади.

Тил шахсига дастлабки муносабат масаласи немис олими И.Вейсгерберг номи билан боғлик. Рус тилшунослигида дастлабки қадамни бу соҳада В.В.Виноградов қўйди ва тил шахсини ўрганишда икки йўлни ишлаб чиқди, булар муаллиф шахси ва персонаж шахсидир.

А. А.Леонтьев сўзловчи шахс хакида ёзган. Г.И.Богин тил шахси тушунчасини ишлаб чиқишни бошлаб, тил шахси моделини яратди. Унинг нуктаи назарича, одам “нутқ харакатларини ишлаб чиқиш, яратиш ва хосил бўлган нуткни қабул қилишга тайёр” моддият сифатида қаралади. Ю.Н.Караулов ҳам мазкур тушунчани илмий истеъмолга олиб кирди. Унинг таъбирича, одам матн яратиш ва қабул қилиш қобилиятига эга булиб, куйидагича фарқланади: структур-тил тизими даражасига кўра, борликни аник ва чуқурроқ акс эттириш, аниқ мақсадли йўналганлик билан.

Ю.Н.Караулов бадиий матнга асосланган даражаланган тил шахси моделини ишлаб чиқди (Караулов, 1987). Тил шахси, унинг фикрича, уч босқичли тузилишга эга. Биринчи босқич – вербал-семантик (семантик-строевой, инвариантли) оддий сўзлашув даражасини акс этувчи.

Иккинчиси- когнитив булиб, бунда социумга тегишли коллектив ёки алохида когнитив кенглик хосил қилувчи релевант билимлар ва тасаввурларнинг актуализация и идентификацияси амалга ошади.

Бу боскич ўзида шахс дунёси моделини, унинг тезаурусини, мадниятини акс эттришини назарда тутади. Ва ниҳоят учинчиси - олий боскичи прагматик боскич. У тил шахсини ривожланишини харакатга келтирувчи мотив ва максадлар характеристикасини аниклашга қаратилган.

Шунга кўра, ахборот кодлаштириш и декодлаштириш уч боскични, яъни "шахснинг коммуникатив кенглиги" –вербал-семантик, когнитив, ва прагматик даражаларнинг ўзаро таъсири остида амалга оширилади. Тил шахси қурилмасининг уч даражали концепцияси уч типдаги, яъни коммуникатив эҳтиёж—контактни хосил қилувчи, информацион ва таъсир ўтказувчи, шунингдек миллий хусусиятга эга муомала жараёнининг уч томони - коммуникатив, интерактив ва перцептив жиҳатдан корреляция килинади.

Тил шахсининг даражали модели шахснинг умумлаштирилган типини акс эттиради.

Мазкур маданиятда конкрет тил шахслари кўп бўлиши мумкин, улар ўз навбатида шахс таркибининг ҳар бир даражасида вариациялар моҳияти билан ажralиб туради.

Бунда нутқ шахси- тил шахси хисобланади. Айнан нутқ шахси даражасида тил шахсининг миллий –маданий ўзига хослиги, шунингдек муомаланинг ҳам миллий- маданий ўзига хослиги юзага келади.

Нутқ шахси мазмунига одатда куйидаги компонентлар киритилади:

- 1.Кадриятли, дунёқарашли, тарбия компоненти мазмуни, яъни қадриятлар тизими, ёки хаётий мазмун. Тил одамни дунёга дастлабки ва чукурроқ нигоҳ билан қарашини таъминлайди, миллий характер асосида шаклланувчи дунёнинг тил образини ва руҳий тасаввурлар иерархиясини хосил килади, табиийки, улар муомаланинг тил диалоглари жараённада амалга ошади.
- 2.Культурологик компонент - бу тилга бўлган кизикишни ошишини самарали

воситаси сифатида маданиятни ўзлаштириш даражасидир. Нуткй ва нонуткй хулк қоидалари билан боғлик үрганилаётган тил маданияти фактларини жалб қилиш, тилдан фойдаланиш адекват малакаларини шакллантиради, ва мулоқотдаги сұхбатдошига самараги таъсир ўтказади.

3.Шахс компоненти, ҳар бир одамда мавжуд индивидуал, чукурлаштирилган хусусият.

Тил шахси параметрлари эндигина ишлаб чиқылғапты. У абстракт синтактик моделларни тұлдирувчи у ёки бу фойдаланиш частотасига эга бўлган аниқ тил захираси билан характерланади

Агар моделлар мазкур тил жамоаси учун етарли даржада одатий бўлса, унда унинг лексикаси ва гаплашиш манераси одамни маълум ижтимоий қатламга тегишли эканлигини, унинг маълумот даражасини белгилаши, характер типи, жинси ва ёшини кўрсатиши мумкин.

Ўнлаб ижтимоий ролларни бажариш билан боғлик, бундай шахснинг тил репертуари, социумда қабул қилинган нутк одоби билан ўзлаштирилиши лозим.

Тил шахси тилда акс этувчи ижтимоий онг шакларининг (илмий, турмуш тарзи ва х.)нинг турли даражаларда, хулкй стереотип ва меъёларда моддий маданият оламида, яъни маданий маконда мавжуд бўлади. Маданиятда белгиловчи рол фикрлар концепти хисобланган, миллий қадриятларга тегишилдири.

Маданий қадриятлар ўзида универсал ва индивидуал, доминант ва қўшимча фикрларни ажратиши мумкин бўлган тизимни намоён қиласи.

Улар ўз аксини тилда топади, аникроғи сўзлар синтактик бирликларда, фразеологизмларда, паремеологик фонdlарда ва прецендент матнларда кўринади. Масалан, барча маданиятларда хасислик, кўркоқлик, катталарга нисбатан хурматсизлик, дангасалик кораланади, лекин ҳар бир маданиятда бу кусурлар ҳар хил боғлик белгиларига эга. Ҳар бир маданиятга ўзига хос ўзининг координаталари бор параметрларни ишлаб чиқиш мумкин. Бундай параметрлар якуний қадриятлар белгиси деб хисобланади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Маслова В.А. Введение в лингвокультурологию. – М.:Наследие, 1992.
2. Гумбольдт В. Язык и философия культуры. – М., 1985.
3. Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально – культурная специфика сентенций в английском и узбекском языках: Автореф.дисс.канд.филол.наук. – Ташкент, 2010.
4. Маҳмудов Н. Тилнинг мукаммал тадқики йўлларини излаб//”Ўзбек тили ва адабиёти” журн., 2012. № 5.
5. Телия Н.В.,Типы языковых значений. Связанное значение слова в языке. – М., 1981.
6. Телия В.Н. Русская фразеология. – М., 1989.
7. Сепир Э. Отношение норм. Поведения и мышления к языку в кн.: НЛ.в.1.М.,1960.

